

РАШИД ШУКУРОВ

**СЎЗ ВАРИАНТЛАРИНИНГ  
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК  
ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯСИ**

“ФАН”

Ўзбек тилининг лексик системасини ўрганишда сўз вариантларини тадқиқ қилиш ўзбек тилининг тараққиёти билан боғлиқ жуда кўп қонуниятларни очиш имконини беради.

Монографияда сўз вариантларининг турлари, уларни юзага келтирган лисоний ва нолисоний омиллар, сўзнинг ўзак ва аффиксал вариантлари, вариантликнинг қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар доирасида ҳам юзага келиши, сўз вариантларининг лексик-семантик дифференциацияси атрофлича таҳлил қилинган.

Китоб олий ўқув юрғларининг ўзбек филологияси факультетлари талабаларига, академик лицей, ҳунар-техника коллежлари ҳамда ўрта умумтаълим мактабларининг тил ва адабиёт ўқитувчиларига, ўзбек тили билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

Ўз Р ФА академиги А.ХОЖИЕВ.

**Тақризчилар**

филология фанлари докторлари, профессорлар  
Н.МАХМУДОВ, А.МАМАЖОНОВ

Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти  
Илмий кенгашининг 2006 йил 28 февралдаги йиғилиши  
томонидан нашрга тавсия этилган.

*Китоб Ўзбекистон Республикаси «Саломатлик – Р» масъулияти чекланган жамияти (раҳбари Раҳимахон Аминжонова), мазкур жамият қошидаги Ўзбекистон (Рафӣқжон Юсупов), Ропқон (Нурматжон Абдуллаев) сўхатгоҳлари, шунингдек, Меҳриғе кичик қорхонаси (Алижон Абдуразоқов), Овоза газетаси тахририяти (Отабек Раҳмонов) ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 5-648-03395-8

© Ўзбекистон Республикаси  
ФА «Фан» нашриёти,  
Рашид Шуқуров, 2006 йил.





## КИРИШ

Тилнинг сўз хазинаси бениҳоя ўзига хос ва мураккаб бир системадир. Бу системадаги сўзлар маъно, шакл ва бошқа жиҳатлар бўйича бир-бири билан доимий муносабатдадур. Тил белгисининг асимметрик дуализми қонуниятларига кўра муайян бир тушунчанинг бирдан ортиқ белги билан ифодаланиши ёки бир белгининг бирдан ортиқ тушунчаларга ном бўлиши ҳар қандай табиий тил учун хос бўлган азалий ҳодисалардир. Бу ҳолат тилнинг муғлақо ўзига хос табиати билан боғлиқ бўлиб, тилнинг манфий эмас, балки мусбат ҳодисалари сифатида қаралади.

Тилда сўзларнинг маъносига, шаклига, жинс-гур ифодалашига ва бошқа хусусларига кўра муносабати асосидаги бир қатор гурўхлаштиришлар, таснифлар мавжуд, яъни синоним, омоним, антоним, гипоним-гипероним ва бошқалар каби. Яна шундай муносабатдош сўзлар ҳам борки, улар тилшуносликда сўз вариантлари сифатида тадқиқ ва талқин этилади.

Тилшуносликда сўз вариантларининг лексик-семантик хусусиятларига оид баъзи масалалар дастлаб В.В.Виноградов, А.И.Смирницкий, О.С.Ахманова, Ф.П.Филин каби машҳур олимларнинг асарларида умумий планда ёритилган<sup>1</sup> ва бу проблемани атрофлича ўрганиш лозимлиги<sup>2</sup>, айниқса, лексикологияда сўз

<sup>1</sup> Смирницкий А.И. К вопросу о слове (Проблема тождества слова) // Труды института языкознания АН СССР, 1954, Том 4; Лексикология английского языка. М.: Учпедгиз, 1956, С 48; Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. М.: Учпедгиз, 1957, С. 192 – 233; Филин Ф.П. О слове и вариантах слова // Морфологическая структура слова в языках различных типов. М. Л.; Изд-во АН СССР. 1963, С. 130.

<sup>2</sup> Демидова К. И. К вопросу вариантности словообразовательных средств в языке диалектного типа // Вопросы вариантности и синонимии в современном русском языке. Свердловск: Научные труды Свердловского гос. пед. института. Т. 181. 1973. С. 17 – 24.

вариантлари проблемасининг ўрганилмаган жуда кўп аспектлари мавжудлиги таъкидланган<sup>3</sup>.

60-йиллардан кейин сўз вариантлари проблемасини ўрганишга қизиқиш ва унга бағишланган кўпгина йирик асарлар яратилди<sup>4</sup>.

Туркологияда ҳам сўз вариантларига бағишланган жиддий тадқиқотлар юзага келди<sup>5</sup>. Ўзбек тилшунослигида эса бу соҳага оид бир неча мақолалар эълон этилди<sup>6</sup>.

Сўз варианты масаласи саводхонлик билан мустаҳкам боғлиқ бўлишига қарамай, ўқув кўлланмаларида бу ҳақда маълумот берилмас эди. Ўзбек тили стилистикасига оид бир асарда бу масалага алоҳида эътибор берилганлигини<sup>7</sup> мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Маълумки, тилда семантик жиҳатдан бир хил, аммо фонетик ва морфологик жиҳатдан икки ва ундан ортиқ кўринишга эга бўлган сўзлар учрайди. Бундай сўзлар тилшуносликда сўз вариантлари деб аталади.

Ҳозирги ўзбек тилида сўз вариантлари кўшлаб учрайди. Масалан: ўзбек тилининг имло луғатида *адаб* ва *одоб*, *арава* ва *ароба*, *аста* ва *оҳиста*, *баробар* ва *баравар*, *кабутар* ва *каптар*, *бежамоқ* ва *безамоқ*, *масжид* ва *мачит*, *нохос* ва *нахост*, *тақилламоқ* ва *тақирламоқ*, *ундайвериш* ва *ундай бериш*,

<sup>3</sup> Попова З. Д. Проблема вариантности в лексикологии // Известия Воронежского гос. института, Т, 141, 1975, С. 22.

<sup>4</sup> Рогожникова Р.П. Варианты слов в русском языке. М., 1966; Горбачевич К.С. Вариантность слова и языковая норма. Л., 1978; Граудина Л.К. Вопросы нормализации русского языка. Грамматика и варианты. М.: Изд-во «Наука», 1980.

<sup>5</sup> Бизаков С.В. Фонетические варианты слов в современном казахском языке. АКД. Алма-Ата. 1972; Уразбаева Э.Г. Вариантность слова в современном башкирском литературном языке. АКД, УФА, 1980.

<sup>6</sup> Усмонова Ў. Дублетлар ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968. 1-сон; Бобоева А. Газета тилида «зиммага олмоқ» иборасининг вариантлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. 2-сон; Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида вариантдорлик // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979, 6-сон; Шукуров Р. Сўз вариантлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1982. 6 - сон

<sup>7</sup> Шомаксудов А., Расулов И., Кўнғуров Р., Рустамов Ҳ., Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёти. 1983.

холисанлилло ва холисонлиллох, чайнайвермоқ ва чайнай бермоқ, чақилдоқ ва чақиллоқ, чашмадай ва чашмадек, шоҳи ва шойи, шоҳаншоҳ ва шаҳаншоҳ, шоҳсула ва шосула, шўнғимоқ ва шумғимоқ, эмикдош ва эмуқдош, юган ва жуган, юқалик ва юқалик, ўлгудай ва ўлгудек, ўлтириш ва ўтириш, қабарик ва қаварик, қабат ва қават, ҳамона ва ҳамоно, ҳийлагар ва ҳийлакор, ҳўл-қуруқ – ҳўлу қуруқ каби юзлаб сўз вариантларини учратиш мумкин<sup>8</sup>.

Бадий адабиётда сўзларнинг янада хилма-хил вариантларини учратиш мумкин. Чунончи, *куёвнавкар* сўзи турли асарларда *куёвновкар*, *куёвникор*, *куёвнукар*, *куёвнўкар* каби формаларда қўлланган. Масалан, *Эртасига олтмиш уч яшарли куёв тўра ўз тенги куёвнавкарлар билан етиб келди* (М.Исмоилий, Бургут). *Куёвновкарда ҳам Нуъмонжоннинг ёнида ўтириб роса қизиқчилик қилиб, одамларни кулдирди, – деди чол* (С.Аҳмад). *Марғилонда кечқурун яна қирқ-эллик катта-кичик киши куёвникор бўлиб, куёвни ўртага олиб карнай-сурнайлар билан қуданикига борди*. (М.Муҳаммаджонов) *Элликбошининг иштаҳаси карнай, у ўзини куёвнукарга келган шўх йигитлардай ҳис қилар, обиноввот билан нуқул кўк чойгина ичарди* (Ш.Тошматов). - *Ҳамма куёвнўкардагидай ўлан айтиб, Маҳкам акани ўз уйига кузатиб қўйди* (И.Раҳим)\*

Ўзбек тилининг имло луғатида (1976) фақат бир шаклда тўри акс эттирилган *балхитут* сўзи *балхи тут*, *балхтут*, *балх тут*, ҳатто, *балиқ тут* шаклларида учрайди: *Кўчанинг бир ёнидан тортилган ариқнинг икки томонидаги эски, йўгон, сершоҳ, балхи тут дарахтлари кеча қороғилигини ваҳимали бир кўринишга айлантирган эди* (С.Айлий). *Баҳорда балхтут остида бўлган ҳодиса ҳеч қачон унинг эсидан чиқмайди* (А.Қаҳҳор). *Қуриб қолган азим балх тут олдида еганимизда Юваш тўхтади* (Э.Раҳимов).

Илмий ва техникавий терминологияда, масалан, машина-созлик, агрономия, зоология, медицина, космос каби соҳалар-

<sup>8</sup> Ўзбек тилининг имло луғати. Тошкент, 1976.

\* Мисоллар Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти қармоқда фондидан олинди.



га доир адабиётларда ҳам бир сўзнинг турлича вариантлари учрайди. Зоология терминологиясини текширган Д. Х. Бозорова бир қушнинг номи баъзи асарларда бир неча вариантда *безгалдак*, *базгалдек*, *бизгалдок* тарзида баъзан бир луғатнинг ўзида икки хил *итолги*, *италги* каби берилиши қийинчилик туғдираётганини таъкидлайди<sup>9</sup>. Бу олима ўзбек тилида 52 қушнинг номи турли вариантларда учрашини кўрсатиб ўтади<sup>10</sup>.

Шунингдек, ўзбек тили имло луғати (1976) нинг «Б» ҳарфи бўлимида 5424 та сўз бўлиб, шулексиколондан 149 таси 2-3 вариантда берилган. Рус тили имло луғати лексиколо (1973) нинг худди шу бўлимида 3952 та сўз бўлиб<sup>11</sup>, улардан фақат 28 та сўз ўз вариантларига эгаллигини ҳисобга олсак, ўзбек оғзаки нутқи нормаларининг ҳали етарли шаклланиб етмаганлиги ва қатъийлашмаганлиги маълум бўлади<sup>12</sup>.

Ўзбек тилшунослигида мустақил сўз ва сўз вариантлари, сўз вариантларининг тузилиши ва тилдаги вазифаларини фарқлаш каби масалалар етарлича ўрганилган деб бўлмайди. Ўзбек тилида сўз вариантлари ва вариантдорлик масаласи билан жиддий шуғулланган А.Бобоева вариантдорлик терминига қуйидагича таъриф беради: «... мазмун ва моҳияти жиҳатидан айнан бир хил ва бир-бирига яқин маънодаги нутқий воситаларнинг иски ва ундан ортиқ шаклда ифодаланишидир»<sup>13</sup>. Фикримизча, бу таъриф вариантлар ҳақидаги фикрни синонимлар ҳақидаги фикр билан қориштириб юборади. Вариантдорликни қисқа ва лўнда қилиб «бирор тил бирлигининг, масалан, битта сўзнинг икки ва ундан ортиқ шаклда ифодаланишидир», дейилса кифоя. Бу фикрни сўз варианты терминига берилган таърифлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, К.С.Горбачевич «Варианты слова – это регулярно вос-

<sup>9</sup> Базарова Д.Х. История формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка (на материале названий птиц). Ташкент: «Фан», 1978. С. 133.

<sup>10</sup> Ўша китоб. 160-165-бетлар.

<sup>11</sup> Орфографический словарь русского языка. М., 1973. С. 25-44.

<sup>12</sup> Ўзбек адабий талаффузи луғати. Тошкент: «Фан», 1984. 9-бет.

<sup>13</sup> Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида вариантдорлик (Газета тилидаги айрим лексик дублетлар асосида)//Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. 1-сон, 29-бет.

производимые видоизменения одного итого же слова...»<sup>14</sup>, деб таърифлайди. А.Ҳожиёв «Морфемалар таркибида сақланган ҳолда бирор жиҳатдан ўзгачаликка эга бўлган кўриниши»<sup>15</sup>, деб изоҳлайди. Л.К.Граудинанинг фикрича, бир сўзнинг айнан бир хил лексик-семантик маънони ифодаловчи, аммо ўзак ё негизда юз берган фонетик (товуш) ўзгариши туфайли бир-биридан фарқ қилувчи турлича кўринишлари сўз варианты бўлади<sup>16</sup>.

А.Л.Вороновнинг маълумотига қараганда, сўз вариантларининг мустақил сўзлардан чегаралари (фарқлари) сўз вариантларининг тилдаги ўрни ва роли, истиқболи (йўқола борадими ёки доим юз бериб турадиган ҳодиса эканлиги) юзасидан, умуман, тилшуносликда турлича, кўпинча бир-бирига зид фикрлар баён этилган<sup>17</sup>.

Айрим олимлар айнан бир маънода ишлатиладиган, аммо бошқа-бошқа ўзаклардан ташкил топган *жарима-солиқ*, *алам-ситам*, *афсунгар-жодугар* каби синонимларни ҳам орфографик вариант (ёки дублет) деб биладилар<sup>18</sup>. Дарҳақиқат, баъзи тилшунослар сўзнинг фонетик ва морфологик вариантлари охири синонимларга айланиб кетиши мумкинлигини айтадилар<sup>19</sup>.

Фикримизча, сўз вариантларини дублетлардан, айниқса синонимлардан қатъий чегаралаш лозим. «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» да *одобли* (*адабли*), *баравар* (*баробар*) каби сўзлар киритилган. Аммо муаллиф бундай сўзларни синоним эмас, балки сўз варианты эканлигини кўрсатиш учун қавс ичига олган<sup>20</sup>.

<sup>14</sup> Горбачевич К.С. Вариантность слова и языковая норма. Л.: Наука, 1978. С. 7.

<sup>15</sup> Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент, 1985. 82-бет.

<sup>16</sup> Граудина Л.К. Вопросы нормализации русского языка. Грамматика и варианты. М., 1980. С. 107.

<sup>17</sup> Воронов А.Л. Типология варьирования слова и немецком и русском языках// Нормы реализации. Варьирование языковых средств. Горький, 1976. С.11.

<sup>18</sup> Усмонова Ў. Ўша мақола. 39-бет.

<sup>19</sup> Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. М., 1957. С. 192-210.

<sup>20</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1974.

Кузатишлар кўрсатадики, бир сўзнинг ёки келиб чиқиш жихатидан бир хил бўлган сўзнинг шу тилда учрайдиган бирдан ортиқ шаклларигина сўз варианты бўлади: *адаб-одоб, баравар – баробар, тақиллатиш – тақирлатиш, ундайверди-ундайберди, қавариқ – қабариқ, қанддек – қанддай – қанддақ* каби. Улар маъно жихатдан бир-биридан фарқ қилмайди<sup>21</sup> ёки жуда оз маъно нозиклиги (маъно оттенкаси) билан фарқ қилади: *чарс-чурс* каби. Ана шу хусусиятлари билан сўз вариантлари бир хил ёки яқин маънодаги турли сўзлардан ташкил топадиган синонимлардан ҳам, дублетлардан ҳам фарқ қилади.

Келтирилган мисоллардан кўринадики, сўз вариантлари ўзакда (*адаб-одоб*) ёки кўшимчаларда (*қанддек-дақ, тақил-тақир*) юз берган фонетик ўзгариш туфайли бир неча вариантли бўлиб қолади. Баъзи сўзлар эса ҳам шаклан (товуш жихатдан), ҳам маъно жихатдан (*чарс-чурс* каби) бир-биридан фарқли вариантларга бўлинади. Фикримизча, *тақ-туқ, чарс-чурс, чарс-чарс* каби сўзлар ҳам бир сўзнинг вариантлари бўла олади.

О.С.Ахманова сўз вариантларини қуйидагича гуруҳларга бўлиб ўрганайди: 1) сўзнинг лексик-семантик вариантлари; 2) сўзнинг лексик-фразеологик вариантлари; 3) сўзнинг фонетик ва морфологик вариантлари<sup>22</sup>.

Рус тилидаги сўз вариантларини чуқур тадқиқ қилган Р.П.Рогожникова эса сўз вариантларини фонетик ва морфологик вариантларга бўлади<sup>23</sup>. У фонетик вариант деганда, сўзнинг товуш томондан ўзгаришини тушуниш керак, дейди. Олиманинг фикрича, фонетик вариантлар сўзнинг турли қисмларида юз бериши мумкин, ammo ҳар қандай ҳолатда ҳам сўзнинг лексик маъноси ўзгармайди<sup>24</sup>.

Морфологик вариантлар сўзнинг грамматик маъно ташувчи қисмларида содир бўлган ўзгаришлар туфайли юз беради, бошқача қилиб айтганда, фонетик фарқлар сўз ўзгартирувчи

<sup>21</sup> Рогожникова Р.П. Ўша асар. 13-бет.

<sup>22</sup> Ахманова О.С. Ўша асар. 5-бет.

<sup>23</sup> Рогожникова Р.П. Ўша асар. 65, 75-бетлар.

<sup>24</sup> Рогожникова Р.П. Ўша асар. 15-бет.



аффиксларда содир бўлади. Р.П.Рогожникова бундай қисмлардан, биринчи навбатда, русча *окончани*сни ва лексик маънони ифодалайдиган, грамматик маъно билдирадиган суффиксларни кўзда тутади.

А.Бобоева ўзбек тилида сўз вариантлари ҳақида гапириб, улар 1) фонетик вариантлар, 2) морфологик вариантлар, 3) синтактик вариантлар, 4) синонимларнинг бир қисми, 5) дублетлар деб беш гуруҳга бўлади<sup>25</sup>. Аммо мақолада бу гуруҳлар устида алоҳида тўхтаб ўтилмай, кўпроқ вариант ва дублетларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари юзасидан фикр юритилган.

Биз ишда фақат шу кунгача сўзнинг фонетик ва морфологик вариантлари деб аталган турларини муфассалроқ ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Туркий тилларнинг грамматик қурилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари сўзнинг фонетик вариантлари деганда бир сўзни, ўзагида юз берган товуш жиҳатдан ўзгаришини, морфологик вариант деганда, фақат сўз ясовчи аффикслардаги хилма-хилликни эмас, балки умуман, ҳар қандай аффиксларда, жумладан, сўз ўзгартирувчи аффиксларнинг товуш таркибидаги фарқни (ўзгаришларни) ҳам кўзда тутиш лозимлигини кўрсатади<sup>26</sup>. Ў.Усмонова ўз мақоласида худди ана шу хусусиятлардан келиб чиқиб иш кўрган. Лекин, «сўз вариантлари» маъносида «дублетлар» терминини кўллаб, уларни фонетик ва морфологик дублетларга бўлади: фонетик дублет деганда, ўзак ва негизнинг турли хил фонетик сабаблар билан бир неча вариантда айтилиши ва ёзилишини назарда тутади: *ковуш-ковиш* – *кавуш-кавиш*, *бирор-бирон*, *думбул-думбил*. Морфологик дублетлар деганда эса, аффиксларнинг турли хил сабаблар натижасида бир неча вариантда айтилишини назарда тутади: *билиш-билув*, *ётоқ-ётагон*, *бадхулқ-хулқсиз*, *бергизмоқ-бердирмоқ*<sup>27</sup>.

Фикримизча, бир сўзнинг бундай шаклларини ўз номи билан фонетик вариантлар ва морфологик вариантлар деб аташ

<sup>25</sup> Бобоева А. Ўша мақола. 58-бет.

<sup>26</sup> Хожиев А. Ўша асар. 82-бет.

<sup>27</sup> Усмонова Ў. Ўша мақола. 39-бет.

лозим. Бундан ташқари, «фонетик вариантлар» ва «морфологик вариантлар» терминлари ўрнида «сўзнинг вариантлари» ва «сўзнинг аффиксал вариантлари» деб юритиш аниқроқ бўлур эди. Чунки, бир сўзнинг ўзаклари ҳам, аффикслари ҳам асосан таркибидаги товушларнинг турлича бўлиши билан фарқ қилади.

Бир сўзнинг ўзагидаги товушларда бўладиган ўзгаришга кўра юзага келган турли шакллар сўзнинг ўзак вариантларини юзага келтиради: *адоб-одоб, қабарик-қаварик, бурама-буралма* каби.

Бир сўзнинг бир функциясидаги кўшимчалари шаклан фарқ қилса, бунда сўзнинг аффиксиал вариантлари юзага келади: *жиндай-жиндек-жиндак, ундай-унақа-унақанги, сендай-сендек-сендақа-сендақанги* каби.

Сўзнинг ўзак ва аффиксал вариантлари кўпинча шева хусусиятларига боғлиқ ҳолда юз бериши мумкин, *она – эна, да-да-дода, келишти-келвотти-келутти, чиммат-чошбанд-чочвон* каби. Буни сўзнинг диалектал вариантлари, деб айтиш мумкин. Бироқ, бу мустақил (алоҳида) тур (кўриниш) эмас, балки сўзнинг ўзак ва аффиксиал вариантларининг адабий тилга нисбатан атамаси (номланиши) дир. Сўзларнинг кўп вариантлари амалда (нутқда) мавжуд бўлса ҳам, улар ёзма адабиётда учрасмаслиги мумкин. Масалан, *куёвнавкар* сўзининг фақат 5 шаклига ёзма адабиётларда мисоллар учраган бўлса, жонли тилда улардан ташқари *куёвновкар, куёвникар, куёвникор, куёвнукар, куёвнукор, куёвнўкар, куёвнўкор, киёвнавкар, киёвновкар, киёвникар, киёвникор, киёвнукар, киёвнукор, киёвнўкар, киёвнўкор\** каби шакллари ҳам учрайди. Имло луғатларида қайд қилинган сўз вариантларини жонли тилда учрайдиган сўз вариантларидан фарқлаб орфографик вариант деб айтиш мумкин. Хуллас, адабий тил нормасига мос келадиган, имло луғатига киритиш мумкин бўлган сўз вариантларигина орфографик вариант бўлади. Орфографик вариантлар ҳам мустақил вариант бўлмай, балки ўзак ёки аффиксал вариантларнинг имло луғатига қириши мумкин бўлган, адабий тил нормасига мос келадиган шаклидир.

\* *Куёвнавкар* сўзининг 5 хил варианты Н.Мамаатовнинг «Ўзбек тилида кўшма сўзлар» (1982) номли монографиясидан олинди. 10-бет.

Биз тўплаган материаллар сўз вариантлари, ҳозиргача қайд қилинганидек, фақат сўз ўзагида ҳамда қўшимчаларда бўладиган фонетик ўзгаришлар туфайли юзага келмасдан, балки фонетик ўзгаришсиз ҳам юзага келиши мумкин (*мрамар-мрамартош*) каби. Бундан ташқари, морфологик ўзгаришлар фақат ўзакда ё қўшимчадагина юзага келмасдан, балки қўшма сўзларда (*араваўк-аробаўк, бекойим-бегойим, гадойтахлит-гадотахлит, замбилгалтак-замбаргалтак, итбурун-итмурун* каби), жуфт сўзларда (*байти-газал – байту газал, кеча-кундуз – кечаю-кундуз, якка-дукка – яккам-дуккам, куюк-суюк – суюк-куюк* каби), такрорий сўзларда (*гулур-гулур – гупура-гулур, тапир-тапир – тапира-тапир, вақир-вақир – вақир-вуқур, чағир-чағир – чағир-чуғур* каби) ҳам майдонга келиши мумкин. Бундан ташқари, айрим сўз вариантлари шу сўзнинг ўзак ва аффиксал, ҳатто қўшма ва жуфт сўз ҳолатидаги шаклларидагузилиши мумкинлигини ҳам кўрсатадики, тегишли бўлимда булар ҳақида муфассалроқ тўхтаб ўтамиз.

Шундай фактлардан келиб чиқиб, сўз вариантлари сўзларнинг морфологик таркиби жиҳатидан ўзаро фарқ қиладиган турлари (яъни туб сўзлар, аффиксал сўзлар, қўшма сўзлар, жуфт сўзлар ва такрорий сўзлар) доирасида ҳам юзага келишини кўзда тутиб, бундай вариантларни бошқа хил вариантлардан, масалан, фонема вариантлари, сўз бирикмаси вариантлари, фразеологик вариантлардан фарқлаб, умумий морфологик вариантлар деб юритишни маъқул топдик. (Чунки фонетик ўзгаришлар асосан морфемаларда, яъни ўзак ва аффиксал морфемаларда юз беради. Шунинг учун ҳам ўзак ва аффикслардаги ўзгаришлар натижасида юзага келган сўз вариантларини морфологик вариантлар деб юритишга асос бэр).

Сўз вариантларига доир асосий масалалардан бири, улардан бир ёки иккитасини адабий тил нормаси сифатида танлашдир. Айрим тадқиқотчилар бир сўзни иккитадан ортик (*баъзан ўнлаб*) вариантлари мавжудлиги нормал бир ҳол бўлмагани учун, улардан бирини танлаш лозимлигини айтадилар, лекин, унда, кўпинча, ўз дидларига асосланадилар.



Ў.Усмонова *кабутар* сўзини адабий тилда қолдириб, *каптар* шаклини чиқариб ташлаш керак, дейди<sup>28</sup>.

Фикримизча, кўп вариантлардан бирини танлаб олишда муайян принципларга, тилда бор фактларга, масалан, қайси вариантларнинг кўп қўлланишига, шу тилда ўхшаш сўзларнинг бор-йўқлигига амал қилиш керак. *Жиндай*, *жиндак*, *жиндек* вариантларидан *жиндай* шакли кўп ишлатилади, қолган вариантлари эса оз қўлланади. Сўз вариантларини танлашда буни ҳисобга олиш керак. Бу жиҳатдан қаралса, *кабутар* сўзига қараганда *каптар* сўзи адабий тилда қолиши лозим бўлади. Чунки, у кўп қўлланади (картотека фондида) *каптар* сўзига 7 та, *кабутар* сўзига 3 та мисол бор.

- *Каптархонани каптарлардан ҳоли ва оғзидаги новдадан тўкилган тўрларни бузилган кўриб ҳайрон бўлади* (А.Қодирий). Бундан ташқари, *каптар* сўзи кўшма терминлар таркибида (*диликаптар* – узум нави каби), кўшиқ ва шеърларда ҳам кўп ишлатилади.

Боғ айлана шафтоли,  
Учган кимнинг каптари?  
Айтсам адо бўлмайди  
Бевафонинг дафтари  
(Халқ ижоди)

Учади томинг билан  
Оққина каптар келиб.  
Тинч меҳнатда яшаймиз  
Ҳаммамиз ўйнаб-кулиб  
(Ўзбек халқ кўшиқлари)

Шунга қарамасдан, *кабутар* сўзини адабий тилдан чиқариб ташлаш ўринли бўлмайди, чунки, бу сўз, биринчидан, кўпдан буён ишлатилади, иккинчидан, муайян стилистик функцияни бажаради: *каптар* – нейтрал нутққа, *кабутар* – поэтик, китобий нутққа хосдир.

<sup>28</sup> Усмонова Ў. Ўша мақола. 39-бет.

Қадимдан *кабутар* сўзи адабий тилда мавжуд эди. Ҳозир адабий тилда *каптар* сўзи норма бўлиб қолди. Чунки, адабий тил халқ тили билан яқинлашди. Зоология терминларида ҳам *каптар* сўзи ишлатилади. *Кабутар* сўзи эса ҳозир асосан юқори услубга хос нутқда, аруз вазидаги шеърларда учрайди: Масалан:

*Адоват калхату, ҳақ сўз кабутар,  
Ҳақ сўзни гапирсанг, калхатлар ютар.*  
(С.Абдулла)

Сўз вариантлари лексик маъно жihatдан бир-биридан фарқ қилмайди. Сўзнинг формаси ўзгарганда, маъноси ҳам ўзгарса сўз варианты бўла олмайди. Айрим сўз вариантлари муайян шароитда алоҳида сўзга айланиб кетиши мумкин: *арт-арч, аҳл-аҳил, туб-туп (бир туп), бўғин (авлод) – бўғим (бўғилган, бўлинган жой)* каби.

Тилда объектив равишда мавжуд бўлган бу ҳодиса (дифференциация) юзасидан туркологияда бирмунча муфассалроқ маълумот учрамади. Шунинг учун ҳам сўз вариантлари билан бир занжирга бирлашувчи лексик дифференциация ҳодисаси ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим бўлади.

## I БОБ СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК ВАРИАНТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Сўзнинг морфологик вариантларининг лексик birlikларга айланиш йўллари тадқиқ қилишдан аввал сўзнинг морфологик вариантлари ҳамда уларнинг турлари ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим бўлади.

Муайян тил бирлигининг шаклан турлича юритилиши, масалан, сўз ёки қўшимчаларнинг товушлар состави (ёки фонетик) жihatдан бирмунча фарқ қилган ҳолда бир неча шаклда юритилиши шу тил бирлигининг вариантлари хисобланади. Масалан, феълнинг орттирма даражасини ясовчи қўшимчанинг – *газ (гиз, фаз, -ғиз – каз, -киз, -ғаз, -қиз)* шакллари

шу кўшимчанинг вариантларидир: *кўрғаз, кўргиз, юрғаз, турғиз, кетказ, кеткиз, ўтқаз, тутқиз*<sup>29</sup> каби.

Сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар, ҳатто гапларнинг ҳам турлича вариантлари бўлиши мумкин: *похвалить артиста и «похвала артисту», «люблю читать, и люблю чтение (в значении люблю заниматься чтением)»*<sup>30</sup>, *ара гарышдырмаг – араны горышдырмаг; арам олмамаг – арасы олмамаг, ајағы кәсилмәк – ајағыны кәсмәк; ганац кәрмәк – ганадыны кәрмәк*<sup>31</sup>, *ему холодно – для него холодно, ср.: у него холодно*<sup>32</sup> каби. Гап вариантлари, фикримизча, гап бўлакларининг турлича жойланиши, гапда сўзлар тартибининг ўзгариши туфайли ҳам майдонга келади:

*Ҳалимаҳон кеча ўқишга қабул қилинди.*

*Кеча Ҳалимаҳон ўқишга қабул қилинди.*

*Ўқишга Ҳалимаҳон кеча қабул қилинди.*

*Кеча ўқишга Ҳалимаҳон қабул қилинди.*

*Ҳалимаҳон ўқишга кеча қабул қилинди.*

*Ўқишга кеча Ҳалимаҳон қабул қилинди* каби.

Поэзияда шу гапнинг яна шунча варианты ишлатилиши мумкин.

*Қабул қилинди кеча Ҳалимаҳон ўқишга.*

*Кеча қабул қилинди Ҳалимаҳон ўқишга* каби.

Бирок, биз бу ишда фақат сўз вариантларини тадқиқ қилиш билангина чекланамиз. Мавжуд лингвистик адабиётларда сўз варианты нималиги анча муфассал баён қилинган ва унга бир неча таърифлар берилган.

<sup>29</sup> Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек адабий тили; Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 332-бет

<sup>30</sup> Чеснокова Л.Д. О соотношении синтаксических синонимов и вариантов// Вопросы вариантности и синонимии в современном русском языке Научные труды Свердловского госпединститута. Т.181. Свердловск, 1973. С. 51.

<sup>31</sup> Будагова З.И. Фразеологическая вариативность в азербайджанском языке//Вариативность как свойство языковой системы (тезисы докладов). Часть II, М., 1982. С. 57.

<sup>32</sup> Арват Н.И.Вариативность в сфере выражения состояния (на материале русского языка) // Вариативность как свойство языковой системы (тезисы докладов). Часть II. М., 1982. С. 12.



Ушбу тадқиқотда биз, аввало, ўзак ҳолидаги сўз вариантларини кўриб чиқамиз: *замон* – *замона*, *замбар* – *замбил*, *зувала* – *зувола*, *зулмат* – *зулмот* – *зулумот*, *исриқ* – *исриғ*, *интик* – *интиғ*, *ништар* – *наштар*, *пачақ* – *пачок*, *подшо* – *подшоҳ*, *тавба* – *товба*, *табақа*, – *тавақа*, *танавор* – *тановар*, *тилсимот* – *тилимот* каби. Бундан ташқари, сўз ясовчи кўшимчаларнинг вариантлари ҳақида ҳам фикр юритамиз, чунки улар ҳам сўз ясади ва сўз вариантларини юзага келтириши мумкин. Бироқ, турли ўзакларга, кўпинча уларнинг фонетик составига мослашган ҳолда кўшилиб, турлича янги сўз ясайдиган, аммо сўз вариантыни ҳосил қилмайдиган кўшимчалар бу ишга алоқадор эмас. Масалан, қурол-асбоб номи ясовчи – *ғич* кўшимчаси унли ва жарангли ундош билан тугаган ўзакларга кўшилади. Масалан, *улагич* – *сузғич филтр*, *бириктиргич соединитель* каби.

Жарангли ундош билан тугаган ўзакларга ўрни билан, яъни таркибида *қ*, *ғ* ундоши бўлса, – *ғич* ҳам кўшилади: *қирғич*, *отқашлагич* каби.

Ундош билан тугаган ўзакларга кўпинча – *қич* / – *қич* аффикси кўшилади: *кўрсатқич*, *совутқич*, *ушатқич*, *ёпқич*, *қисқич*, *йиртқич* каби.

Аммо муайян бир ўзакка кўшилиб, айнан бир хил маънодаги сўз ясайдиган, аммо бир сўзнинг 2-3 вариантыни ҳосил қиладиган кўшимчалар мазкур ишнинг текшириш объектларидан бири саналади: *бойлик* – *бойлик*, *отлик* – *отлик*, *бўғим* – *бўғин*, *энли* – *энлик*, *киракаш* – *кирачи*, *суянчик* – *суянғич* каби.

Сўз вариантларидан бири – адабий тилга мансуби, кўп ишлатиладиган, китобларга, луғатларга киритилгани, кўпчилик томонидан эътироф этилгани асосий вариант дейилади. Асосий вариант, одатда стилистик бўёксиз, яъни бирор стилга ёки шевага мансуб бўлмаган, нейтрал лексикага хос бўлади. Агар у китобий ёки илмий услубга ёки сўзлашув тилига, айниқса бирор шевага мансуб бўлса, у *кўмакчи вариант* дейилади. Масалан, *каптар* – *кабутар* сўзларидан биринчиси асосий вариант бўлиб, иккинчиси *кўмакчи вариант*дир. Чунки, у китобий услубга хосдир.

Сўз вариантларини дублетлардан ҳам, синонимлардан ҳам фарқлаш лозим. Тилшуносликда бу ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари юзасидан кўпга тадқиқотлар олиб борилган.<sup>33</sup> Аммо бу ҳодисалар кўп ҳолларда фарқланмайди. Чунончи, «Илмий-техникавий терминология» номли рефератив ахборотда бундай дейилган: «... синонимлар (дублетлар), яъни, битта илмий-техник тушунчани ифодалайдиган ҳар хил терминларнинг мавжуд бўлишига йўл қўйилмайди»<sup>34</sup>. Кўриниб турибдики, бу ўринда синоним ва дублет сўзлари бир маънода, фарқсиз қилиб кўрсатилган. Фикримизча, бу икки хил терминни фарқлаш лозим кўринади. Е.Н.Толикина дублетлар, асосан нутқда қўлланиши (ишлатилиши) жиҳатидан синонимлардан фарқ қилишини таъкидлайди<sup>35</sup>. Унинг фикрича, дублетлар ўзаро бир-бирининг маъносини аниқлаш, изоҳлаш, тушунтириш учун ишлатилади ёки матнда бир хил маънода навбатланиб қўлланади<sup>36</sup>.

Кузатиш синонимлар билан дублетлар орасидаги фарқни куйидагича тушунтириш мумкинлигини кўрсатади:

1) Синонимлар умумодабий тилда узоқ вақтдан бери яшаётган, кенг тарқалган, кўпчиликка маълум (тушунарли), мустақкам ўрнашган бўлади: *одам* – киши – инсон, *хун* – куёш – офтоб, *бахт* – иқбол, – толе – саодат, *буйруқ* – амр – фармон каби. Дублетлар эса адабий тилда кам учрайди, кўпинча би-

<sup>33</sup> Гречко В.А. Однокоренные синонимы и варианты слова. //Очерки по синонимике современного русского литературного языка. М., - Л.: «Наука», 1966; Демидова К.И. К вопросу вариативности словообразовательных средств в языке диалектного типа. //Вопросы вариативности и синонимии в современном русском языке. Научные труды Свердловского гос.пед.института. Свердловск, 1973; Иванникова Е.А. К вопросу о взаимоотношении понятия варианта с понятием синонима. //Синонимы русского языка и их особенности (Отв.ред. А.П.Евгеньева). Л., Изд-во «Наука», 1972; Алиференко Л.Б. Лексико-словообразовательная синонимия и вариативность слов в современном английском языке. АКД, Киев, 1973.

<sup>34</sup> «Научно-техническая терминология». Реферативная информация. 1973, №8, С.5.

<sup>35</sup> Толикина Е.Н. Синонимы и дублеты. Исследования по русской терминологии. М.: «Наука», 1971. С. 88-89.

<sup>36</sup> Ўша асар. 89-бет

роҳ соҳа терминологиясида, асосан унинг шаклланиш, ривожланиш даврида, айниқса, бирор тилдаги терминологик тушунчани бошқа тилда ифодалаш, таржима қилиш, тушунтириш билан боғлиқ ҳолда юзага келади, тор доирада қўлланади, кўпчиликка нотаниш бўлади: *аврон – сафро ўти, абутилон – гўзор – дагал каноп, автогамия – ўз-ўзини чанглаш, автоном миграция – мустақил кўчиш, автоном тиним – узоқ вақтли тиним (уйқу<sup>37</sup>)* каби.

2) Синонимия сўзга хос бўлиб, улар туб, ясама, қўшма сўзлардан тузилади: *кўкрак – кўкс – сийна – бағир; номусли – ҳаёли – ибולי – андишали; бемалол – бамайлихотир – бахузур; қувноқ – хушчақчақ; дастлаб – даставвал – аввалбоши* каби.

Дублетлар эса асосан терминологияга хос бўлгани, терминлар сўзлардан ҳамда сўз бирикмаларидан ҳосил бўлиши мумкинлиги туфайли дублетлар қаторини юзага келтиришда сўз бирикмалари ҳам иштирок этади.

3) Синонимлар стилистик ва эмоционаллик бўёқларига эга бўлиб, сўзловчининг киши ва нарсаларга нисбатан салбий ёки ижобий муносабатларини шароитга, замонга мос ҳолда аниқроқ ифодалашни учун имкон беради. Масалан, юз, бет стилистик бўёғи бўлмаган нейтрал сўзлар бўлиб, уларнинг синонимлари *жамол, ораз, чехра, руҳсор* сўзлари китобий ёки бадиий стилга хос, шу билан бирга, ижобий муносабатни (бахони) ифодалайди; *афт, башара, турқ* сўзлари эса оддий сўзлашув тилига хос бўлиб, салбий муносабатни билдиради. Синонимлар фикрни киши руҳига, замон ва шароитга мос ҳолда турлича ифодалашга имкон берадиган тил бойлигидир.

Дублетлар, асосан, терминологияга, бинобарин, илмий стилга хос бўлиб, киши ва нарсаларга нисбатан салбий ёки ижобий муносабатни ифодалай олмайди, фақат нейтрал муносабатни билдиради.

<sup>37</sup> Зокиров К.З., Жамолтонов Х.А. Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат. Тошкент, 1973. 201-бет.

4) Кўпгина соҳаларнинг терминологиясида дублетлар синонимлардан фақат сифат жиҳатдан эмас, балки сон (микдор) жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Масалан, «Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат» даги ўзбекча-русча – лотинча сўзликнинг А ҳарфи бўлимида 351 та термин бўлиб, улардан фақат 10 тасини синонимик қатор деб ҳисоблаш мумкин: *аждаргул – итогиз, ажралиш – бўлиниш, ажриқбош – оқсўхта – отқулоқ, актив – ҳаракатчан, аллея – хиёбон, алоэ – сабирўт, ангишвонагул – ўймоқгул, антагонизм – зиддият, апельсин – пўртаҳол, астра – қашқаргул.*

Бу бўлимда гарчи бир тушунчанинг (ёки нарсанинг) икки доимий номи сифатида қўлланадиган сўзлар анчагина бўлса-да, улардан бири ёки ҳаммаси ўзбек тилида кенг тарқалмагани, фақат тор доирада – шу соҳа мутахассислари нутқида учраши мумкин бўлгани учун, уларни синонимлар доирасига кўтарилган деб бўлмайди. Бундай терминлардан *аврон – саффо ўти, агент – омил, адиант – сувсумбул, аквалегия – сувийғар, аксилтана – антитела (+антитана), алеврит – тунг кабиларни кўрсатиш мумкин.* Улар ўзбек тилининг луғат составида тугган ўрни, улардан қайси бирининг асосий термин сифатида қўлланиши ҳали аниқ белгиланмаган дублет терминлардир.

А бўлимидаги дублет терминлар миқдори 109 та бўлиб, улар синоним терминларга нисбатан ўн ҳиссадан ҳам ортиқдир: *абсалют – мутлақ намлик, авокадо – аллигатор ноки, австралис – Австралия флористик области, адвентив муртак – адвентив эмбрион – нуцеляр эмбриония, адвентив органлар – ғайритасодифий органлар, адвентив ўзгариш – мослашув – мойил ўзгариш, ажвоин зира – жувона – нонҳоҳ, ажралган ареал – дизъюнтив ареал – бўлма ареал, азонал ҳодиса – зонасизлик ҳодисаси ва ш. к.*

Бу бўлимда айрим терминлар қаторини синонимларга ҳам, дублетларга ҳам кўшиб бўлмайди. Масалан, русча *аборигены термини аборигенлар, жайдари, тубжойли* деб таржима қилинган. Бунда биринчи сўзгина кўзда тутилган тушунчанинг



тўғри ифодаси бўлиб, кейинги икки сифат (*жайдари, тубжойли* сўзлари) бу тушунчани ифодалай олмайди. Улар *жайдари ўсимликлар, тубжойли ўсимликлар* шаклида ишлатилгандагина *аборигенлар сўзи* билан дублетлар қаторини ҳосил қилади. Шунингдек, *автохтон – жайдари, аналогия – ўхшаш қаторлар* ҳам бир-бирига мос бўлмаган сўзлардир. *Анқиз (тўғриси анғиз) – тупчак қатори* эса маъноси бошқа-бошқа сўзлардан иборат. Филологик луғатларда русча *жнивье, стерня* сўзлари ўзбек тилида *анғиз* бўлиши кўрсатилган. *Тупчак, тупчик, тупса* сўзлари эса *жўхори, гўза, беданинг* ўрилмай ерда қолган илдиз қисми маъносида ишлатилади. Бундай изоҳланиши қишлоқ хўжалигига оид адабиётларда, жумладан, Н.Маматовнинг «Пахтачилик терминларининг қисқача изоҳли луғати» да (Т., 1964) қайд этилган.

Бу ерда сўз ёки термин вариантлари ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш лозим бўлади. чунки сўз вариантлари туб, ясама, қўшма, жуфт ва такрорий сўзлардан, бир сўзнинг турли ўзагига урғу тушиши йўли билан ҳосил бўлади: *зувала-зувола, пачақ-пачоқ, оғил-оғилхона, тартиб-тартибот, араваўқ-аробаўқ, гадойтахлит-гадотахлит, якка-дукка – яккам-дуккам, қуюқ-суюқ – суюқ-қуюқ, биж-биж – виж-виж, гурс-гурс – гусур-гусур* каби. Дублетлар эса туб, ясама, қўшма сўзлардан ташқари сўз бирикмаларидан ҳам ҳосил бўлади: *форма – шакл, план – режа, контролёр – назоратчи, заповедник – қўриқхона, аврон – саффо ўти, автоном миграция – мустақил кўчиш* каби.

Рус тилшунослигида ҳам сўз вариантлари ва синонимларнинг ўзаро алоқаси, лексикада тутган ўрни масаласи деярли тадқиқ қилинмаган<sup>38</sup> эди. Кейинги йилларда шу мавзуга бағишланган қатор илмий ишлар ёзилди<sup>39</sup>.

<sup>38</sup> Евгеньева А.П. Основные вопросы лексической синонимии. //Очерки по синонимике современного русского литературного языка. М.: Изд-во «Наука». 1966. С. 13. «Вопросы об отношениях между вариантом и синонимом в особенности в области лексики, почти не исследован».

<sup>39</sup> Гречко В.А. Однокоренные синонимы и варианты слова. // Очерки по синонимике современного русского литературного языка. М., - Л.: Изд-во «Наука», 1966; Вопросы вариативности и синоними в современном русском

Маълумки, синонимлар турли сўзлардан, дублетлар эса турли сўз ва сўз бирикмаларидан тузилади. Сўз вариантлари бир сўзнинг турли шаклларида ҳосил бўлади: *адаб – одоб, аста – оҳиста, подшоҳ – подшо – подшо – пошша, бохабар – бахабар, аралашмоқ – аралаша бермоқ, ёзолмоқ – ёза олмоқ, ассаломалайкум – ассалому алайкум – саломалайкум, илм-амал – илму амал* каби. Бундай ҳодиса терминологияда ҳам учраб туради. Масалан, юқорида келтирилган «Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат» даги ўзбекча-русча – лотинча сўзлигида *агрокимё – агрохимия, асо-мусо – ҳасса-мусо* (ўсимлик номи тўғриси *асомусо – ҳасса-мусо*), *ава – кава, альбиция – албизия, анаэроблар – анаэробинтлар, антерид – антеридий, бактериофак – бактериохўрлар, биохимия – биокимё* каби бир талай термин вариантлари учрайди.

Илмий-техникавий терминларнинг, шунингдек, қўшма сўзларнинг бирор компоненти сўз варианты шаклида бўлиши мумкин: *техникавий терминлар – техник терминлар, химиявий элементлар – химёвий элементлар – химик элементлар; ёзабермоқ – ёзавермоқ, юра олмоқ – юролмоқ, ўқий олмоқ – ўқиёлмоқ* каби.

Профессор А.Ҳожиев тилшуносликда биринчи марта «ўзакнинг варианты» ва «морфеманинг варианты» терминларини (бинобарин, шундай янги тушунчаларни) киритади. Бу фикр сўз вариантлари бир хил бўлмаслигини уларни фарқлаш лозимлигини кўрсатади. Ўзакнинг вариантларига мисол қилиб *сон – сан-а, онг – анг-ла* сўзлари берилади<sup>40</sup>. Фикримизча, ба-

---

языке. Научные труды Средловского гос.пед.института. Сведловск, 1973; Гольцева О.А. Вариативности и синонимия тавтологических образований в современном русском языке. Лингвистический сборник. 1973. Вып. 12. С. 89-98; Иванникова Е.А. К вопросу о взаимоотношении понятия варианта с понятием синонима. //Синонимы русского языка и их особенности (Отв.ред. А.П.Евгеньева), Л.; Изд-во «Наука», 1972. С. 138-153; Авербух К.Я. Проблема вариативности терминологии и неполные термины // Лексика. Терминология. Стили. Горький, 1977. Вып. 6. С. 5-9 и др.

<sup>40</sup> Ҳожиев А. Лингвистик терминлар изоҳли луғати. Тошкент: «Ўқитувчи», 1985.

*равар* – *баробар*, *каптар* – *кабутар*, *адабли* – *одобли* каби сўзлар ҳам шу гуруҳга тааллуқлидир.

Олим морфеманинг вариантлари 2. хил бўлишини таъкидлайди: 1) бири ўрнига бошқасини ишлатиб бўлмайдиган, ша-роитга қараб бири танлаб олинадиган аффикс вариантлари: *кузги-кечки-ташқи* каби. Бу қўшимчалардан бирини бошқа сўзларда ишлатиб бўлмайти<sup>41</sup>. *Озингина* – *нозиккина* – *бўликкина* каби сўзлардаги қўшимчалар ҳам шундай гуруҳга киради; 2) бири ўрнига бошқаси қўллана оладиган аффикс вариантлари. Бунга *гулдай* – *гулдек* сўзларидаги қўшимчалар мисол бўлади<sup>42</sup>. Сўзлашув тилида – *ли* ва *-лик* қўшимчалари ҳам аралаш ишлатилаверади. *Ақлли*, *одобли*, *билимли*, *қоли-пида болали* (аёл) деб айтиш лозим бўлса-да, амалда *болалик* (аёл) дейилади.

«Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати» да морфемалар вариантнинг биринчи маъноси «алломорф» ёки «алломорфа» деб аталиши кўрсатилган. Фикримизча, «морфемаларнинг варианты» дейиш ўрнига «аффиксларнинг варианты ёки вариантлари» дейилса, аниқроқ бўлур эди: чунки «морфема» дейилганда фақат аффиксларгина эмас, ўзаклар ҳам, аффикс функциясини бажарувчи ёрдамчи сўзлар ҳам (таққосланг: *сенга* – *сен учун*, *қаламда ёз* – *қалам билан ёз* каби) кўзда тутилади. Шунга кўра, морфемалар *ўзак морфема* (корневая морфема), *аффикс морфема* (аффиксальная морфема) каби турларга бўлинади.

Аффикс вариантлари ўз навбатида «сүффикс вариантлари» (*сузгич* – *очқич* – *кўчат эчкич*, *қордай* – *қордек* каби) ҳамда «префикс вариантлари» (*ноинсоф* – *беинсоф*) каби турларга бўлиниши мумкин. Таъкидлаш лозимки, ўзак вариантлари ҳам, аффикс вариантлари ҳам биргаликда сўз вариантлари ҳисобланади. Баъзи сўзларнинг вариантлари ҳам ўзакдаги, ҳам аффиксдаги ўзгачаликлар билан бир-биридан фарк

<sup>41</sup> Ҳожиёв А. Ўша асар.14-15- бетлар.

<sup>42</sup> Ҳожиёв А. Ўша асар. 56-бет.

қилиши мумкин. Бунга *химиявий* – *кимёвий* – *химик* (моддалар, элементлар, терминлар каби) сўз вариантлари мисол бўла олади.

Сўз вариантлари ҳам, термин вариантлари, ҳам маъно жиҳатдан ўзгариб алоҳида сўз ёки терминларга айланиб кетиши мумкин: *арт-арч*, *бу кун* – *булун*, *уриш* (фёъл) – *уруш* (от), *чалғи* (ўроқ тури) – *чолғу* (асбоб, қиёсланг: *чолғучи*), *бўшлиқ* (белги оти) – *бўшлиқ* (пустота) каби. *Бўгин* сўзи зоология, ботаника, терминологияларида «насл, авлод, оила», шу сўзнинг аффиксал варианты *бўгим* эса русча «сустав, сочленение, узел, сегмент» каби маъноларда ишлатилади: *бармоқ бўгимлари*, *бўгим оёқлилар*, *бўгим думлилар*; *қамиш бўгимлари*, *қирқбўгим*, *бўгим оралиғи* каби.<sup>43</sup>

Баъзан дифференциация қилиниши лозим бўлган сўзлар бир луғат мақоласида берилади. Масалан, *чанглаш* – *чангланиш* сўзлари бир терминнинг вариантлари сифатида берилди<sup>44</sup>. Бошқа бир луғатда *опыление* фақат *чангланиш* деб ёзилган, *чанглаш* вариант сифатида берилмаган<sup>45</sup>. Аслида эса, *чанглаш* – *чангланиш* бир жараённинг номи бўлса-да, аммо бу жараённинг амалга ошиши (юзага келиши) жиҳатидан фарк қилади. *Чангланиш* – бу жараён ўсимлик ўз-ўзидан, киши иштирокисиз амалга ошишини, *чанглаш эса*, бу жараён киши иштирокида, киши ёрдамида амалга ошишини билдиради. Шунинг учун бу ҳол рус тилида ҳам фарқ қилиниб, 2 хил термин билан айтилади:

*Естественное опыление* – *чангланиш*.

*Искусственное опыление* – *чанглаш*.

<sup>43</sup> Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси. Амфибия ва рептилиялар. Тошкент, 1969; Зокиров К.З., Жамолхонов Х.А. Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат. Тошкент, 1973; Муҳаммадхонов С.Р., Жонгуразов Ф.Х. Ўсимликшуносликдан русча-ўзбекча луғат-справочник. Тошкент, 1973; Ўзбек тилининг имло луғати. Тошкент, 1976; Маматов Н. Пахтачилик терминларининг қисқача изоҳли луғати. Тошкент, 1964.

<sup>44</sup> Русча-ўзбекча луғат. II том. Тошкент, 1983.

<sup>45</sup> Русча-ўзбекча ботаника терминлари луғати. Тошкент, 1963.



Бундан кўринадики, *чангланиш* ва *чанглаш* сўзлари бир терминнинг вариантлари эмас, балки иккита мустақил терминдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзи терминологик асарларда синонимлар, дублетлар ва сўз вариантларидан энг мақбулини, тўғриси, кенг тарқалганини, кўп қўлланадиганини, талаффуз қилишга қулайларини танлаб олиб бош синоним ёки асосий термин сифатида биринчи ўринга қўйишга эътибор берилмаган. Масалан, «Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат» да сўз вариантлари аввал агрохимё – агрохимия, биохимё – биохимия тартибида, кейин эса агрохимия – агрохимё, биохимия – биохимё тартибида берилган, яъни бир жойда сўз вариантларида кимё шакли, бошқа жойда химия шакли танлаб олиниб, биринчи ўринга қўйилган. Бу хол шу луғатнинг «Ўзбекча-русча-лстинча сўзлиги» қисмида кўзга яққол ташланади. Унда синоним ва дублет терминлардан ҳар бири алфавит тартибида асосий термин сифатида биринчи ўринда бериллаверган. Масалан, А бўлимида: *Абутилон, гўзор, дағал канап* (канатик), Д бўлимида: *Дағал канап, гўзор* (канатик), Т бўлимида: *Гўзор, дағал канап* (канатик) каби.

Ҳолбуки, кўпгина терминологик луғатларда, масалан, пахтачиликка доир луғатларда дублет ва синоним терминлардан энг мақбулини муайян принциплар асосида танлаб олишга ва асосий термин сифатида биринчи ўринда кўрсатишга алоҳида эътибор берилган. Филологик луғатлардан, жумладан, А.Ҳожиевнинг синонимлар луғатида, Ш.Раҳматуллаевнинг фразеологик луғатида, Ш. Раҳматуллаев, Н. Маматов, Р. Шукуровларнинг антонимлар луғатида ҳам ана шундай принципларга қатъий амал қилинган.

Бундай қилиш, яъни дублет ва синоним терминлардан ҳамда сўз вариантларидан энг мақбулини, кўзда тутилган тушунчани аниқроқ ифодаладиганини, тушунча ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилмайдиган ва ихчамларини конкрет принциплар асосида танлаб олиш тилшунослик учун гоаят фойдалидир.

Сўз вариантлари тузилиш ёки юзага келиш усули жиҳатидан турлича бўлади. Уларни аввало сўзнинг морфологик вариантлари ҳамда сўзнинг урғу вариантлари ёки фонетико – просоидик вариантлар деб икки гурпуга бўлиш мумкин. Морфологик вариантлар ўз навбатида ўзак (ҳолидаги), аффиксал (ёки ясама сўз ҳолидаги) ҳамда морфологик жиҳатдан аралаш вариантларга бўлинади.

### СЎЗНИНГ ЎЗАК ВАРИАНТЛАРИ

Ўзак вариантлар сўз ўртасидаги бирор товушнинг ўзгариши, бошқача талаффуз қилиниши натижасида содир бўлади. Бунда кўпинча ўзақдаги бирор ундош товуш ўзгаришга учрайди: *арқоқ* – *арқоғ*, *боғлам* – *бойлам*, *боғча* – *боқча*, *девор* – *девол*, *тамба* – *танба* каби.

*Ўриш ва арқоқдай*

*Текис зеҳнимда*

*Тўқилишга тайёр*

*Янги қўшиқлар*

(Ғ.Ғулом).

*Мулойим жомангизга авра-астар ҳам ўриш-арқоғ,*

*Мамуғлар - пахталар бизларда беҳад бор, деҳқонлар.*

(Ҳабибий).

... кейин (Элмурод) тўртта китоб ва бирталай дафтар билан бир *боғлам* қалам ва қозоғга ўралган бўр олиб келди (П.Турсун). *Коля...* каттагина икки *бойлам* китоб кўтариб чиқиб келмоқда эди (Ҳ. Назир). *Посёлкада савдо – маиший комплекси, ўрта мактаб, болалар боғчаси, маданият уйи очилган* (газетадан). *Болаларни тарбиялашга меҳнаткаш аёлларга ҳар томонлама ёрдам бериш, болалар боқчалари, яслилар... шаҳобчаларини кенгайтириш ва уларнинг ишларини яхшилаш... муқаддас бурчдир* (газетадан). *Девор* устида турган ўн икки ёшлардаги бир қиз девордан кесак кўчириб олиб мулла *Норқўзига ўхталди* (А. Қаҳҳор). *Девол* қўшни *Ражаб* табелчи-

нинг кўксов эчкиси ариққа тиқилиб ўлиб қолганини мустасно қилганда, бўлак ҳодиса юз берган йўқ (Муштум). Эшик ортида турган шарпа тамбани бир томонга суриб, эшик очмоқчи бўларди (газетадан). Ҳа, нима бўлибди. Келган одамни ҳайдаб эшикка танба қўяманми? (С. Аҳмад).

Ўзакдаги унли төвушнинг ўзгариши билан ҳам сўз вариантлари юзага келади: аро – ора, аросат – арасот, арғумоқ – арғимоқ, кўмач – кўмоч, гавго – говго, алифбе – алифбо, чордана – чордона, буви – биби, бувиш – бибиш каби.

(Муҳаммад паҳлавон Навоийга:) Подшоҳ сизга ёмон кўз билан қараса, алар (ҳалқ) жонингизга аро кирурлар (М. Осим). Омон ота «Машина жонингизга ора кирди, энди унинг шарофати билан ҳосилимиз кўтарилаверади» деб хурсанд эди... (Х. Назир). Аросатда қолган полвоннинг қорни очибди. Нон сотиб олай деса, бозор йўқ, тортиб олай деса, кимса йўқ (И. Раҳим). Баъзи масъул ишчиларимиз «хотинимни қандай очаман» деган ваҳима билан тоғ босиб шилликлари ҳил-ҳил бўлиб қолди, гўё арасот дейсиз (Муштум). Бой Алихўжабойдан нимамиз кам? Қизини қўш арғумоқда изволда юборди. Қўқон араванинг дақири қурсин! – вайсади Лутфинисо (Ойбек).

Қармоқ солган қаримас,

Арғимоқ минган ҳоримас (Ўзбек ҳалқ мақоллари).

Ўз кўмачини та кул тортма (Ўзбек ҳалқ мақоллари).

- Шу эрта, - деди Қулмурод, бир оҳ тортгандан кейин, - Сизни бироз мазалироқ нон билан мехмон қилмоқчи бўлиб кўмоч хамирига бир коса сут қўшдим (С. Айний). Ўнг томонда, қўшни участкада қўққисдан гавго кўтарилди (Ойбек), ... говгадан чиқмаган бошингни яна машмаса оловига суқибсан (И. Раҳим). Ҳар иккала тошда бундан бошқа ҳам араб, лстин ва ҳозирги алифбедан ёзилган ёзувлар кўп, буларни зиёратчилар пичоқ, тош ва бошқа нарсалар билан кўп машаққат тортиб, ёзганликлари кўриниб турар эди (А. Қаҳҳор). Биз араб

алифбосида ёзилиб, нашр этилган ва ҳукумат томонидан тасдиқланган ер – сув ислоҳоти тўғрисидаги низомнинг бир нухасини Авазбой қўлига тутқаздик (Н. Сафаров). Мадамин тўрға чиқмай, шундай пойгада чордана қурди (П. Турсун). Бошқа султонлар Шайбонийхон олдида чўккалаб ўтирганда, Султон Али мирзо атайлаб чордона қуриб олди (П. Қодиров). Ойша буви ундаги (Кумушдаги) бу ўзгаришдан суюнди:... (А. Қодирий). Тонг отар – отмас Сидқий ҳовлисига икки ён қўшни - Зайлаб биби билан Ҳамида хоним ранги оқариб кириб келишди (Мирмуҳсин).

Қайтариб бувишим сизга юборди,

Билмайман сизга на иши борди (р).

(Эрало ва Шерали).

- Эй бибишим мени десангиз Чамбилга борманг... деди Оққиз Зулфизарга (Ислом шоир).

Кўпгина сўз вариантлари ўзак охиридаги товушнинг ўзгариши билан юзага келади: дуг – дук, жилд – жилт, калит – калид.

(Бибигул) Сурмадон ичига солиб қўйилган дуг чўпни қўлига олиб кўрди (Мирмуҳсин). У (Оташ дукчи) дукни гув – гув айлантиради... (Ойбек). (Тулнор Собирова) Қўлидаги кўрпа жилдини машинадан чиқариб, ўзи нафис қилиб солган гулларни завқланиб кўздан кечирди (газетадан). Низомжон кечаси цех бошлигининг кабинетида, жилти тўзиб кетган диванда ётарди (С. Ахмад). Бир гуруҳ юқори курс студентлари турадинган бу уйда хоналар кам ва тарқоқ бўлгани учун вахтёр ўтирмас, ҳар хонанинг калити маълум бир жойга яшириб кетиларди (П. Қодиров).

Солдат калидни берди. Бояги эркак маҳбусларнинг қўлларидagi кишанларни очди... (М. Исмоилий).



## СЎЗНИНГ ЎЗАК ВАРИАНТЛАРИДА ЮЗ БЕРАДИГАН ФОНЕТИК ЎЗГАРИШЛАР

Сўз вариантларида юз берадиган жарангсизланиш ёки жаранглиланиш ҳодисалари прогрессив ассимиляция ва регрессив ассимиляция йўсинда содир бўлади. Масалан, *хирилдоқ* – *хириллоқ*, *чирсилдоқ* – *чирсиллоқ*, *бўрсилдоқ* – *бўрсиллоқ*, *чақилдоқ* – *чақиллоқ*, *шақилдоқ* – *шақиллоқ*, *чимбат* – *чиммат* каби сўзларнинг кўмакчи вариантларидаги жарангсизланиш ва жаранглиланиш ҳодисаси прогрессив ассимиляциядир. Чунки юқоридаги сўзларнинг ўртасидаги ўзгаришда олдинги товуш кейинги товушни ўзига ўхшатмоқда.

Регрессив ассимиляцияда сўз ўртасидаги товуш олдинги товушга таъсир қилиб ўзига мослаштиради: *бадтар* – *баттар*, *бадтарин* – *баттарин*, *бирла* – *билла*, *лупчак* – *луччак*, *захкаш* – *заккаш*, *нечунки* – *нечикки*, *ширмой нон* – *ширмоннон*, *тарнов* – *таннов*, *тақирламоқ* – *тақилламоқ* каби.

Сўз вариантлари орасида диссимиляция, яъни икки бир хил ундош товуш бир сўзда келганда улардан бирининг ноўхшов товушга айланиб қолиши ҳам кенг тарқалган. Улар ҳам прогрессив ва регрессив диссимиляцияга бўлинади: *анави* – *анови*, *қарақчи* – *қароқчи*, ( $a > 0$ ), *қурушқоқ* – *қуришқоқ*, *пучуқ* – *пучиқ* ( $y > и$ ), *учириқ* – *учуриқ* ( $и > у$ ), *кабилар унлиларда*, *саргимтир* – *саргимтил*, *гармсар* – *гармсел*, *чордевор* – *чордевол* ( $p > л$ ), *бирорта* – *биронта* ( $p > н$ ), *тарқоқ* – *тарқов* ( $қ > в$ ), *оммабоб* – *оммабоп* ( $б > п$ ), *шашт* – *шахт* ( $ш > х$ ) кабилар ундошларда содир бўладиган прогрессив диссимиляциядир.

*Бедана* – *бедона*, *жавдар* – *жовдар*, *зувала* – *зувола* ( $o < a$ ), *говрон* – *гаврон* ( $a < o$ ), *жаҳат* – *жиҳат* ( $и < a$ ), *абрбанд* – *аврбанд* ( $в < б$ ) каби унли товушларда ҳамда *мўмай* – *нўмай* ( $н < м$ ), *чичқон* – *сичқон* ( $ч < с$ ) каби ундош товушларда юз беридиган фонетик ўзгаришлар регрессив диссимиляция ҳисобланади.

Бундан ташқари, икки ўхшаш унлидан иккитаси *аслаҳа* – *аслоҳа*, *алвасти* – *олвости* (*aa>oo*), уч ўхшаш унлидан биттаси *андоза* – *андоза*, *баравар* – *баробар* (*aaa>aoa*) каби ҳамда уч ундошдан биттаси *қақаноқ* – *қазаноқ* (*қққ>қзқ*) каби фонетик ўзгаришлар ҳам учрайдики, уларни прогрессив ёки регрессив диссимилияциялар қаторига киритиб бўлмайди, улар диссимилияция ҳодисасининг алоҳида мураккаб тури бўлиб, уни алоҳида тадқиқот қилиш лозим.<sup>46</sup>

Сўз вариантларида метатеза ҳодисаси ҳам учрайди. Бунда ёнма-ён келган ундошнинг ўрни алмашинади: *тебратмоқ* – *тербатмоқ* (*бр:*), *ялмамоқ* – *ялмамоқ* (*мл:*), *ахвол* – *авхол* (*хв:*), *турпоқ* – *турпоқ* (*пр:*), *ўрганмоқ* – *ўрганмоқ* (*рг:*) *тўғрамоқ* – *тўғрамоқ* (*зр*), *айланмоқ* – *айналмоқ* (*лм:*) каби.

1930 йилларгача рус тилидан қабул қилинган сўзларнинг бошида икки ундош келса, олдидан бир унли, кўпинча и, у орттирилар эди: *стакан* – *истакан*, *списка* – *исписка*, *старшина* – *истаршина*, *скамейка* – *искамейка*, *справка* – *исправка*, *столба* – *устолба*, *стул* – *устул* каби. Бу ҳодиса тилшуносликка протеза дейилиб, кўпинча бошқа тилдан қабул қилинган сўзларда учрайди.<sup>47</sup>

Сўзнинг турли қисмида икки ундош қатор келиши туфайли уларнинг ўртасида и ва у, баъзи ҳолларда а унлиси тушиб қолади: *жонвор* – *жонивор*, *арза* – *ариза*, *қизғар* – *қизигар*, *ваҳма* – *ваҳима*, *кулча* – *кулича*, *мурват* – *мурувват*, *доклад* – *даколад* каби. Икки ундош қатор келишидан бир т тушиши ҳам учрайди: *дасмоя* – *дастмоя*, *дасшў* – *дастшў*, *дасгоҳ* – *дастгоҳ* каби. Бундай фонетик ҳодисалар тилшуносликда эпентеза деб юритилади.

Сўз вариантлари доирасида сўз охирида келадиган икки ундошдан кейин а товуши қўшилишидан ҳосил бўладиган: *бланк* – *бланка*, *банк* – *банка*, *танк* – *танка*, *киоск* – *киоска*,

<sup>46</sup> Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. Тошкент, 1980. 75-бет.

<sup>47</sup> Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан. Тошкент, 1981.

*отпуск* – *отпуска* каби *эпитеза* ҳамда ўзак охиридаги тушиб қолиши билан ҳамда ўзак охиридаги товушнинг тушиб қолиши билан юзага келадиган: *смета* – *смет*, *фабрика* – *фабрик*, *машина* – *машин*, *контура* – *контур*, *пирамида* – *пирамид*, *газета* – *газет* каби *анакоба* ҳодисалари учрайди. Бундай ўзгаришлар рус тилидан кирган сўзларда кўл.

Бундай сўзларнинг кўмакчи вариантлари ҳозир истеъмолдан чиққан бўлса-да, луғатларда қайд қилинган. Кейинги 20 йил ичида босилган асарларда ҳам *белила*, *алифа*, *арка* каби сўзлар охирги а товуши туширилган ҳолда учрайди. Русча *олифа* сўзи ҳозиргача *алиф*, *олиф* шаклида юритилади.<sup>48</sup>

Сўз охирида содир бўладиган кучсизланиш (жарангсизланиш): *қанд* – *қант*, *жилд* – *жилт*, *нобуд* – *нобут*, *томоқ* – *томоғ* каби *редукция* ҳодисаси, икки сўз кўшилишидан бир унлининг тушиб қолиши: *кўра олади* – *кўролади*, *кела олади* – *келолади*, *ёза олади* – *ёзолади* каби *элизия* фонетик ҳодисалар кўзга ташланади.

Сўз вариантларини юзага келтирувчи фонетик ўзгаришлар юқоридагилардан ташқари жуда кўп хилма – хил бўлиб, улар кўйидагилардан иборат: *балки* – *балким*, *жо* – *жой*, *куз* – *кузак* кабилар сўз охирига товуш кўшилиши билан сўз вариантлари ҳосил бўлишига мисол бўла олади.

Ҳозир *балли* шаклида юритиладиган сўз *бали* шаклида бўлган. Шунинг учун изоҳли луғатда *бали* асосий сўз сифатида берилиб, *балли* сўзи унинг варианты қилиб берилган. *Бурама* (мўйлов) – *буралма* (мўйлов) типдаги сўзлар сўз вариантларининг алоҳида турини ташкил қилади. Турли феълларга *-ма* кўшиш билан бир маънодаги сифат ясашга ҳам мисоллар кўп учрайди: *кеккайган* – *кеккайма*, *учадиган* – *учирма*.

Ўзакдаги товуш ўзгариши миқдори ҳам бир хил эмас. Кўпинча бир товушнинг ўзгариши билан сўз вариантлари ҳосил бўлади: *заҳқаш* – *закқаш*, *боғлам* – *бойлам*.

<sup>48</sup> Ўзбекча-русча луғат. М., 1959; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. М.: «Рус тили» нашриёти, 1981; Маъруфов А. Паронимлар. луғати. Тошкент: «Ўқитувчи», 1974

Баъзан икки-уч ундош ўзгариши мумкин. Бунда фақат ундошлар: *жирраки* – *жиззаки*, *чилдирма* – *чирманда* каби фақат унлилар; *дарвиш* – *дарвеш*, *зувала* – *зувола*, *зулмат* – *зулумот*, кўпинча унли + ундош аралаш ўзгаришга йўлиқиши мумкин: *биринчи* – *бирламчи*, *ёдаки* – *ёдакай*, *арзимаган* – *арзимас* каби.

## СЎЗНИНГ АФФИКСАЛ ВАРИАНТЛАРИ

Келиб чиқиши жиҳатидан бир хил бўлган аффикснинг турлича шаклда қўлланиши туфайли ҳосил бўлган сўзлар аффиксал вариантлар дейилади. Бундай вариантлар қадимда адабий тил нормалари белгиланмаган бир даврда ғоят кўп бўлган. Масалан, ҳозирги сифат ясовчи – *ли*, асосан от ясовчи – *лик* қўшимчалари қадимий туркий ёзма ёдгорликларда *-луқ*, *-луғ*, *-лук*: *лик*, *-лиғ*, *-лиқ* шаклларида учрайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида – *ли* сифат ясовчи, *-лик* асосан от ясовчи қўшимча сифатида фарқ қилинса ҳам, уларнинг ҳар иккисининг ҳам сифат ясовчи қўшимча сифатида ишлатиш ҳоллари кўп учрайди: *беш томли*, *бештомлик*, 5 томлик русча-ўзбекча луғатда – *ли*, *-лик* кўпинча фарқланган: *трехтонный* – *уч тоннали*, *трехтонна* – *уч тонналик*, *пятилетний* – *беш йилли* (бўлиши лозим), *пятилетка* – *беш йиллик*. Лекин, булар кўпинча фарқ қилинмайди. *Пяти томный* маъносида ҳам *бештомли*, *бештомлик*, *пяти томник* маъносида аралаш қўлланади.

*Бундай* – *бунақа* – *бунақанги* типдаги сўз вариантлари жуда кенг тарқалган: *шундай* – *шунақа* – *шунақанги*, *ундай* – *унақанги*. Назарий жиҳатдан – *дек* аффикси – *дай* аффикси вариант ҳисобланса ҳам *у*, *бу*, *шу*, *ўша* каби олмошларга қўшиб ишлатилмайди, яъни *будек*, *шудек*, *удек* дейилмайди. Аслини олганда, *мундай* – *мунақа* – *мунақанги* сўзлари ҳам *бундай* – *бунақа* – *бунақанги* сўзларига нисбатан вариант саналиши керак. Чунки *мундай* сўзи *бундай* сўзининг биринчи



товушлари алмашган вариантдир, *-дай* ва *-дек* ҳамда *-дақа* ва *-дақанги* қўшимчалари воситасида жуда кўп сўз вариантлари ясалади: *жўжабирдай* – *жўжабирдек* – *жўжабурдай* – *жўжабурдей*, *тогдай* – *тогдек*; *сендай* – *сендек* – *сендақа* – *сендақанги* – *сенақанги*.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қурол-асбоб номларини ясовчи *-гич*, *-кич*, *-ғич*, *-қич* қўшимчаларининг ўрни аниқ белгиланган. Шунга қарамасдан, амалда аралаш ишлатиш ҳоллари кўплаб учрайдики, бу ҳол сохта сўз вариантларини юзага келтиради. Масалан, ўзбек терминологиясига доир ишларда русча *силосокопитель* – *силосбосгич* шаклида учрайди.

Адабий тилнинг шаклланиши, маълум бир қолипга, нормага туширилиши, ҳар бир тил ҳодисасини қондалаштирилиши тилни ортиқча, кераксиз сўз вариантларидан халос қилади, тозалайди. Шунинг учун биз бу ишда мавжуд тил қондаларига хилоф бўлмаган сўз вариантлари устида иш олиб борамиз.

Фонетик вариантлар фақат ўзак ҳолидаги ёки фақат ясама сўз ҳолидаги лексик бирликлардагина юз бермасдан, балки улардан бири ўзак ҳолида, бошқаси қўшимчали бўлиши ҳам мумкин. Масалан, 1959 йилда Москвада босилган ўзбекча-русча луғатда ҳамда 1981 йилда Москвада нашр этилган ўзбек тилининг 2 томли изоҳли луғатида *аттор*, *гунг*, *ёқиқ*, *жар*, *кез*, *кенгаш*, *нишон* сўзлари маъносида шу сўзнинг *атторчи*, *гунгалак*, *ёқиқли*, *жарлик*, *кезак*, *кенгашма*, *нишона* сўзлари ишлатилганлиги қайд этилган. Модомики, бир сўзнинг икки шакли айнан бир маънода ишлатилган экан, улар, табиийки, сўз вариантлари ҳисобланади. *Аттор* – *атторчи*, *гунг* – *гунгалак*, *ёқиқ* – *ёқиқли*, *кез* – *кезак*, *жар* – *жарлик*, *кенгаш*– *кенгашма*, *нишон* – *нишона* каби. Бунда биринчи ўринга қўйилган ўзак ҳолдаги сўзлар асосий вариант ҳисобланади. Бу мисолларда сўз вариантлари сўз ясовчи қўшимчалар воситасида ҳосил бўлган. Қуйида ясовчи қўшимча ўринсиз ишлатилган бўлиб, улар асосан сўзлашув тилига ё шеваларга хосдир. Бунинг аксича, худди юқорида айтилган луғатларда, ўзак ҳолидаги сўз

ёрдамчи вариант бўлиб келиши мумкинлиги кўрсатилган. Масалан: *жужунча – жужун, наштар – ниш, чамбарак – чархак, чапани – чапан, чирмовиқ – чирмов* каби.

Ўзак ҳолидаги сўзга кўшимча кўшиш билан маънода ўзгариш юз бермаслиги туфайли сўз вариантлари ҳосил бўлишига мисоллар кўп бўлиб; улардан яна куйидагиларни кўрсатиш мумкин: *гузар – гузаргоҳ, ишора – ишорат* кабилар.

*Йўлчи, чопиққа тушмасдан аввал, соч олдириш учун гузарга чиқди* (Ойбек).

*Каталак кўчада эмас, гузаргоҳда яшаймиз* (Ойбек).

Кўшимчалар воситасида ҳосил бўлган кўмакчи вариантлар иккита, ҳатто, ундан кўп бўлиши ҳам мумкин. Масалан: *атай – атайин – атайдан – атайлаб; айтгандай – айтгандек – айтганча – айтмоқчи; ойнабанд – ойнавон – ойнакор* каби.

*Индин – индинга – индани – индинига, ёппа – ёппасига, аралаш – аралашига* каби вариантларда кўмакчи вариант *-(и)* га, *- си + га* суффикслари билан келган. Улар гарчи эгалик *(-и, -си)* ва келишик *(-га)* кўшимчалари бўлса-да, улар бу ўринларда грамматик (сўз ўзгартирувчилик) маъноларини йўқотган: ҳар икки шаклда ҳам бу сўзлар айнан бир маънодаги равишлардир, бири ўрнига бошқаси қўллана олади. Масалан, *индин келинг ўрнига индинга келинг ёки жамоамиз ёппа ҳашарга чиқди ўрнига жамоамиз ёппасига ҳашарга чиқди* дейиш мумкин.

Айрим ҳолларда *-ки* бириктирувчи боғловчиси ҳам сўзнинг кўмакчи вариантыни юзага келтиради, *гўё – гуёки; зеро – зероки, ҳатто – ҳаттоки, аҳтимол – аҳтимолки* каби.

Албатта, бунда *-ки* боғловчиси (ёки кўшимча ҳолидаги боғловчи) маънони кўчайтириш, таъкидлаш учун хизмат қилади. Лекин, янги бир маъно ёки кўмакчидан бошқа бир сўз ҳосил қилмайди. Баъзан *-ки* боғловчиси олдидан и товуши орттирилади: *зора – зоранки* каби. Бу *и* шаклан III шахс эгалик кўшимчасига ўхшаса-да, бу товуш сўзнинг талаффузидаги мусиқийлигини таъминлаш учун орттирилган. Баъзи арабча сўзларнинг бирлик ва кўплик формаси ўзбек тилида

бир маънода – фақат бирлик маъносида қўлланиб, ўзаро сўз вариантини ҳосил қилади: *камол – камолот, ахбор – ахборот, само – самовот, вужуд – вужудият, барака – баракат* каби.

*Насридиннинг ахбор учун ёзилган хатида шундай жумлалар бор (Муштум). Комиссиялар ўз ишлари тўғрисида жамоат ташкилотларига ва меҳнаткашлар жамоаларига мунтазам равишда ахборот бериб турадилар (газетадан).*

## ҚЎШМА СЎЗ ВАРИАНТЛАРИ

Баъзи сўз вариантларининг бири содда сўз ҳолида, кўмакчиси эса қўшма сўз ҳолида бўлади: *кичири – мошкичири, кулба – кулбахона* (фольклорда) каби. Бу мисолларда биринчи ўриндаги сўз шунинг учун ҳам асосий вариантки, кўзда тутилган фикр асосан ана шу сўзлар билан ифодаланади. Масалан, бир таомнинг номи *кичири*. Маълумки, кичирига гурждан ташқари мош ҳам солинади. Мошсиз кичири бўлмайди. шунинг учун *мошкичири* дейиш ўрнига *кичири* дейиш кифоя. Аммо кишилар фикрни аниқроқ ифодалаш, кичири учун мош бўлиши шартлигини таъкидлаш учун *мошкичири* ҳам дейдилар.

*Қуйилиб ётар –*

*Қозондаги кичирининг очилмай моши*

*Примуснинг капсулида синмишдир нина.*

(Ғ.Ғулом)

*Дадасининг яна шошилиб турганини кўрган Раъно: – Тўхтанг, дада, мошкичири тайёр! – деб нари-бери овқатни сузиб келиб, хонтахтага қўйди (Ҳ. Назир) ... Нури уларнинг кулбасига жуда оз чиқар эди (Ойбек).*

*Юрагимдан кетди гусса-алам деб.*

*Энди обод бўлса, кулбахонам деб.*

(Ўзб. х. дostonлари),

*Лолақизгалдоқ – қизгалдоқ, самбитгул – самбит* мисолларида асосий вариант қўшма сўз билан ифодаланган, чунки улар шу маънода кўп ишлатилади ва тўғриси ҳам шудир. Би-

ринчи вариантларда, гарчи маъно бузилса ҳам, иккинчисиди кўшма сўз ўрнига содда сўзни ишлатиш маънони бузади. Чунки *самбит* толнинг бир тури бўлиб, кўпинча *толгул* ҳам дейлади. *Гул* (берадиган ўсимлик) маъносида *дарахт* деб бўлмаганидек, гулнинг бир тури маъносида фақат *тол* деб ҳам, *самбит* деб ҳам бўлмайди.

Айрим ҳолларда асосий вариант содда сўз билан ёки кўшма сўз билан ифодаланганини аниқлаш контекстга боғлиқ бўлади. Масалан, *ётоқ* – *ётоқхона* вариантларидан қай бири кўмакчи эканини билиш учун бу сўзлар қайси маънода ишлатилаётганини аниқлашга тўғри келади. Агар *ётоқ* сўзи бирор уйдаги кечаси ётиладиган, ухланадиган хона (русча спальня) маъносида бўлса ва шу маънода *ётоқхона* сўзи ишлатилса, унда *ётоқ* асосий, *ётоқхона* кўмакчи вариант бўлади. Бордию, *ётоқхона* сўзи кўпчилик ётадиган ва истиқомат қиладиган махсус бино (общежитие) маъносида бўлиб, шу маънода *ётоқ* сўзи ишлатилса, унда аксинча, *ётоқхона* асосий, *ётоқ* сўзи эса кўмакчи вариант бўлади: *Эрининг ўлимини кута-кута ўтказган ва ўтказаетган бу кунларда у ўз ётоғидан кимларга жой бермади?* (С.Ахмад). *Мана, ҳозир Муниҳон ётоқхонадан чиқиб келди. Эғнида оқ кўйлак* (Ў.Умарбеков). *Уларнинг ётоқхоналари ўша корпуснинг ҳовлисида қизил гиштдан солинган икки қаватли кичик иморатда эди* (П.Қодиров). *Улар ётоққа боришди. Баракнинг бир томонига зич қилиб кроватъ терилган, иккинчи томонига икки қават сўри қурилиб, уларга оппоқ ўриндиқ тўшалган* (И.Раҳим).

Содда сўз билан кўшма сўздан тузилган сўз вариантлариди кўшма сўз компонентларидан бири, кўпинча, охиргиси, биринчи сўз маъносини ўзгартирмайди, балки бирлигига аниқлик киритади. Масалан, *мармартош* сўзи маъно жиҳатдан *мармарнинг ўзи*; *тўтиқуш* эса *тўтидан* бошқа нарса эмас. Бундай ҳолларда ҳам ўзак ҳолидаги сўз, асосий вариант бўлади: *харсанг* – *харсангтош*, *замбил* – *замбилгалтак* каби жуфтликлар ҳам худди шундай сўз вариантларидир.

*Залнинг ўртасида мармардан ишланган ҳовузча, зилол сувлар секин оқади* (Ойбек). *Ватан уруши қурбонларининг номлари мармартошга ёзиб қўйилган* (Н.Сафаров).



Тоғлардаги оҳулар, ўрмондаги тўтилар, чамачдаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас жуфай яшайдилар (А.Қодирий).

Назма қип булбуллар сайраб юрибди,

Тўтиқушлар бола очиб турибди.

(Ўзбек халқ дostonлари, II том).

Сўнг бўйнига харсанг боғлаб

Сувга босмоқ бўлдилар

(Э.Воҳидов).

Занжи қуллар оғоч ташир

Филлар ташир харсангтош.

(Э.Воҳидов).

- Бугунги гапдан гапир, дедингиз-ку, сувни ҳовучлаб селиб, кейин уч чақирим жойдан замбилда ташияпмиз (И.Раҳим). От-арава ва замбилгалтакларда тош ташишга ўн беш киши ажратилди (П.Турсун).

Улар бир сўзнинг икки варианты бўлгани учун ҳам луғатларда, кўпинча таржима луғатларида улар синонимик изоҳ сифатида бирин-кетин ёзилади: *мрамар* – *мармар*, *мар-мартош*; *полугай* – *тўти*, *тўтиқуш* каби. Бадиий адабиётларда ҳам улар бир хил маънода қўлланади.

Вариантлик мураккаб сўзларда, яъни унинг турлари бўлмиш қўшма, жуфт ва такрорий сўзларда ҳам мавжуддир. Биз бу ҳодисанинг ҳамма компоненти ҳозирги ўзбек тилида ишлатиладиган *қирқбўғим* – *қирқбўғин* (ўсимликнинг номи) каби мустақил ишлатилмайдиган этимологик қўшма сўзлар мисолида кўриб чиқамиз. Бундай қўшма сўзлар ғоят кўп бўлиб, уларни кейинчалик таҳлил қиламиз.

Ўзбек тилининг имло луғатида (1976) *ажабтовур* сўзи берилган. Бадиий адабиётларда бу сўзнинг *ажабтовир* варианты ҳам мавжуд.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида доли-гули айн, долзарб, ЎРЛ-59 да доли-гул см. доли-зарб тарзида берилган. Бадиий адабиётларда эса, долзарб сўзининг *доли зарб*, *долизарб*, *дол-зарб* каби шакллари учратиш мумкин:

Долзарб кунларнинг бирида машина парраги синиб, завод иши тўхтаб қолди (М.Исмоилов). Мен авжи доли зарб вақт, ҳосил тўплаш... ойларидаги гапирилган гап билан қилинган ишларни бир-бирига пайванд қилиб юзингизга солмоқчиман (Муштум). Ҳозир долзарб пайт. (П.Қодиров). Деҳқончилик ишларининг айна доли-зарб пайтида подшо ҳукуматининг фронт орқасида ишлаш учун маҳаллий аҳолидан мардикор олили бошланди (М.Ўринхўжаев).

Шунингдек, искабтопар, обиҳаёт каби кўшиб ёзилиши лозим бўлган кўшма сўзларни ажратиб ёзиш ҳоллари ҳам учрайди:

Пашшахонага қамалиб олган искабтопар Йқболнинг юзини чақиб, уйғотиб юборган эди (С.Абдулла). У (кечалари) ҳам гармселлари билан, қайнашган искаб топарлари билан одамлар бошига қора қийноқ келтиради (М.Исмоилий). ...шу дарёдан канал қазиб ўз ГЭС ига обиҳаёт олиб келади (газетадан). Ғўзани чанқатмай оби ҳаётга қондираётган ... сувчиларнинг... азиз номи лафздан сира тушмасин (газетадан). Жигалтой – жагалтой – жигалмай – жигалбай, қорабарак – қораварак, бедана – мошак – бедона – мошак – бедана машак, жилонжийда – жилон-жийда – чилон жийда, чилонжийда, садақайисар – садқайсар – садакан сар – садағайсар – садқай сар – садқайи сар – садқайисар кабилар ҳам шулар жумласидандир.

Ёлпўш – ёлпеч, кирпўш – кирпеч сўзлари луғатларда бир сўзнинг вариантлари сифатида берилган. Изоҳли луғатда “ёлпеч” айнан “ёлпўш” дейилган.

Бадий адабиётларда ёлпўш, ёлпуш, ёлпеч шакллари учрайди: (Шокир) Аганаб эгарининг ағдарган отнинг устини очиб, уни жагаллик ва ёлпўш билан ёпиб айил тортди (С.Айний).

Икки сайис турар икки ёнида  
Қулоғидан олди заррин ёлпушни.

(«Ҳасанхон» достонидан).

Димиқтириб ўраган  
Бахмал ёлпечи курсин.

(Газетадан).

Шу вақт тахмонча осилган кирпўш ўз-ўзидан қимирлагандек бўлди (А.Қодирий). – Уч йил тикдим,

тўртинчиси. *Хаммаси бойларнинг эркаларига, ўзимга қани, биттагина кирпеч ҳам йўқ... деди Зумрад* (Ойбек).

Фикримизча, уларни фарқлаш лозим кўринадик, чунки, *лўш* форсча “ёпмоқ” маъносидаги пушидан феълнинг негизидир. Модомики, шундай экан, отнинг ёлини ёпиладиган нарса (от ёпиғи) фақат *ёллўш* бўлиши лозим, уни *ёлпеч* дейиш хато, чунки ёл бирор мато билан тутиб қўйилмайди. Ювилган кир одатда рўмолсимон матога ўраб, тутиб қўйилади, шунинг учун бундай мато *кирпеч* деб аталиши керак; уни *кирлўш* дейиш хато, чунки, кирнинг устига бирор нарса ташлаб ёпиб қўйилмайди.

Картотека фондида *ёллўш* сўзига 4 та, *ёлпеч* сўзига 1 та, шунингдек, *кирпеч* сўзига 3 та, *кирлўш* сўзига 2 та мисол бор. Бу ҳам ушбу сўзларни *ёллўш* ва *кирпеч* деб аташ ва ёзиш тўғри эканлигини кўрсатади.

Луғатларда *аямажиз* сўзи билан *айём ажуз* ибораси бир маънодаги сўзлар тарзида берилган. Масалан, Ўзбекча – русча луғатда (1959) “*аямажуз разг. то же, что айём ажуз*” дейилган. Бу сўз аслида арабча “*хампир кунлар*” маъносидаги *айём* ал-ажуз иборасидан олинган бўлиб, ўзбек тилида битта этимологик қўшма сўзнинг икки шакли сифатида қўлланади.

Қўшма сўзлардан тузилган сўз вариантлари ҳам кўп бўлиб, худди ўзак ҳолидаги сўз вариантлари каби асосан қўшма сўздаги бирор ўзакда ёки аффиксда юз берган фонетик ўзгаришлар туфайли ҳосил бўлади. Биз уларни аввал бундай ўзгаришнинг юз бериш ўрнига қараб гуруҳга бўламиз; 1) қўшма сўзнинг I компонентида юз берадиган фонетик ўзгаришлар; 2) қўшма сўзнинг II компонентида содир бўладиган фонетик ўзгаришлар; 3) ҳар икки компонентда бўладиган фонетик ўзгаришлар.

Қўшма сўзнинг I компоненти бошидаги ундош товуш бошқа бир ундош билан алмашинуви мумкин: *сичқончўп - тишқончўп, сичқонқуйруқ - тишқонқуйруқ* (ўтлар номи) каби. Луғатларда бу сўз ўзбек тилида *тишқончўп* шаклида юритилишини кўрсатганлар.<sup>49</sup>

*Чилонжийда* сўзи *жилонжийда* шаклида ҳам қўлланади:

<sup>49</sup> Ўзбекча-русча луғат. М., 1959. 437-бет.

Қийғоч гуллаган *чилонжийдаларнинг* жилгани тўлдирган ўтқир ҳиди *Шербек йироқлашган сари сийраклаша борди* (С.Анорбоев). “А” витамини кўплаб қовоқ, қизил сабзиди, жилонжийдада, хурмода ва бошқа саргайиб -пишадиган меваларда бўлади («Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали).

*Тагчарм - тегчарм, созтупроқ - соғтупроқ* вариантларида I компонентдаги унли товуш (а>е) ҳамда I компонент охирида ундош товуш (з>ғ) фонетик ўзгаришга йўлиққан. *Тутмачагул - тутмагул* мисолида асосий вариантнинг I компонентидан -ча аффиксининг тушиши туфайли кўшма сўз вариантлари ҳосил бўлган. *Гадойтахлит - гадотахлит, қизиталоқ - қизталоқ*, сўзларининг I компоненти охиридаги й, и товушлари тушиб қолади, *бекойим - бегойим* сўзларида эса I компонент охиридаги товушда жаранглиланиш ҳодисаси (к>г) юз берган.

Кўшма сўзнинг I компонентида фақат битта товуш эмас, балки иккита, ҳатто ундан ортиқ товуш доирасида мураккаб фонетик ўзгариш содир бўлиши мумкин. Масалан: *замбилғалтак - замбарғалтак, араваўқ - аробаўқ* мисолларида икки товуш доирасида ўзгариш бўлган: ил> ар ва ав>об. *Астабосар - оҳистабосар* вариантларида эса I компонент бошидаги бир унли (а) ўрнига икки унли ва бир ундош (оҳи) ишлатилган. Ўзбек тили нуқтаи назаридан бу жуфтликда асосий вариант аста сўзи бўлса-да, аслида у эронча (тожикча) оҳиста сўзидан келиб чиққан. *Астаўтар* ~~о~~ *оҳистаўтар, астакезар - оҳистакезар, астабосарлик - оҳистабосарлик, астаўтарлик - оҳистаўтарлик, астакезарлик - оҳистакезарлик* каби сўз вариантлари ҳам шулар жумласидандир.

Юқорида I компонентда турлича фонетик ўзгаришлар юз беришини кўрдик. Кўшма сўзнинг I компонентидидаги фақат бир хил ўзгариш туфайли ўнлаб кўшма сўз вариантлари ҳосил бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳодиса асосан, *бора олмоқ* типидидаги кўшма феълнинг I компоненти охиридан равишдош кўшимчаси (-а) тушиши туфайли юз беради: *бора олмоқ - боролмоқ, боса олмоқ - босолмоқ, боқа олмоқ - боқолмоқ, айта олмоқ - айтолмоқ* каби.

«Ўзбек тилининг имло луғати» (1976) да бу хилдаги сўз вариантларидан 46 таси қайд этилган. Бундай вариантлардан



ўз навбатида янги сўз вариантлари (кўпинча белги ослар ва ҳаракат номлари) ясалади: *айта олмаслик - айтолмаслик, бўла олмаслик - бўлолмаслик* каби.

I компоненти унли билан тугайдиган феълларга *олмоқ* ёрдамчи феълнинг кўшилиши билан ясалган кўшма феълларда ҳам, унинг тушиш ҳодисаси туфайли юзага келадиган сўз вариантларида ҳам анча мураккаб фонетик ўзгариш содир бўлади. Чунончи *а*, *и* каби унли билан тугаган феълдан *и* аффикси воситасида равишдош формаси ясалади ва унга *олмоқ* феъли кўшилади: *ишла+й олмоқ - ишлай олмоқ, ўқи+й - ўқий олмоқ* каби. Бундай феълларнинг икки компоненти туташган жойдаги *йо* бирикмаси ё шаклида ёзилиши мумкин: *ишлай олмоқ - ишлаёлмоқ, ўқий олмоқ - ўқиёлмоқ* каби. Ҳозирги имломизда бундай кўшма феълларни 2 хил ёзиш қоидалаштирилган. Кўшма феълда *йо* сақланса, уларни ажратиб, *йо* ўрнига ё ёзилса, кўшиб ёзиш қоидалаштирилган: *қишлай олмоқ - қишлаёлмоқ, ушлай олмоқ - ушлаёлмоқ, тўқий олмоқ - тўқиёлмоқ* каби.

Ўзаги *е* билан тугайдиган *емоқ, демоқ* феълларига *олмоқ* кўшилиши учун *е*, де ўзакларидан кейин *я* (*й+а*) бирикмаси кўшилиши билан уларнинг равишдош формаси ясалади ва унга *олмоқ* кўшилиб, мазкур феъллар кўшма сўз ҳолига келади: *де+я олмоқ- дея олмоқ* каби. Бундай феъллар ўртасидаги *йо* (*й+о*) бирикмаси ўрнида кўшимча ё (*йо*) бирикмаси қўлланади. *дея олмоқ - деёлмоқ, ея олмоқ - еёлмоқ* каби. Бунда кўшма феълларнинг I компонентига оид бўлган охириги *я* товуши тушади.

Аммо *ишлай олмоқ - ишлаёлмоқ, чўқий олмоқ - чўқиёлмоқ* типдаги жуфтликларда товуш тушиш ҳодисаси юз берди деб бўлмайди: *йо* урнига ё ишлатилди, холос, ё белгиси эса аслида *й+о* бирикмасидан иборатдир. Шунинг учун бундай вариантларни аслида сўзнинг морфологик вариантлари деб бўлмайди. Шунинг учун уларни сўзнинг **орфографик** вариантлари деб юритамиз.

Кўшма сўзнинг II компонентида юз берадиган фонетик ўзгаришлар ёки бирор кўшимча кўшилиши туфайли ҳам кўшлаб сўз вариантлари ҳосил бўлади. Кўшма сўзнинг II компоненти бошида юз берадиган ўзгаришлар туфайли (бошқа

хил сўз вариантларида бўлганидек) сўз вариантлари ясалишига мисоллар озроқ учрайди. Луғатларда қайд қилинишича, *итбурун* (бот. шиповник) сўзи кўпинча *итмурун* шаклида ҳам ишлатилади. Бунда II компонент бошидаги б ундоши м товуши билан алмашинади: *итбурун* — *итмурун*, *Туябўйин* — *Туямўйин* каби. II компонент бошида бошқа товушлар ҳам ўзига яқин товуш билан алмашган ҳолда қўлланади: *куншувоқ* - *кунчувоқ*, *офтобшувоқ* - *офтобчувоқ* каби. Таққосланг: *оптовшувоқ* - *оптовчувоқ*. Луғатларда II компоненти ч билан бошланадиган кўшма сўз асосий сўз — асосий вариант сифатида кўрсатилган, яъни *офтобшувоқ* сўзи *офтобчувоқ* сўзига ҳавола қилинган. Фикримизча, ш ли вариант асосий сўз ҳисобланиши керак, чунки, бундаги иккинчи компонент *шувоқ* адабий тилдаги *сувоқ*, сўзига алоқалидир, яъни *офтобшувоқ* ёки *куншувоқ* сўзлари маълум жойдан *офтоб* (кун)нинг нури тушиб турганини бўрттириб, жонли (образли) қилиб ифодалаш учун *офтоб* (кун) нури *шувалиб турибди* иборасидан фойдаланиш йўли билан юзага келган.

Кўшма сўзнинг II компоненти бошида кўпинча б ундоши в товуши билан алмашинади: *қорабой* - *қоровой* (қуш), *кўзибой* - *қўзивой* (тарвуз); *қўшқабат* - *қўшқават* каби. Тожикча *бола* маъносидаги *бачча* сўзи кўшма сўзнинг II компоненти бўлиб келганда, уни *вачча* шаклида ҳам юритиш мумкинлиги кенг тарқалган. «Ўзбек тилининг имло луғати» (1976) да *амакибачча* - *амакивачча*, *аммабачча* - *аммавачча*, *тоғабачча* - *тоғавачча*, *холабачча* - *холавачча*, *ўғрибачча* - *ўғривачча* каби сўзлар тенг ҳуқуқли сўзлар тарзида берилган, ҳатто *бачча* ишлатилган сўзлар асосий вариант сифатида биринчи ўринга қўйилган: *аммабачча* - *аммавачча* каби.

Ўзбекча-русча луғат, ўзбек тилининг изоҳли луғатларида эса *-вачча* элементи ишлатилган сўзлар (*аммавачча*, *тоғавачча* каби) асосий сўз сифатида берилган. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқининг кўпчилиги бундай сўзларни асосан кейинги шаклда қўллайди: *аммавачча*, *холавачча* каби. Бунда *бачча* сўзининг ўзбек тилида эски ахлоқий бузуклик билан боғлиқ бир тушунчанинг (хотин ўрнида хизмат қилган боланинг) номи сифатида ишлатилиши ҳам сабаб бўлса керак. Ҳар ҳолда биз

қариндошлик терминларида бу вариантлардан *ваччалиси* асосий вариант бўлиши керак деган фикрга қўшиламиз: *аммавачча - аммабачча, тоғавачча - тоғабачча* каби. Чунки, шу қолипдаги сўзлар амалда кўп қўлланади. Масалан, Ўзбекистан Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти Лексикология ва лексикография сектори картотекаси фондида *холавачча* сўзига 7 та карточка бўлгани ҳолда, *холабачча* сўзи учун бирорта ҳам карточка учрамади. Бу ҳол бундан кейинги луғатларда ҳам II компоненти *вачча* бўлган қариндошлик терминлари асосий сўз сифатида берилиши, *баччали* сўзлар эса баъзан учраб қоладиган кўмакчи вариант сифатида унга ҳавола қилиниши керак, деган фикрга олиб келади.

Кўшма сўзнинг II компоненти охиридаги фонетик ўзгаришлар ўзак ҳолдаги вариантлардаги ўзгаришдан фарқ қилмайди. Бунда ҳам бир-бирига яқин, ўхшаш товушлар алмашинган ҳолда қўлланади. Масалан, *қирқ бўғим - қирқ бўғин* «хвоц», *юрак буруғ - юракбуруқ* «дизинтерия» сўзларида *м-н, ғ - қ* товушлари алмашган ҳолда ишлатилган. Кўшма сўз охиридаги *а* товуши *о* билан алмашинади: *ўзимбиларман - ўзимбилармон, устабузарман - устабузармон* каби. *Иш бошида қўли ҳалол, виждони пок, ўз ҳунарининг устаси, ишбилармон раҳбарлар турган жойларда қаллоблар номимизни туя қилолмайдилар* (Н. Сафаров).

*Юрт сўрамоқ, ишда ёш подшога ишбиларман, сиёсатда тadbирли, ҳарбу-заро ишида тажрибали бир етакчи бўлса бас* (Ойбек).

Кўшма сўзнинг II компоненти охирида биринчи товуш доирасида юз берадиган мураккаб фонетик ўзгаришлар ҳам кўзга ташланади. Масалан: *бойбобо - бойбува (обо>ува), итолғу - итолғи - италғу - италғи (у>и, з<г, гу>ги, гу>ги)* каби. *Чордевор - чордувол - чордивол - чордивор* каби вариантларда ҳам шундай мураккаб ўзгаришларни аниқлаш мумкин. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзи асарларда *чордевор* сўзи ўрнида *чалдивор* сўзи қўлланиш ҳоллари борлиги қайд этилган. Масалан: Ўзбекча-русча луғат (1959) да *Чордевор...2 см. чалдивор* дейилган. ...*Чордевар* ва *чалдивор* (асли *чолдевор*) сўзларини вариант сифатида ишлатиш уларнинг асл маъноларини фарқламаслик туфайли юз бериши

кин. Аслида эса *чордевор* айнан *тўртдевор* бўлиб, у бой-феодалларнинг хотинлари сақланадиган ичкари уйни (ичкари ховлисини) ифодалайдиган образли сўздир. Ана шундай «ичкариларда» эзилган хотин-қизлар номидан шундай дейилган:

*Чордеворлар ичи эрди маконим,*

*Чехрам синиқ, зардобларга гўлгандим...*

(Фольклор)

- *Кираверишда бир чордевор бор. Кимники, ўша чордевор? Ёнида туз тикилган қабр ҳам борми?..* - деди *Мавлонов* (П.Турсун).

Луғатларда қайд қилинган *чалдивор* сўзи эски, *бузук кулба*, *вайрона* маъносигаги *чолдевор* сўзининг вариантдир: *...ерга қапишиб кетган чолдевордан қора чопонли бир яланг оёқ киши чопиб чиқди* (М. Исмоилий).

*Чордевор* ва *чолдевор* сўзларидан бошқа вариантлар сўзлашув тилига хослиги учун картотека фондидан мисоллар топилмади.

Кўшма сўзларнинг II компонентиға баъзи кўшимчалар кўшилиши билан ҳам сўз вариантлари ҳосил бўлади: Бу гуруҳга хос сўз вариантларининг энг кўпи кўшма сўзга *-ли* аффикси кўшилиши натижасида юзага келади: *бугдойранг - бугдойрангли, қўшқабат - қўшқабатли, қўшқанот - қўшқанотли* каби.

*Чекка сочларига оқ оралаган, бўйи ўртадан келган бугдойранг хотин аввал эрига салом берди* (М. Исмоилий). *У келаётган меҳмонларни кўздан кечираркан, ўрта бўйли, бугдойрангли киши томонга юрди.* (Муштум). *Дилшод янги саройни илгари ҳам бир неча бор кўрган эди. Шунинг учун унинг дабдабасига қўшқабат шашқатор биносига ҳамиша кулфлоглик турадиган баланд темир дарбозасига энсаси қотмади* (М.Исмоилий).

*Янги уйдан бири унга*

*Теккан экан.*

*Дарбозаси қўшқабатли*

*Шипга етган...*

(Ф. Фулом).



Йигит ана шундай уйларнинг бири «Ўрих гули, 26» деган ёзувли қўшқанот дарвоза олдида тўхтади (Ш. Ю.). ...аёлларнинг бири секин ўрнидан туриб ҳозиргина бола кўтарган аёл чиқиб кетган ўша қўшқанотли дарвоза томон юра бошлади (газетадан).

А. П. Ҳожиёвнинг «Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар» (1963) китобида бундай сўз вариантлари қўшма сўздан кейин *-ли* қўшимчасини қавс ичида бериш йўли билан ифодаланган: *балад бўй(ли), бароқ қош(ли), жингалак соч(ли), кулган юз(ли)* каби. Бу асарда *-ли* иштирокида ясалган қўшма сўз вариантларидан 52 таси берилган. ... «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (1981)да ҳам худди шу принцип сақланган.

Бу типдаги сўз вариантларидан қайси бири асосий вариант эканлиги ҳам аниқ белгиланган эмас. «Русча-ўзбекча луғат» (1959)да қўшма сўзнинг *-ли* қўшилган шакли асосий вариант сифатида берилган. *Қўшқанот* каби сўзларни *қўшқанотли* каби сўзларга ҳавола қилингани бунинг гувоҳидир. А.Ҳожиёв эса бундай сўзларнинг *-ли* сиз шаклини асосий сўз сифатида тавсия қилган. Унинг асарида бирор қўшма сўз *-ли* қўшимчаси билан мустақил ишлатилмаган. Ушбу асарнинг 20-30-бетларида эса *-ли* билан ёзилган қўшма сўзларнинг монолит лексик бирлик эмаслиги, уларнинг қўшма сўздан сўз бирикмасига яқинлиги баён қилинган.

Б. Мадалиёвнинг «Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар» (1966) китобида, изоҳли луғатда, сўнги имло луғатида *-ли* билан ясалган қўшма сўзлар монолит лексик бирлик сифатида қўшиб ёзилган ҳамда мустақил ёки асосий сўз сифатида алоҳида (ҳаволасиз) берилган.

Фикримизча, қўшма сўзнинг *-ли* олган шакли ўрни билан асосий ёки кўмакчи вариант бўлиши мумкин. Масалан, *қорақўзли, ширинсўзли, шакарлабли, қаламқошли, бодомқовоқли* каби сўзлар ўрнида асосан уларнинг *қорақўз, ширинсўз, шакарлаб, қаламқош, бодомқовоқ* каби шакли ишлатилади. Лекин *бешхонали* уй, *ўн қаватли* бино, *қизилбайроқли* полк каби ўринларда бундай қўшма сўзлар одатда *асосан-ли* қўшимчаси билан ишлатилади.

Кўшма феълнинг II компоненти бўлиб келадиган *бермоқ* сўзининг *вермоқ* (б>в) шаклида айтилиши ва ёзилиши туфайли ҳам юзлаб сўз вариантлари ҳосил бўлади: *беравермоқ* - *бера бермоқ*, *боравермоқ* - *бора бермоқ*, *басавермоқ* - *баса бермоқ*, *вайсайвермоқ* - *вайсай бермоқ*, *гапиравермоқ* - *гапира бермоқ*, *егизавермоқ* - *егиза бермоқ*, *ётавермоқ* - *ёта бермоқ*, *ёзавермоқ* - *ёза бермоқ*, *жонланавермоқ* - *жонлана бермоқ*, *ишлайвермоқ* - *ишлай бермоқ*, *йиқилавермоқ* - *йиқила бермоқ* каби. «Ўзбек тилининг имло луғати» (1976) да бундай вариантлардан 83 таси берилган. Улардан бир неча намуна келтирамиз: *келавериш* - *кела бериш*, *келтиравериш* - *келтира бериш*, *киравериш* - *кира бериш*, *олавермоқ* - *ола бермоқ*, *ортавериш* - *орта бериш*, *осилавермоқ* - *осила бермоқ*, *оширавермоқ* - *ошира бермоқ*, *сапчийвермоқ* - *сапчий бермоқ*, *сийлайвериш* - *сийлай бериш*, *учавермоқ* - *уча бермоқ*, *чалавермоқ* - *чала бермоқ* каби.

Бу хил сўз вариантларининг баъзиларида анча мураккаб фонетик ўзгаришлар юз беради. Масалан, *билиб олмоқ* - *билволмоқ*, *еб юбормоқ* - *евормоқ* каби жуфтликлардан биринчисида *иб* товушлари ўрнига фақат *в* ундоши ишлатилган. Иккинчи жуфтликларда эса *б* ўрнига *в* қўлланиб, *юб* бирикмаси тушиб қолган.

Юқорида монолит ҳолидаги вариант асосий бўлса (*ёзавермоқ* - *ёза бермоқ* каби), кейинги мисолларда фонетик ўзгаришга йўлиққан вариант сўзлашув тилига хос бўлиб, сўз бирикмаси шаклида ажратиб ёзилган сўзлар асосий вариант ҳисобланади: *кўшиб юбормоқ* - *кўшвормоқ*, *олиб кетмоқ* - *опкетмоқ*, *олиб қочмоқ* - *опқочмоқ*, *бора олмоқ* - *боролмоқ* каби.

Айрим кўшма сўзларнинг ҳар икки компонентида ҳам фонетик ўзгариш бўлади. Бунга *чолдевор* сўзининг *чалдивор* шаклида ишлатилиши мисол бўла олади (о>а+е>и). Сўнги имло луғатида *араваҷўян* сўзи *аробачўян*, *ароба чўён* шаклида ҳам тавсия қилинган. Бу вариантларнинг биринчисига нисбатан учинчисида ўзгачаликлар ҳар икки компонентда мавжуддир. Аслида ҳозирги *арава* ҳамда *чўян* сўзлари ҳам эс-

ки ўзбек тилида, худди тожик тилидагидек *араба* ҳамда *чой-ан*<sup>50</sup> шаклида ишлатилган.

Аниқ шакли белгиланмаган, ҳали нормаллашмаган тил бирликлари кўплаб вариантларда — шаклда кўлланиши мумкинлигидан сўнги имло луғатида шакли белгиланган *куёвнав-кар* сўзининг 15 шаклда учраши мисол бўла олади.

*Арзон гаров* - сўзи РУЛ-59, имло ва изоҳли луғатларда *арзон-гирон* - *арзон-гаров* - *арзон* - *гарон* шаклларида ҳам учраши қайд қилинган. Булардан фақат *арзонгаров* - *арзонгарон* сўзларигина сўз вариантлари бўлиши мумкин. Бу сўзнинг жуфт сўз сифатида дефис билан ёзилиши асосли эмас, чунки жуфт сўзлар соғ-саломат каби синонимлардан, *балад-паст* каби антонимлардан, *ота-она*, *ака-ука*, *эл-юрт* каби бир-бирига яқин сўзлардан ташкил топади. *Арзон* ва *гаров* сўзлари эса бир-бирига нисбатан бундай хусусиятларга эга эмас.

## ЖУФТ СЎЗ ВАРИАНТЛАРИ

Жуфт сўз компонентларидан бирида фонетик ёки бошқа хил ўзгариш юз бериши натижасида кўплаб сўз вариантлари юзага чиқади. Улар кўпроқ охириги компонентда бўладиган ўзгаришларга боғлиқ бўлади, *алай-балай* - *алай-булай*, *гина-қудурат* - *гина-қудрат*, *ивир-шивир* - *ивир-живир*, *ирим-чирим* - *ирим-сирим* - *ирим-дирим*, *юмалоқ-ёстиқ* - *юмалоқ-ястиқ*, *қийин-қистоқ* - *қийин-қистов* каби.

*Алай-балай* деган эди, ҳовлининг ўртасидан шартта тўсдим-у, ўзим бобой томонга ўтиб олдим, — деди Мухаммаджон (Тош. ҳақ.). Бу ханжарни махсус сан учун ҳозирлаганман, йўқ, агар *алай-булайинг* бўлса айт (Ҳамза). Энди бу фарзанд олдида оиладаги барча майда-чуйда гаплар, *гина-қудурат* барҳам топиб кетади (Д. Нурий). У дарров кўнглидаги *гина-қудратни* олиб ташлади (Ойбек). Базм энг чўққига миниб, *қийқириқ* оламни тутган бир пайтда қандайдир *ивир-шивир* бошланди (Н. Сафаров). ... шу юсуни *ивир-живир*, аччиғ ва чучук ҳолат ичида ухлаб кетди (А. Қодирий). - Аслида шу *ирим-чирим* ўлгур беъмани гап эканлигини

<sup>50</sup> Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан. Тошкент, 1981. 31. 279-бет.

сиздан ўргандим, — деди Зоҳида Меҳринсага (Р. Файзий). Чилончийда, *ирим-чирим* қилиб боғлаган латта-путталарга кўмилди (Ш.Тошматов). *Муҳаббат* бир оз юриб боргач, дугонасидан сўради: Бунақанги *ирим-сирим*ларга сиз қандай чидайсиз? (В.Ғофуров). *Ирим-дирим*лар бажарила бошланди. (“Муштум”). Агар чол биронта қари хотинга уйланса эди, *иккаламиз* “иттифоқ” ясаб, уни юмалоқ-ёстиқ қилиб четга отар эдик (Ойбек). Мана шу йўсинда Паркент қишлоғида уч кунда ўттиз пара қуръонни юмалоқ-ястиқ қилиб топширдик (М. Муҳаммаджонов). У (Дилдор), Низомжоннинг шунча вақт йўқ бўлиб кетганига чол уни энди қийин-қистоққа оляпти, деб ўйлади (С.Аҳмад). Бу йил ўтгандан кейин у (Соҳида) Собирнинг қийин-қистови билан Адҳамни судга чақиртиришди (Х.Зиёхонова). II компонент бошидаги ундошнинг ўзига ўхшаш (яқин) бошқа бир товуш билан алмашишуви туфайли жуфт сўз варианты ҳосил бўлади: *тўкин-сочин* – *тўкин-чочин* (*с>ч*) *ивир-шивир* – *ивир-чивир* – *ивир-живир* – *ивир-сивир* (*ш>ч, ж>с*), унда – бунда, унда – мунда (*б>м*), *ирим-чирим* – *ирим-сирим* – *ирим-дирим* (*ч>с, ч>д*), *латта-путта* – *латта-лутта* (*п>л*), *гина-қудурат* – *гина-қудрат* – *гина-гудурат* – *гина-гудур* (*к>г*) каби.

Жуфт сўзнинг II компоненти охирида юз берадиган ўзгаришлар ҳам сўз вариантыни юзага келтиради. Масалан: *қаттиқ* – *қуруқ* – *қаттиқ* – *қурум* (*қ>м*) *қийин-қистоқ* – *қийин-қистов* (*қ>в*) каби.

Баъзан жуфт сўзнинг II компоненти охирида ҳам мураккаб фонетик ўзгариш юз беради: *юмалоқ-ястиқ* – *юмалоқ-ясси* (*тиқ>си*) каби.

Фонетик ўзгариш жуфт сўзнинг иккинчи компоненти ўртасида кўпинча, унли товушларда содир бўлади: *ич-таш*, *ич-тиш* (*а>и*), *алай* = *балай* – *алай* – *булай* (*а>у*), *от* – *арава* – *от* – *ароба* каби. Сўнги жуфтликда бир унли ва бир ундош ўзгаришга йўлиққан: *ав>об*, *аслида* эса *об>ав*, яъни илгари *ароба* шаклида ишлатилган сўз кейинча *арова* деб айтиладиган бўлиб қолган. *Ориқ* = *тириқ* – *ориқ* – *тирриқ* (*+р*) *ориқ* – *тўриқ* (*и>ў*) – *ориқ* = *туруқ* (*ии>уу*) тарзидаги 4 вариантли сўзнинг иккинчисида бир ундош (р) қўшилганини, учинчисида



бир унли, тўртинчисида эса бир йўла икки унли ўзгаришга йўлиққанини кўриш мумкин.

Жуфт сўзнинг II компоненти охирида ҳам баъзи ўзгаришлар юз бериши ва бунинг натижасида жуфт сўз вариантларидан юзага келиши мумкин: *ота-бобо* – *ота-бува*, *чала-чулпа* – *чала-чулпи*, *қаттиқ-қуруқ* – *қаттиқ-қурум* каби. Бу мисолларнинг биринчисида сўнги компонент мураккаб фонетик ўзгаришга йўлиққан, яъни унинг сўнги 3 товуши (*обо*) сўзлашув тилида бир йўла ўзгариб *ува* шаклига кириши туфайли жуфт сўзнинг II варианты ҳосил бўлган. Кейинги мисолларнинг II компонентлари охирида *а>и* ва *қ>м* тарзида ўзгариш содир бўлган.

Жуфт сўзнинг I компоненти ҳам турли ўзгаришларга йўлиқади. Унда, даставвал, I компонент бошида бирор ундошнинг, масалан, *ҳ* ва *и* товушларининг тушиб қолиши кўзга ташланади: *ҳаш-паш* – *аш-паш*, *нари-бери* – *ари-бери* каби. *Думалоқ-сумалоқ* – *юмалоқ-сумалоқ* жуфтлиги эса биринчи қарашда икки товуш (*д* ва *у*) ўзгараётгандай кўринса-да, аслида бу ерда ҳам фақат *д* товуши ўрнида *й* товуши ишлатилган, холос. Чунки *ю* белгиси *й+у* товушларидан иборат бўлиб, *у* унлиси *ю* белгиси (ҳарфи) таркибида сақланиб қолган.

*Ағдар-тўнтар* – *онтар-тўнтар* сўзлари ҳам бир сўзнинг вариантларига ўхшаб кетади. Бироқ буни исботлаш учун уларнинг I компоненти аслида бир сўз эканини аниқлаш лозим бўлади. Бу ерда I компонент бошидаги уч товушда (*ағд-онт*) ўзгачалик бордай кўринади. Агар биринчи компонент бошидаги *а* ва *о* унлилари асли бир хил бўлгани, яъни бу сўз илгари *ағдар-антар* ёки ўзбек талаффузида *ағдар-онтар* тарзида талаффуз қилинганини (таққосланг: *оғмачи*, *оғдарма* арава) ҳисобга олинса, улар асосан фақат битта товуш *ғ*-н билан фарқ қилади, холос. Шунга қарамаздан, *ғ* товушининг *н* га ёки аксинча *н* товушининг *ғ* га ўтиш ҳодисаси ўзбек тилида учрамайди. Шунинг учун *оғдар-онтар* бир сўзнинг вариантлари эканини аниқлаш масаласи бу сўзларнинг бир неча туркий тиллардаги тарихини ўрганиш билан боғлиқ деган хулосага олиб келади.

Жуфт сўзнинг I компоненти ўртасида юз берадиган ўзгаришларга мисол унча кўп эмас: *телва-тесқари* – *телба-*

тескари (в>б), эран-қаран - элан-қаран (р>л), ўтириш-туриш - ўлтириш-туриш (+л), араба-улов - ароба-улов (ав<об) каби. Кўмакчи вариантлар I компоненти (телба-, элан-, ўлтириш-, ароба) гарчи, асосий вариантга нисбатан қадимий бўлса-да, улар ҳозир шу шаклда кам ишлатиладиган ёки истемолдан чиққан пассив вариантлардир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *ризқ—рўз*, ЎРЛ-59 да *ризқи рўз* шаклида асосий сўз қилиб берилган жуфт сўзнинг яна уч варианты картотека фондида қайд қилинган: *рисқ-рўз — риска-рўз — рисқу-рўз* каби. Демак, бу жуфт сўз беш вариант-лидир. Иккинчи вариантнинг I компоненти биринчи вариантдагидан фақат и кўшилганлиги билан фарқ қилади. III, IV ва вариантларнинг I компонентлари эса биринчи ва иккинчи вариантлардан асосан з ўрнига с ишлатилганлиги билан фарқ қилади. Демак, бу мисолда асосий вариантнинг биринчи компонентига (и, у) кўшилиш, жарангсизланиш (з>с) каби турли фонетик ўзгаришларга дуч келган.

Бу мисолнинг охиригиси *ризқ-рўз — ризқи-рўз* сўзларига нисбатан вариант бўлолмайди; у икки жиҳатдан нотўғри ёзилган. Биринчидан, ўзбек тилида жуфт сўзлар асосан тенг алоқадаги (бир-бирига тобе бўлмаган) уюшиқ бўлақлардан келиб чиққан. Маълумки, жуфт келган уюшиқ бўлақлар ўзаро ва -у, -ю боғловчилари воситасида ёки (ёзувда вергул билан ифодаланадиган) санаш оҳанги билан боғланади: *кеча* ва *кундуз — кечаю кундуз: кеча, кундуз, қозон* ва *товоқ — қозону товоқ: қозон, товоқ* каби. Турли тушунчаларни ифодалайдиган, аммо муайян бир сўз туркумига мансуб бўлган бундай уюшиқ бўлақлар, мазмун ва талаффуз жиҳатидан ўзаро зичроқ бирикиб, маълум бир тушунча номи бўлиб келганда (масалан, *кеча* ва *кундуз* сўзлари русча «сутка» - «бир кеча-кундуз» маъносида ишлатилганда ёки ўзлари ифодалаган тушунча ёки предметлардан бир қанчасини умумлаштириб ифодаланганда, масалан, *қозон-товоқ* сўзи ошхона буюмларининг умумий номи сифатида қўлланганда, улар уюшиқ бўлақ ҳолидаги сўз бирикмасидан яхлит бир сўзга - жуфт сўзга айланади. Бундай ҳолда уюшиқ бўлақлар орасида бўладиган боғловчи воситалар: *ва, -у, -ю* боғловчилари ва санаш оҳанги ҳам йўқ бўлади, ҳатто, биринчи сўздаги урғу ҳам охириги сўздагига нисбатан

кучсизланади: *кеча-кундуз* (сутка), *қозон-товоқ* (шу хилдаги ҳамма идишлар). Бундай сўзлар тилшуносликда сўз бирикмаси ҳолидаги уюшиқ бўлақлардан фарқли равишда дефис (- белгиси) билан ёзилади.

Ана шундай мулоҳаза нуктаи назаридан қаралса, *ризқу рўз* бирикмасида -у боғловчиси сақлангани учун дефис ёзиш ошиқча. Иккинчидан, бу иборада -у боғловчисини ишлатишга ҳам эҳтиёж йўқ, чунки, аслида *ризқи рўзи* бирикмаси уюшиқ бўлақ эмас, у “*кундалиқ насиба*” (русча “каждодневное пропитание”) маъносидаги форсча изофа – аниқловчили сўз бирикмасидир.

Айтилганлардан маълум бўладики, *ризқи рўзи* бирикмасини ва унинг вариантларининг умуман дефис билан ёзилиши, жуфт сўз деб тавсия этилиши бирор назарий асосга эга эмас. Ўзбек тилида -й, -йи билан боғланадиган изофали сўз бирикмаси бўлмагани (бундай бирикма фақат эрон тилларига хос бўлгани) учун у ўзбек тилида бир яхлит сўз – кўшма сўз сифатида юритилади: *чархифалак, бахрибайт, обиёгон, обизамзам, обиҳаёт, гулибеор, гуликарнай, гулинамозишом, гулидовуд, гулиқаҳқаҳа, гулисалим, гулиҳандон, гулмоёй, гулраёно, гулпоя, гулсунқалам* каби. Бундай бирикмалардан кўпинча изофалик белгиси ҳам тушиб қолади: *гулибеор - гулбеор, намозишом – номозишом, жойинамом – жойномоз, пўсти думба – пўстдумба* каби. Худди шунингдек, *ризқи рўзи* бирикмасидан и тушар экан, у яхлит бир сўз сифатида кўшиб ёзилиши лозим эди.

Хуллас, беш вариантли жуфт сўз бўлиб кўринган *ризқ-рўз – ризқи рўзи – ризқ-рўз – ризқи-рўз – ризқу-рўз* бирикмалари аслида *ризқирўзи – ризқрўз, ризқирўзи – ризқрўз* шаклида юритилиши лозим бўлган 4 вариантли кўшма сўздир.

Луғатларимизда жуфт сўз вариантлари шаклида берилган *байт –газал – байтигазал – байту газал, якка – ягона – яккаю ягона* каби бирикмалар, гарчи маънода бир-биридан фарқ қилмаса ҳам, аммо улар бир сўзнинг варианты бўлмайди. Чунки, сўз вариантлари фақат сўзлардан, яъни туб, ясама, кўшма, жуфт ва такрорий сўзлардан юзага келиши мумкин, *байту газал, кечаю кундуз* каби бирикмалар эса – у, –ю

боғловчиси билан ўзаро боғланган (ўзаро тенг боғланишдаги) уюшиқ бўлақлардир. Уюшиқ бўлақлар эса тенг боғланишдаги сўз бирикмаларидир. Сўз (жуфт сўз) билан сўз бирикмаси сўз вариантыни юзага чиқара олмайди, шунга кўра *байти-газал, кеча-кундуз, қозон-товоқ* каби сўзлар билан *байту газал, кечаю кундуз, қозону товоқ* каби сўз бирикмалари сўз вариантлари бўла олмайди.

Жуфт сўзнинг I компоненти охиридаги *-лик, -ли* қўшимчалари кўпинча айтилмайди, тушиб қолади ва шу йўсинда жуфт сўзнинг икки варианты юзага келади: *топишлик-тутушлик – топиш-тутушлик, эсли-ҳушли – элик-ҳушлик* каби. Маълум, жуфт сўзнинг ҳар икки компоненти ҳам бир сўз туркумига мансуб бўлиши лозим: *ота-она* (от+от), *отали-онали* (сифат+сифат), *баланд-паст* (сифат+сифат), *аста-секин* (равиш-равиш), *олди-сотди* (*фёъл+фёъл*) каби.

Бу жиҳатдан қаралса, келтирилган жуфтликларнинг биринчиси икки шаклида ҳам жуфт сўзга хос ана шундай хусусиятни ҳар ҳолда сақлайди, яъни, биринчи (асосий) вариант ҳамда ҳар икки компоненти *-лик* аффиксини сақлаган ҳолда от туркумига хос бўлса ҳам, иккинчи вариантда I компонентдан *-лик* тушган бўлса ҳам, қолган *тутиш* сўзи, ҳаракат номи бўлса ҳам, ҳар ҳолда от туркумига хос бўлгани учун жуфт сўз компоненти бўла олади.

*Эсли-ҳушли* жуфт сўзнинг *эс-ҳушли* шаклига келсак, уни юқоридаги мулоҳазаларга кўра жуфт сўз деб бўлмайди, чунки I компонентдан сифат ясовчи *-ли* қўшимчасининг тушиши билан у сифатлик хусусиятини йўқотиб, аслига, яъни от туркумига хос бўлиб қолади. От билан сифатнинг бирикувидан эса жуфт сўз ҳосил бўлмайди. Шунинг учун ҳам баъзи тадқиқотчилар *эсҳушли, отаонали, уйжойли, соғсаломатлик* (*<соғлик-саломатлик*) типидagi бирикмаларни қўшма сўз ҳисоблайдилар ҳамда монолит бирлик сифатида кўшиб ёзиш лозимлигини таъкидлайдилар.<sup>51</sup>

Бундай бирикмалар ҳар икки шаклда ҳам (яъни I компонентидан *-ли, -лик* аффикслари тушганда ҳам, тушмаганда ҳам) мазмун (семантик) жиҳатдан бир-биридан

<sup>51</sup> Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. Тошкент, 1982. 186 - бет.



фарқ қилмайдилар. Шунинг учун филологик луғатларда улардан бирини кўпинча *эс-хушли*, *бола-чақали* каби I компоненти *-ли* кўшимчасиз шаклини (яъни назарий жиҳатдан кўшма сўз ҳисобланадиган шаклини) асосий сўз сифатида изоҳланади, ҳар икки компоненти бир хил бўлган *эсли-хушли*, *болали-чақали* шаклидаги жуфт сўзларни уларга ҳавола қилинади. Бир тушунча содда сўз, кўшма сўз, жуфт сўз, ҳатто сўз бирикмаси билан ҳам ифодаланиши мумкин бўлгани учун луғатда уларни бир-бирига ҳавола қилиш мумкин. Чунки, луғатларда у ёки бу бирикманинг шаклан қандай сўз ёки қандай бирикма эканлиги эмас, балки, қандай маъно билдириши кўрсатилади.

Гап бир сўзнинг морфологик вариантлари ҳақида кетганда, табиийки, уларни фарқлаш, яъни *эсли-хушли* типдаги бирикмаларни жуфт сўз деб, *эс-хушли* шаклидагиларини жуфт сўз эмас, кўшма сўз ва шунинг учун у *эсли-хушли* жуфт сўзининг варианты бўла олмайди, деб таърифлашга тўғри келади.

Жуфт сўзлар кўпинча ҳар икки компонентда юз берадиган фонетик ўзгариш туфайли вариантлар ҳосил қилади. Бунда, аввало, ҳар икки компонентда бирор унлининг ўзгариши кўзга ташланади: *сен-мен – сан-ман (e>a)*, *ашқол-дашқол – ашқал-дашқол (o>a)* каби. Баъзан унли ўзгариши билан бирга бирор ундош ҳам ҳосил бўлади (кўшилиб қолади) – *алпон-талпон – алпанг-талпанг (o>aг)* каби. Ҳар икки компонент охиридаги ундош ўзига яқин товуш билан алмашинади: *алоқ-чалоқ – алог-чалог* каби.

Ҳар икки компонентга бирор ундош қўшилиши билан ҳам жуфт вариантлар юзага келади: *у-бу – у-бул (+л)*, *якка-дукка – яккам-дуккам (+м)*, *ҳакка-дукка – ҳаккам-дуккам (+м)* каби. Сўнги икки жуфтлик ўзаро 4 вариантли гуруҳни ҳосил қилиши мумкин: *якка-дукка – яккам-дуккам – ҳакка-дукка – ҳаккам-дуккам* каби. *Чалама-чакки – чалакам-чатти*, *алай-балай – алай-булай*, *айқаш-уйқаш – айқиш-туйқиш* каби мураккаб ўзгаришлар туфайли содир бўлган жуфт сўзлар вариантлари ҳам анчагина бор: *айқиш-туйқиш – айқаш-уйқаш*,

*шосша-шоша - шошиб-пишиб, ошқол-дашқол - ашқал-дашқал* каби.

Бадий адабиётларда баъзи жуфт сўз вариантларини иккинчи компонентига икки бир хил ундоқ қўшилиши ҳодисаси ҳам учрайди: *Нимадир даҳлизда жиз-биз этиб қовуриларди* (Шухрат). ... *жизз-бизз кабоблар, буги бурқяраган сомсалар ... пишмоқда* (С. Анорбоев).

Бир сўзнинг китобий стилга ёки эскирган шакли ҳам ўзининг ҳозир актив истеъмолдаги нейтрал шакли билан сўз вариантини юзага келтиради: *аста-аста - оҳиста-оҳиста, арава-арава - ароба-ароба* каби. Бу жуфтликларнинг сўнги вариантларидан бири ҳозирги китобий, иккинчиси эскирган китобий услубга мансубдир.

Баъзан бир равишдошнинг икки хил шаклидан тузилган жуфт сўзлар ҳам ўзаро вариант бўлади: *шоша-пиша - шошиб-шошиб* каби. Баъзан жуфт сўзнинг қўмақчи варианты компонентларига бир қўшимча қўшилгандай бўлади: *ост-уст - остин-устун, ёз-қиш - ёзин-қошин, ички-ташқи - ичин-ташин* каби. Баъзи асарларда *олиқ-солиқ* сўзи савдо-сотик маъносидagi *олди-сотди* сўзига вариант сифатида берилган: *олиқ-солиқ - олди-сотди* каби. Фикримизча, *олиқ-солиқ* жуфт сўзи турли солиқлар маъносида қўлланади.

Жуфт сўзлар вариантгагина хос бўлган (бошқа сўзлар мисолида учрамайдиган) бир лингвистик ҳодиса ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш лозим бўлади. У ҳам бўлса, шундан иборатки, жуфт сўз компонентлари ўрин алмаштирган ҳолда ҳам айнан ана шу маънода қўлланади. Масалан: *қуюқ-сууюқ - сууюқ-қуюқ, куф-суф - суф-куф, озиқ-овқат - овқат-озиқ, олд-орқа - орқа-олд, шўрва-шўлти - шўлти-шўрва* каби. *Кутидор меҳмонларни ихлос ва самимият билан кутар, зиёфат қуюқ-сууюқлари билан тўла-тўқис давом этар эди* (А. Қодирий).

Бу ялмоғиз кампир қанча беморларни «*куф-суф*» билан даволайман деб ёстигини қуритди (Тош. оқ). *Бир тангани кўриб, димоғи чоғ бўлиб, оғзини қимирлатиб, олдидаги ... ёғочини қўлига олиб, суф-куф деб дам солиб китобнинг устига ташлабди* (Олтин олма). *Шу йўсин ариқ қазила бошланди. Лекин, ишчи кўп, озиқ-овқат йўқ эди* (А. Қодирий).

“Иккинчи номернинг вазифаси таъминотчилик, у пулемётга ўқ-дори, пулемётга овқат-оziқ, ташийверсин», деб ҳазиллашади (И.Раҳим). Энг бемаза, энг арзон шўрва-шўлтани қайнатиш учун игна билан қўдуқ қазиш керак бўлар экан (Ойбек). Яхшики Йсоқ отанинг боғи бор. Ёзда ўрик-узумга оғизлари тегиб туради. Бўлмаса шўлти-шўрва билан оёқ чўзиш мумкин (М.Осим).

Бундай ҳодиса қўшма сўзларда ҳам баъзан учраб туради: *тойпахта* - пахтатой, *симтикон* - тиконсим каби. Бироқ, бундай ҳолларда кўпинча қўшма сўз маъноси бутунлай ўзгариб кетади: *шишалампа* — шиша қўйиладиган лампа, *лампашиша* - лампа (чирок) учун махсус тайёрланган шиша. Қўшма сўз асосан аниқловчили сўз бирикмасидан келиб чиққани учун биринчи сўз иккинчисини аниқлаётгани сезилиб туради.

## ТАКРОРИЙ СЎЗ ВАРИАНТЛАРИ

Биз тўплаган материаллар ичида сўз вариантлари асосан мустақил бўлмаган сўз туркумларидан ташкил топган такрорий сўзлардан ҳосил бўлади, бироқ мустақил сўз туркумига мансуб бўлган такрорий сўздан вариантлар ҳосил бўлиши кам учрайди: *ҳазил-ҳазил* - *ҳазил-ҳузул*, *ҳазил-пазил*, *хил-хил* - *хилма-хил*, *бир-икки* - *битта-иккита*, *қанча-қанча-қанчадан-қанча*, *бирин-бирин* - *бирин-сирин* каби.

*Ҳазил-ҳазил* билан бўлиб кетган бу ишнинг бутун даҳшати ўша йили кузда бадавлат бир хонадондан совчи келадиган бўлганда билинди (А.Қаҳҳор). *Ҳофиз* шу тариқа *ҳазил-ҳузул* билан *Балхга* кетишга ижозат олди (М.Осим). Бундай ҳазилларни дарров илиб оладиган Абдусамат жиддий; уёқ-буёққа аланглар, афтидан, *ҳазил-пазилга* тоби йўқ эди (А.Мухтор).

*Пойгакда* ечилган *хил-хил* пойабзал,

*Менинг назаримда ўзи бир дунё.*

*Ҳар бири ўзида меҳнат ва гўзал*

*Эли тупроғини келтирган гўё.*

(Зулфия)

Уч томони хилма-хил мева дарахтлари билан ўраб олинган кенг ҳовлининг ўртаси то кўз етгунча ишком эди (М.Исмоилий). Бу одам шунча даргазаб бўлдики, Набигул шу ерда бўлса бир-икки тарсаки урадигандай эди (А.Қаҳҳор). Ҳар маҳаллада битта-иккита «кўтир эчки» бўладику, бу ерда ҳам биттаси ўтирган эди (А.Қаҳҳор). (Ҳасан ака) Бу ... урушда.. қанча-қанча ака-укалар, оталаримиз дом-дараксиз кетмади (Э.Раҳимов). Касофат уруш қанчадан-қанча хонадонларнинг чироеини ўчириб кетди (Н.Сафаров). Хотин-халаж, ҳамма йўлакка йиғилиб, Офтоб ойим бирин-бирин кузатувчи хотинлар билан кўришиб чиқди (А.Қодирий). Кичиклари эса танча атрофида бирин-сирин чўзилишиб ухлаб қолишди (Ойбек).

Мустақил сўзларнинг -ма ёки ба- элементини олган ҳолда такрорланиши билан ҳам қатор сўз вариантлари ҳосил бўлади: тарафма-тараф – тараф-батараф, даражама-даража - даража-бадаража, дамма-дам - дам-бадам, номма-ном - ном-баном каби. Ҳозирги имлода асли бир хил бўлган бу элементлар - ма (ба-ни м билан айтилганда I компонентга, б билан айтилганда, кейинги компонентга қўшиб ёзиш қоидалантирилган. Шунинг учун уларни ҳозирча орфографик вариантлар деб юритиш ҳам мумкин. Лекин, модомики, бир сўзнинг икки шаклда ёзилишини, аммо бир маънода ишлатилишини сўз варианты деб эътироф этар эканмиз, улар бир хил ёзилиши ҳам керак деб тушунамиз. Фактлар кўрсатадики, ўзбек тилида бу хил жуфт сўзлар касосан -ма элементи билан биринчи компонентга қўшилган ҳолда юритилади: йўлма-йўл, кўчама-кўча, шаҳарма-шаҳар, бирма-бир, ойма-ой, кунма-кун каби.

Кейинги (1976) имло луғатида бундай сўз -ма билан биринчи компонент қўшилган ҳолда берилган: дастама-даста, биттама-битта, бошма-бош, бурчакма-бурчак, далама-дала, дарчама-дарча, луғатма-луғат, минзилма-манзил, орқама-орқа, пешма-пеш, полизма-полиз, растама-раста, сўзма-сўз, тарафма-тараф, уйма-уй, чакалакма-чакалак, юзма-юз, ҳарфма-ҳарф каби, фақат бир нечта сўзгина ба- билан II компонентга қўшилган ҳолда берилган: нуқта-бануқта, ранг-баранг, дам-бадам - дам-дам - дамодам, тараф-батараф каби. Бу ҳол ба-



элементи такрорий сўзларни ҳам ўзбек тили учун норма ҳисобланган *-ма* ли сўзлар қолипида (I компонентга қўшилган ҳолда ёзиш лозимлигини кўрсатади: *нуқтама-нуқта, рангма-ранг, тарафма-тараф, дамма-дам* каби. Бундай қилиш, биринчидан, имло қоидаларини ўзлаштиришни осонлаштиради, имлода хилма-хилликка чек қўяди. Иккинчидан, бундай ёзиш назарий жиҳатдан ҳам асослидир, чунки, *-ма* билан унинг эронча шакли *ба-* ўзбек тилида на маъно ва на грамматик жиҳатдан фарқ қилмайди. Ўзбек тилида *ба-, бар-, -дар, аз-* каби олд қўшимчалар йўқ. Ўзбек тили учун *ба-* ҳам худди *-ма* каби фақат такрорланувчи ўзақларни бириктирувчи элемент, холос.

Жуфт сўзларнинг *-ма* ва *ба-* элементлари воситасида ҳосил бўлган вариантлари асосан равиш туркумига хос бўлади: *далама-дала кездик, томма-том қувди, қўлма-қўл узатилди, юзма-юз учрашди (гаплашди, келди...)* каби. Баъзи *-ма* ва *ба-* элементи билан келадиган такрорий сўзлар компонентлари таркибида содир бўладиган фонетик ўзгаришлар оқибатида ҳам вариант ҳосил бўлади: *қабатма-қабат - қаватма-қават (б>в)* каби. Бу жуфтликнинг *қабатба-қабат* каби учинчи варианты ҳам учраши мумкин. Кейинги мисол *-ма* билан такрорланадиган такрорий сўзлар сифат туркумига мансуб бўлиши ҳам мумкинлигини кўрсатади (*рўпарама-рўпара уй, рағно-ранг бўёқ, тарафма-тараф кураш* каби).

*Лоппа-лойиқ - лоп-лойиқ, дум-думалоқ - юм-юмалоқ, тап-тайёр - таппа-тайёр* каби сўзларнинг биринчи компонентлари, гарчи, ҳозир мустақил ишлатилмаса-да, уларни ҳам такрорий сўз вариантлари қаторида кўриб ўтишга тўғри келади, чунки, кўпгина олимларнинг айтишича, уларнинг биринчи компоненти бундай сўзларнинг асосий қисми бўлиши мустақил сўзларнинг (ёки уларнинг бир қисми) такроридан (такрорланишидан) ҳосил бўлган: *сап-сариқ, қип-қизил, кўм-кўк, юм-юмалоқ, қоп-қора, яп-япалоқ, ям-яшил, соппа-соғ* каби.

Бу хил такрорларда сифатнинг бош бўғини ёки бош қисмини олиб сифат олдидан қўллаш билан белгининг ортиқлиги ифодаланади<sup>52</sup> Оддий (бош даражадаги сифатни

<sup>52</sup> Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 254-бет.

такрорлаш билан: *узундан-узун, бемазадан-бемаза, шириндан-ширин*<sup>53</sup> каби ҳам такрорлар ҳосил бўлади.

Биринчи компонентда кучайтирувчи элемент бўлган сўзлардан ҳам кўшлаб сўз вариантлари ҳосил бўлади: *топ-тоза* - *топпа-тоза* каби. Бундай вариантлар асосан кучайтирув элемент компонентининг турли шаклда ўзгариши натижасида юзага келади. Бунда, кўпинча, биринчи компонентнинг бир бўғинли ва икки бўғинли шаклда келиши вариант ясовчи восита бўлиб хизмат қилади: *лоп-лойиқ* - *лоппа-лойиқ*, *теп-текис* - *теппа-текис*, *тўп-тўғри* - *тўппа* - *тўғри* каби.

Кузатиш кўрсатадики, аслида белгини кучайтириш учун тўла сифатида ёки тўлмоқ феълига боғланиб келадиган *лим* элементи (таққосланг: *лим-тўла*, *лим-тўлди* каби)нинг ўзи ҳам мустақил равишда такрор сўз сифатида қўлланади ва ўз вариантыга эга бўлади: *лимма-лим* - *лиммо-лим* каби. Бу такрорий сўзнинг учинчи варианты ҳам учрайди: *лим-лим* каби. Бу такрорий сўз ҳар уч вариантда ҳам белгини кучайтирувчи элемент маъносида қўлланади:

*Бункер пахтага лиммо-лим тўлган чоғларда мувозанати йўқолиб ёнбошига оғарди-ю, машина эгатдан чиқиб кетарди* (Н.Сафаров). *Уч қопни лим-лим тўлдириб ортди.* (газетадан). Картотека фондида *лиммо-лим* сўзига 22 та, *лим-лим* сўзига 21 та, *лимма-лим* сўзига 5 та карточка бор.

Такрорий сўз вариантларининг асосий қисми тақлидий сўзлардан, айниқса, товушга тақлидлардан (звукосоподражательные слова) тузилгандир. Бунда, кўпинча, такрорий сўзларнинг иккинчи компоненти турли ўзгаришга йўлиқади. Масалан, иккинчи компонент бошидаги бир ундов билан алмашинган ҳолда қўлланади: *жаз-жиз* - *жиз-биз* ( $ж > б$ ), *гиди-биди* - *гиди-гиди* ( $г < б$ ), *зинг-зинг* - *зинг-пинг* ( $з < п$ ), *гилинг-гилинг* - *гилинг-пиринг* ( $з < п$ ) каби.

Такрорий сўзларнинг иккинчи компоненти ўртасида хилма-хил фонетик ўзгаришлар юз беради. Чунончи, бир бўғинли тақлидлардан тузилган такрорларнинг иккинчи компоненти ўртасида а унлиси одатда у га ўтади: *тақ-тақ* - *тақ-туқ*, *тарс-тарс* - *тарс-турс*, *ҳарс-ҳарс* - *ҳарс-ҳурс*, *карс-*

<sup>53</sup> Икромова Р., Азизова А., Муҳамедова Д. Ўзбек тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1983.11-бет

*карс - карс-курс, жаз-жаз - жаз-жуз - жаз-буз, бағ-бағ - бағ-буғ, шап-шап - шап-шуп, чарс-чарс - чарс-чурс, гақ-гақ - гақ-гуқ, - гат-гат - гат-гут, гарч-гарч - гарч-гурч, гарт-гарт - гарт-гурт, қағ-қағ - қағ-қуғ, шақ-шақ - шақ-шуқ, чағ-чағ, чағ-чуғ, пақ-пақ - пақ-пуқ* каби.

Бир бўғинли тақлидлардан тузилган такрорий сўзнинг I ва II компонент бошида фонетик ўзгариш содир бўлиши мумкин: *ялт-ялт - ялт-юлт, ярқ-ярқ - ярқ-юрқ* каби.

Икки бўғинли тақлидлардан тузилган такрорий сўзларда I компонентдаги ҳар икки унли (*а* ва *и*) II компонентда у га (*уу*) айланади: *қасир-қасир - қасир-қусур, патир-патир - патир-путур, вақир-вақир - вақир-вуқур, шақир-шақир - шақир - шуқур, чағир-чағир - чағир-чуғур, гиж-гиж - гуж-гуж* каби. Баъзан бу такрорларнинг II компонентидаги *о* унлиси у тарзида талаффуз қилинади: *говур-говур - говур - гувур* каби. Баъзан бу хил жуфт сўзларнинг I компонентидаги *и* унлисининг у га ўтиш ҳодисаси ҳам учрайди: *гадир - будур - гадур-будур* каби.

Ҳамма бўғини *а* унлиси билан ясалган (*шарақ-шарақ* каби) икки бўғинли тақлидлардан тузилган такрорлар анча мураккаб фонетик ўзгариш билан янги вариант ҳосил қилади. Бунда, аввало, II компонентдаги икки *а* икки у га айланади: *шарақ-шарақ - шарақ - шуруқ, тарақ - тарақ - тарақ - туруқ, валақ - валақ - валақ - вулуқ, вағир-вағир - вағир-вуғур* каби. Баъзан *шалоп-шалоп - шалоп - шулуп (ао>уу)* каби фонетик ўзгаришлар содир бўлади. Кейинги бундай вариантларнинг I компоненти *а* қўшилган ҳолда ҳам талаффуз қилинади: *шарақ-шарақ - шарақ-шуруқ - шарақа-шуруқ, гулпир-гулпир - гулур-гулур - гулура-гулур, тапир-тапир - тапир-тулур - тапира-тулур* каби.

Такрорий сўзнинг I компонентида содир бўладиган фонетик ўзгариш туфайли ҳам сўз вариантлари ясалади. Бу хил такрорлар асосан икки бўғинли тақлидлардан тузилади. Масалан, *шатир-шутур - шатира-шатир, қасир-қусур - қасира-қусур* каби. Бироқ юқорида кўриб ўтилганидек, бу хил жуфтликларнинг асосий варианты аслида *шатир-шатир, қасир-қисир* типдаги дастлабки такрорлардан, уларнинг II компонентдаги *а* ва *и* товушларининг баравар у га ўтиши

туфайли юзага келган. Демак, булар ҳам аслида уч вариантли сўзлардир: *шати́р-шати́р* > *шати́р-шуту́р* > *шати́ра-шуту́р* каби.

Филологик луғатларда бундай 3 ёки 4-5 вариантли сўзларнинг ҳамма варианты битта луғат мақоласида берилмайди. Луғатларда улардан фақат иккитасигина луғат мақоласида акс этади: одатда, кўмакчи вариант асосий вариантга ҳавола қилинади: *каси́р-каси́р* айн. *каси́р-кусу́р* *каси́ра-кусу́р* айн. *каси́р-кусу́р* каби. Бундай фактларни тўплаб, уларнинг вариантлари миқдорини тўлароқ белгилаш тадқиқотчининг вазифасидир. Юқорида уч изоҳли луғатнинг икки мақоласидан олинган икки мисол улар *каси́р-киси́р* - *каси́р-кусу́р* - *каси́ра-кусу́р* каби уч вариантли жуфт сўзлар эканини кўрсатади.

РЎЛ-59 да *шилди́р-шилди́р* см. *шалди́р-шулди́р* дейилган. Бундан биринчи жуфт сўз иккинчисининг кўмакчи вариантига ўхшаб қолган. Фонетик қонуният, айниқса, бу сўзлар ифодалаган овоз фарқ *шалди́р-шулди́р* аслида *шалди́р-шалди́р* сўзининг кўмакчи варианты бўлишини ва унинг II компоненти у – и тарзида эмас, балки юқорида кўрсатилганидек, у – у тарзида бўлишини тақозо қилади: сувнинг оқиши бир маромда кучсизроқ овоз чиқариб оқишни ифодаловчи *шилди́р-шилди́р* сўзининг кўмакчи варианты эса *шилди́р-шулду́р* тарзида бўлишини кўрсатади: *шалди́р-шалди́р-шалди́р-шулду́р*, *шилди́р-шилди́р* – *шилди́р* – *шулду́р* каби. Бунда кўмакчи вариантлар овоз кучида фарқ қилган ҳолда бир маромда яна ўзгарақ овоз кўшилганини билдиради.

*Шивир-шивир* – *шивир-кичир* жуфтлигида иккинчи компонентдаги икки ундош фонетик ўзгаришга учраган: ш-в > к-ч. Ўзбек адабий тилида бундай ҳодиса ғоят кам учрайди.

Бундай тақрорий сўз вариантлари ичида ҳаракатнинг кечип тарзи тақлид сўзларидан (словоподражательные слова) тузилганлари ҳам жуда оз учрайди: *гивир-гивир* – *гивир-шивир* (г > ш) кабилар туфайли жуда кўп сўз вариантлари вужудга келади. Масалан, компонентлар охиридаги бирор товуш ўзига яқин бошқа товуш билан алмашади: *гиж-гиж* – *гич-гич* (ж > ч) каби. Баъзан бир товуш ўрнига икки товуш пайдо бўлади: *жик-жик* – *жиги* – *жиги*



(к>ги) каби. Ёки бир унли икки товуш (унли ва ундош) билан алмашади: *ғижи-ғижи - ғужур-ғужур (и>ур)* каби.

Ҳар икки компонент охирига бирор товуш, кўпинча қ ёки ғ ундоши қўшилади: *қул-қул - қулқ-қулқ, қу-қу - қуқ-қуқ (+қ)* *ға-ға - ғақ-ғақ (+қ)* каби. Баъзан эса бирор товуш, чунончи *р* ундоши тушади: *қирр-қирр - қир-қир* каби.

Ҳар икки компонент охирига бир йўла икки товуш, кўпинча, бир унли ва бир ундош қўшилиши ҳодисаси ҳам кўп учрайди: *ғир-ғир - ғирра-ғирра (+ра)*, *ғиз-ғиз - ғизза - ғизза (+за)*, *тинғ-тинғ - тинғир-тинғир (+ир)*, *ҳўнг-ҳўнг - ҳўнғир-ҳўтғир (+ир)* каби. Асосий вариант компонентларида лабланган ундошлар бўлса, бу қўшимча (-ир) ур тарзида қўшилади: *ғув-ғув - ғувир-ғувир (+ур)*, *ғурс-ғурс - ғусур-ғусур (+ур)* каби. Баъзи асосий вариант компонентлари лабланган ва лабланмаган унли (масалан, а-у) иштирокида тузилган бўлади. Шунга мувофиқ кўмакчи - вариант ҳам икки хил унли билан юзага келади: *данг-дунг (а-у) - данғир-дунғур (+ир - ур)* каби.

Такрорий сўзнинг ҳар икки компоненти ўртасидаги фонетик ўзгаришлар билан озроқ сўз вариантлари майдонга келади: *ғат-ғат - ғўт-ғўт (а-а>ў-ў)*, *ғажир-ғужур - ғачир-ғучур (ж-ж>ч-ч)* каби.

Такрорий сўзнинг ҳар икки компоненти бошида кўпроқ бир ундош бошқа ўзига яқинроқ товуш билан алмашинади, бунда, одатда, *жарангсизланиш* ҳодисаси: *жарақ-жарақ - чарақ-чарақ (ж-ж>ч-ч)*, *биж-биж - виж-виж (б-б> в-в)*, *бижир-бижир - вижир-вижир (б-б> в-в)*, ёки аксинча *жаранглиланиш* ҳодисаси юз беради: *тўқ-тўқ - дўқ-дўқ (т-т>д-д)* *пилч-пилч - билч-билч (п-п>б-б)*, *қулт-қулт - гулт-гулт (қ-қ>ғ-ғ)* каби.

Бу мисоллар *бижир-бижир* сўзи *биж-биж* сўзига *ир* элементини қўшиш туфайли юз берганлигини ҳисобга олсак, улар ўз кўмакчи вариантлари билан бирга 4 компонентли сўз варианты ташкил қилиши маълум бўлади: *биж-биж - виж-виж (б>ж) - бижир-бижир - вижир-вижир (+ир)* каби.

Такрорий сўз компонентлари бошидан бирор товуш тушиб қолиши: *ванг-ванг - анг-анг (-в)* ҳам, товушларнинг ўрин алмаштириш (метатеза) ҳодисаси ҳам оз бўлса-да, учраб туради: *ҳиринг-ҳиринг - ҳинғир-ҳинғир (р-нг>нг-р)* каби.

Сўз вариантлари ундовлардан тузилган такрорий сўзларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, изоҳли луғатда кўрсатилишича, *вой-вой* сўзи *вай-вой* (o-o>a-o) шаклида ҳам ишлатилган. *Ҳайё-ҳай* сўзи эса *ҳайё-ҳаёт* ва *ҳайто-ҳайт* шаклларида учрайди. Сўнги мисолда такрорий сўзнинг охириги компонентига бир ундош (т) қўйилган, учинчи вариант эса иккинчи вариантнинг I компоненти охиридаги *ё* ўрнига *то* элементи қўшилганини кўрсатади. Бу мисолнинг бош (асосий) варианты (*ҳайё-ҳай*) *ҳайё-ҳув* шаклида ишлатилиши унинг ўзи *ҳайё-ҳуйт* вариантларига эга бўлиши мумкин.

Ундовлардан тузилган икки компонентли баъзи такрорий сўзлар баъзан уч компонентли бўлгани ҳолда қўлланиб, ғайри одатий сўз вариантини юзага келтиради: *ҳай-ҳай* – *ҳай-ҳай-ҳай*, *ҳў-ҳў* – *ҳў* – *ҳў* – *ҳў* каби. Бунинг ғайри одатийлиги шундаки, одатда такрорий сўзлар икки компонентли бўлади. Лекин, бу мисоллар баъзан уч компонентли такрорий сўзлар ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Бунинг аксинча, баъзи икки компонентли такрорий сўз ҳолидаги ундовлар (масалан, оҳ-ҳо) ўрни билан яхлит бир сўз ҳолида айтилиб, такрорий сўз ва қўшма сўздан иборат сўз вариантини юзага келтиради. Бу хил сўзларни бир сўзнинг варианты деб айтишга асос шуки, такрорий сўз ҳолидаги ундовлар қўшиб айтиладиган ва қўшиб ёзиладиган шаклда ҳам икки ундовдан тузилган бирикма эканлиги билиниб туради, *аҳо* сўзи аслида икки ундовдан (оҳ ва ҳо) иборат бўлиб, ёнма-ён келиб қолган икки ҳ дан бири бўлиб кўпинча талаффуз қилинмайди.

## СЎЗНИНГ ОРФОГРАФИК ВАРИАНТЛАРИ

Фикримизча, ҳар бир моносемантик ёки полисемантик сўз тилда муайян бир шаклда юритилиши керак. Албатта, кўп сўзлар вақт ўтиши билан шаклини ўзгартира боради. Масалан, эски ўзбек тилида *биринч*, *кафш*, *ҳавз* шаклида ишлатилган сўзлар ҳозир *гуруч*, *кавуш*, *ҳовуз* шаклида қўлланади. Демак, тил муайян бир даврда турли даврда турлича бўлган сўз шаклларида бирини – давр талабига мос келадиган шаклини танлаб олади.

Айрим сўзларнинг турлича шакллари эса, стилистик ё лексик жиҳатдан дифференциация қилиниб, кўпинча икки шаклда қўлланиши лозим бўлиб қолади. Масалан, *каптар* ва *кабутар*, *баравар* ва *баробар* жуфтликларининг биринчиси нейтрал лексикага хос бўлиб, адабий тилда сўзнинг асосан шу шакллари ишлатилади. Аммо нутқ китобий (ёки кўтаринки) стилда тузилганда, масалан, тарихий шахс ёки асосан китобий нутқда сўзлашга одатланган киши, масалан, муаллиф тилидан сўзланганда ўша шахс образини жонлантириш мақсадида сўзларнинг эски ёки китобий вариантларидан ҳам фойдаланилади:

- *Пуштипаноҳо, - деди худайчи, - хиёнаткор ўз ихтиёри билан келиб, доми адолатингизга таслим бўлмоқчи!*

- *Хиёнаткор ким?*

- *Мирзо Анвар!.. ( А.Қодирий).*

Лексик дифференциацияда эса сўзнинг шакли дастлабкисидан фарқ қиладиган бошқача маъно касб эгади. Масалан, *товланмоқ*, одатда, русча *закаляться* маъносида, унинг асли сўзлашув тилига хос бўлган *товланмоқ* сўзи эса турли рангларда жилоланмоқ (русча *переливаться разными цветами*) маъносида қўлланидиган бўлиб қолди. Яқингача аралаш ишлатилган бир сўзнинг *артмоқ* ва *арчмоқ* шакллари билан биринчиси латта билан бирор сиртни чанглардан, кирлардан *тозаланоқ* маъносида, *арчмоқ* эса сабзи, пиёз, картошка, бодринг, олма каби мева ёки сабзавотлар пўстини *шилмоқ* маъносида ишлатиладиган бўлиб қолди. Энди бу сўзларни аралаш қўллаш фарқ қилмаслик сўзлардаги семантик ривожланишдан беҳабарлик, бу сўзлардаги маънавий фарқни билмаслик оқибатида бўлиши мумкин.

Демак, бир сўзнинг *каптар* -- *кабутар* каби стилистик вариантларни ҳам, *артмоқ* -- *арчмоқ* каби турлича маънода қўлланидиган сўзларни ҳам фарқлаб ишлатишга эҳтиёж бор. Буларни сўзларнинг зарурий вариантлари дейиш мумкин. Маънода озгина бўлса ҳам фарқ қиладиган *шалдир-шалдир* - *шалдир-шутур*, *шилдир-шилдир* - *шилдир-шулдир* каби вариантлар ҳам зарурий вариантлар қаторига киради Аммо фақат бир маънода ишлатиладиган, стиль жиҳатдан ҳам фарқ қилмайдиган *ота-бобо* - *ота-бува*, *тўкин-сочин* - *тўкин-чочин*,

*тарафма-тараф* - *тараф-батараф*, *жарақ-жарақ* - *чарақ-чарақ*, *билч-билч* - *пилч-пилч*, *ағдар-тўнтар* - *онтар-тўнтар*, *олди-сотди* - *олиқ-солиқ*; каби вариантлардан фақат бири – адабий тил нормасига мувофиқини ишлатиш мумкин. Бундай вариантлар сўзнинг морфологик вариантлари ичида талайгинадир.

Фақат асосий варианты қолдирилиб, қолган кўмакчи вариантлари ишлатилмаса ҳам бўлаверадиған сўз вариантларини ҳам, улар у ё бу сабабга кўра ёзма адабиётда қайд этилаётгани учун, сўзнинг орфографик вариантлари деб аташ мумкин.

Ҳали адабий тил шаклланмаган, энди шаклланаётган, адабий тил нормалашмаган ёки энди нормалашаётган даврда сўзларнинг орфографик вариантлари кўп бўлади. Масалан, *куёвнавкар* сўзининг яқингача ҳам 8-9 вариантда қўлланганлиги бу сўзнинг маълум бир шакли норматив тарзида танлаб олинмаган даврига хосдир. Бу сўзнинг мақбул шакли 1976 йилги имло луғатида кўрсатилгандан кейин, газета ва журналлар деярли бир хил (имло луғатидаги шаклда) ишлатадиган бўлиб қолди.

Демак, маънода ва стиль жиҳатдан фарқ қилмайдиган сўз вариантларининг кўплиги адабий тилнинг шаклланиш даврига хос бўлиб, ҳали кўп сўзларнинг шакли қатъий нормалашмаганини кўрсатади.

1959 йилда нашр этилган «Ўзбекча-русча луғат»да жуда кўп сўзлар *бирқатор* (прав, *бир қатор*), *бирталай* (прав, *бир талай*), *ишёқмас* (прав. *иш ёқмас*) тарзида берилган. Бу «амалда қўшиб ёзилган ҳолда учрайдиган *бир қатор*, *бир талай* каби сўзлар имло қондасига кўра ажратиб ёзилади» деган маънони билдиради.

Юқорида айтиб ўтилган сўзнинг морфологик вариантлари ичида учрайдиган ҳар қандай орфографик вариантлардан филологик луғатларда икки шаклда қўлланиши қайд этилган сўзлар, айниқса, ҳақиқий орфографик вариантлардир. Тилга олинган (ЎРЛ-59) луғатда бундай сўзлардан 1823 таси қайд этилган.

Бу фақат ўзбек тилида кўп сўзларнинг мақбул шакли аниқ белгиланмаганлигини, айниқса, қўшма сўзлар имлоси пухта ишланмаганини, уларни такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади.



Айниқса, 1976 йилги имло луғати босилиб чиққандан кейин кўп сўзларнинг орфографик вариантлари юзага келди. Чунки, унда кўп сўзлар амалда қўшиб ёзилаётганлиги, қўшма сўзларнинг семантик, грамматик ва фонетик, акцентуал хусусиятлари шуни талаб этаётганлигини ҳисобга олиб қўшиб ёзилган. Унда амалдаги имло қоидаларига зид ҳолда (аммо назарий жиҳатдан тўғри, амалда ишлатилишига мувофиқ ҳолда) қўшма сўзлар 3000 дан ошади. Имлонинг Б бўлимида 285 та қўшма сўз қўшиб ёзилган. Имло луғати босилиб чиққанидан кейин нашриётларнинг кўпчилиги унга амал қиладиган бўлди ва шу луғатда кўрсатилган ва кўрсатилмаган бўлса ҳам луғатдаги қўшма сўзлар қолипдаги минглаб қўшма сўзлар қўшиб ёзиладиган бўлди.

Аммо «Ўқитувчи» нашриётининг баъзи бўлимлари, айниқса, Ўзбек тили ва адабиёти бўлими 1956 йилги қоидага кўра қўшма сўзларнинг катта қисмини қатъий ажратиб ёзишни давом эттирмоқда. Бунинг натижасида «Ўқитувчи» нашриётидан чиққан дарслик ва қўлланмалар билан бошқа нашриётларда босилган китоб, журнал ва газеталарда минг-минглаб сўзларнинг, айниқса, қўшма сўзларнинг шаклида – ёзилишида кескин фарқ вужудга келган. Бу ҳол минглаб сўзларнинг *бодомқовоқ* – *бодом қовоқ*, *балхитут* – *балхи тут*, *бошқоронги* – *бош қоронғу*, *долзарб* – *доли зарб*, *чилонжийда* – *чилон жийда*, *загчақўз* – *загча кўз*, *искабтопар* – *искаб топар*, *мошгуруч* – *мош гуруч*, *обиҳаёт* – *оби ҳаёт*, *сарвқомат* – *сарв қомат*, *сариқилон* – *сариқ илон*, *сўфи тўрғай* – *сўфитўрғай*, *товустурна* – *товус турна*, *ўқилон* – *ўқ илон*, *қорабароқ* – *қора бароқ* каби юзлаб қўшиб ёзиладиган ва ажратиб ёзиладиган вариантларни юзага келтирган.

Ҳар бир тилда ҳам айрим сўзларнинг икки хил ёзиладиган, икки хил ёзилиши қоидалаштирилган орфографик вариантлари бўлади. Бироқ улар ўнлаб, жуда кўп бўлса бир неча юз бўлади. Аммо фақат минглаб қўшма сўзларнинг ҳам сўз сифатида қўшиб, ҳам сўз бирикмаси сифатида ажратиб – икки хил ёзилишини нормал бир ҳодиса деб бўлмайди. Бу факт имло луғатларини, айниқса, қўшма сўзлар имлосини такомиллаштириш ғоят муҳим вазифалардан бири эканлигини кўрсатади.

## СЌЗ ВАРИАНТЛАРИНИНГ ЛЕКСИК ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯСИ

Дифференциация тилнинг барча сатҳларида, чунончи фонема, сўз, сўз бирикмаси, гаплар, диалектлар, ҳатто турли тиллар доирасида ҳам содир бўлади. Тилшуносликда; айниқса, рус тилшунослигида семантик<sup>54</sup>, грамматик<sup>55</sup>, фонетик<sup>56</sup>, лексик маънодаги<sup>57</sup>, стилистик<sup>58</sup> ҳамда социал<sup>59</sup> дифференциациялар бўйича кўплаб тадқиқотлар юзага келган.

<sup>54</sup> Ершова И.А. Семантическая дифференциация древнегерманских существительных // Вестник Московского ун-та. №3, 1969; Ершова Н.А. Морфологическая и семантическая дифференциация общегерманских имен существительных и специфика скандинавского ареала. // Вестник Московского ун-та, №1, 1975.

<sup>55</sup> Полянова А.В. Дифференцирование сходного грамматического материала в зависимости от условий обучения. // Психология применения знаний к решению учебных задач. М.: Изд-во АПН РСФСР, 1958. С. 316-360; Орлова А.М. Дифференцирование учащихся сходного синтаксического материала. // Усвоение синтаксических понятий учащимися. Изд-во АПН РСФСР. М., 1961. С. 152-213; Попова З.Д. Грамматического средства дифференциации функциональных стилей современного русского языка. Днепропетровск, 1982. С. 3-7.

<sup>56</sup> Бондарко Л.В. Слоговая структура речи и дифференциальные признаки фонем. Автореферат докторской диссертации, Л., 1962; Постовалова В.И. О сочетаемости дифференциальных признаков согласных фонем современного русского языка. // Проблемы лингвистического анализа. М.: Изд-во «Наука», 1966. С. 34-46; Ластовка С.З. Об опознавательной и дифференцирующей функциях фонемы. АҚД, Л., 1978.

<sup>57</sup> Кузнецова О.Д. Дифференциация лексических значений в диалектной лексикографии. // Вопросы семантики, Сборник научных трудов Калининградский гос. ун-т., Калининград, 1983. С. 104-108.

<sup>58</sup> Ахманова О.С. О стилистической дифференциации слов. // Сборник статей по языкознанию. Изд-во МГУ, 1958; Петровский В.И. О стилистической дифференциации лексики современного русского языка. Изд-во Львовского университета, 1959; Юнусалиев Р.М. О стилистической дифференциации киргизского литературного языка. // Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР. Ашхабад: изд-во «Ильм», 1969; Семенов И.Н. Из истории функционально-стилистических дифференциаций немецкого литературного языка. М.: «Наука», 1972.

<sup>59</sup> Социальная и функциональная дифференциация литературных языков. М.: «Наука», 1977; Колбасова Т.П. К вопросу о социально-профессиональной дифференциации языка. // На материале современной общевойсеной терминологии русского языка. АҚД, М., 1976.

Маълумки, жамиятнинг умумий тараққиёти, жумладан, фан ва техниканинг ривожланиши натижасида янги тушунчалар пайдо бўлади. Бу тушунчалар тилда ўз аксини топиши керак. Янги маъноларни ифодалаш учун кишилар, аввало, шу тилда мавжуд бўлган сўзлардан фойдаланадилар. Бунда сўзлар ўзи ифодалаган ва янги пайдо бўлган предмет ёки тушунчаларнинг ўзаро ўхшашлигига ёки функциядошлигига қараб, метафора, метонимия, синекдоха каби усуллар билан янги маънода қўлланади. Шу тарзда сўзлар кўп маъноли бўлиб қолади.

Агар янги тушунчаларни ифодалашда шу тилдаги мавжуд сўзлардан уларнинг шаклини ўзгартирмаган ҳолда фойдалана берилса, барча сўзлар кўп маъноли, баъзиларнинг маънолари ғоят чексиз бўлиб, ўзаро фикр алмашиш қийинлашар эди.

Фактлар кишиларнинг бир сўз билан ифодаланган турлича маъно (тушунча)ларни шу сўзнинг бошқача шакли билан ёки маъно жиҳатдан яқин бўлган бошқа сўз билан ифодалашга интилиши узлуксиз, доимий жараён эканини кўрсатади.

Бу бобда сўз вариантларининг фақат шаклан эмас, балки маъно жиҳатдан ҳам ўзаро фарқлана бориб, алоҳида сўзларга айланиб кетиш ҳодисаси ўрганилади.

Асосий масалага ўтишдан олдин кишиларнинг нарса ва тушунчаларни бир-биридан фарқланадиган алоҳида сўзлар билан аташга интилиши ҳақида тўхтаб ўтиш лозим бўлади.

Маълумки, бир сўзнинг кўп маънода ишлатилиши ёки кўп маъноли (полисемантик) бўлиши, шунингдек, турли нарсаларнинг бир сўз билан ёки ўхшаш сўзлар билан (талаффузи ўхшаш – омофонлар эгарла-эгалла ёки ёзуви ўхшаш – омографлар ток-ток билан) аталиши кўпинча англашилмовчиликка сабаб бўлади. Масалан, Менга унинг оти ёқмади, деб айтилса, гап нима ҳақида (миниладиган ҳайвон ҳақидами ёки кишининг исми ҳақидами) эканлиги англашилмайди. Ана шундай англашилмовчилик юз бермаслиги учун ота-боболаримиз араб тилидан исм, форс тилидан ном сўзини қабул қилганлар. Бошқа мисол. «Бу уйда ток йўқ» деган ёзувни ўқиган киши ҳам гап нима ҳақида

эканини билиши гумон. Шу ёзувни ёзган киши ток сўзини кўзда тутган маънога мослаб ўқиб берганда (талаффуз қилганда)гина гап узум ёки электр энергияси ҳақида эканлигини англаши мумкин. Сўнги мисол нутқнинг аниқ бўлиши фақат сўзларнинг эмас, балки айрим товушларнинг ҳам бир-биридан фарқли қилиб ишлатиш лозимлигини кўрсатади.

Кишилар нутқнинг аниқ бўлишини таъминлаш учун ўз нутқларида омонимлардан бирининг бошқачароқ талаффуз қилинишидан фойдаланадилар. Маълумки, «**толочь, очищать, тереть**» маъноларидаги туймоқ билан «сезмоқ» маъносидаги туймоқ шакли ва талаффузи бир хил бўлган омоним феъллардир, табиийки, уларнинг нисбатлари ҳам бир хил бўлади. Аммо сўнги сўзни биринчисидан фарқлаш, гап «сезиш» маъноси ҳақида бораётганини аниқ билдириш учун баъзилар уни туйилмоқ «янчилмоқ» шаклида эмас, балки туюлмоқ, яъни иккинчи бўғинни й+у шаклида ишлатадилар: ... *хунук туюлиб кетди.* (Ҳаким Назир, Сўнмас чақмоқлар, ...) Имло луғатида (1976) кишиларнинг ана шу интилиши акс эттирилган «майдалаш», «янчиш» (толчения) маъносидаги туйиш (туйилиш) сўздан фарқланиб, «сезиш» маъносидаги сўз туюш шаклида тавсия қилинган.

Баъзан кишилар илиқ муомала иборасидаги биринчи сўзни конкрет маънодаги отлар билан «совий» бошлаган маъносида ишлатганда илимилиқ шаклида кўллайдилар: илимилиқ чой, илимилиқ шўрва каби.

Бундай ўринларда сўзнинг диалектал вариантдан фойдаланиш ҳам кўп учрайди. Масалан, чалмоқ сўзи луғатларда: *мусиқа асбобида куй ижро этмоқ, бирор йўсинда сигнал, керакли садо чиқармоқ* (кўнғироқ чалмоқ, хуштак чалмоқ); *кимсанинг оёғига ўз оёғини уриб йиқитмоқ; қормоқ, аралаштирмоқ, чала иш қилмоқ* каби маъноларда қўлланалади. Ана шу маънолардан бир ва иккинчисини бошқалардан фарқлаш учун Фарғона водийсида чолмоқ сўзи ишлатилади.

Тилда ёки унинг бирор шеvasида мавжуд бўлган сўзларда, тил бойлигидан унумли фойдаланиш нутқнинг аниқ



бўлиши учун хизмат қилади. Олтмишинчи йилларгача ўзбек тилида русча сквозняк сўзи муқобилида алоҳида сўз йўқ эди. Бу маънода шамол, шабада, гур-гур шамол каби сўзлар билан ифодаланар эди. Луғатшунос олим С.Зуфаров 1965 йилда Сайрам шеvasида сўнгги маънода елвизак сўзи ишлатилишини аниқлади. «Демак, сквозняк сўзини ноихчам ва ноаниқ тарзда гўриллаган шамол деб аташдан кўра, мазкур қадимги халқ атамаси (елвизак) билан ифодалаш минг чандон яхши эмасми?»<sup>60</sup>. Ҳақиқатан ҳам бу сўз адабий тилга сингиб кетди: *Кўпи кетиб қолди кам, умр – елвизак* (Э.Воҳидов, Келажакка мактуб, 1983, 54-бет). *Бу ёқ ҳам шифти гумбаздек камарга ўхшарди. Адоғи очик бўлса керак, рўпарадан гув-гув елвизак эсади* (Ш.Холмирзаев, Қил кўприк. 1984, 330-бет). Шунингдек, олтмишинчи йилларгача русча прицветник сўзи ўзбек пахтачилик луғатларида *гулёнлиги, гулёнбарг, гулён-япрок, гул кўрғони, гул кўрғонлиги* каби сўзлар билан турлича юритилар эди. Пахтачилик терминлари юзасидан илмий иш олиб борган Н.Маматов Фарғона туманида бу маънода шонабарг сўзи мавжудлигини аниқлади ва пахтачилик луғатларига киритди. Бу сўз ҳам барча луғатларга киритиладиган, кенг қўлланиладиган бўлиб кетди.

Кўп маъноли сўзларнинг бирор маъносини бирор шевада мавжуд бўлган шу маънодаги сўз билан ифодалашга интилиш кўпроқ кўзга ташланади. Масалан, тўп сўзи русча мяч, пушка, куча (груда), группа, стопа каби маъноларда ишлатилади (Қ.ЎРЛ\*-59). Бу сўзнинг биринчи маъносидан Тошкент шеvasида (вилоятида) копток сўзи мавжуд бўлгани учун Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида ҳозир бу маънода копток сўзи қўлланиладиган бўлиб қолди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ошмоқ сўзининг тўққизта маъноси борлиги қайд этилган. 9-маъно кўпмоқ, кўпчимоқ, деб изоҳланган. Бу факт кўпмоқ сўзи диалектал эмаслиги, адабий тил нормасига мослигини кўрсатади. Худди шу маънода кўпмоқ

<sup>60</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 1970, 3-сон. 30-бет.

\*Ўзбекча-русча луғат. М., 1959. 465-бет (Бундан кейин уни ЎРЛ деб юри-та-миз).

сўзи 11 маъноли **оширмоқ** сўзининг шунга боғлиқ бир маъносида **кўптирмоқ** сўзи мавжудлиги мисоллар билан кўрсатилган.

Бу фактлар ҳам кўп маъноли сўзларнинг бирор маъноси ни диалектал сўзга юклаш (худди копток сўзини қўллаш каби) ижобий ҳодиса эканини кўрсатади. Бу маънода ҳам **ошмоқ**, **оширмоқ** сўзларини ишлатиш салбий ҳодиса деб баҳоланмоғи лозим, чунки, бу нутқнинг ноаниқ бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Таққосланг: **хамирни оширди** (кимга?) - **хамирни кўптирди**.

Худди шунингдек, **сузмоқ** сўзи ҳам кўп маънолидир. Изохли луғатда унинг 3 омоним сифатида 7 маънода ишлатилиши кўрсатилган.

Унинг русча **плавать** маънода юзмоқ варианты учрайди. Бирер нарса, масалан, сувнинг сатҳида, юзасида қилинадиган ҳаракатни билдиргани учун бу маънога у **сузмоқ** сўздан кўра кўпроқ мос келади. *Сарҳовузда юзган ғозни урайлик, Қулай келди, энди қуруқ бормайлик* (Ўзбек халқ дostonлари. 1957, 26-бет). *Дарёда юзган қайиқми, Сенинг белбоғинг тугунми, Кўнгилгинанг қурсин, Сен ўзинг менга лойиқми?* (Ўзбек халқ шоирларининг ижоди, Тошкент, 1958, 184-бет.)

Ўзбек тилшунослигида меваларнинг хўл-қуруқлигига кўра турли ном билан аташ ижобий ҳодиса сифатида баҳоланган. Масалан, узумнинг хўли узум, қуритилгани **майиз** деб айtilгани каби, ўрикнинг қуритилгани Тошкент шеваларида бир сўз билан **туршак** дейилади. Бошқа жойларда эса, қуруқ мевалар икки сўздан ташкил топган қўшма сўз билан **ўрикқоқи**, **шафтолиқоқи**, **олмақоқи** тарзида ишлатилади.

Баъзан шу тилда қадимдан мавжуд, асли туркий сўзлар ўрнига ёки ёнига бошқа тилга хос сўзларни ишлатиш ҳодисасига дуч келамиз. Масалан, ўзбек тилида қадимдан **ғўра** сўзи ва ундан ясалган **ғўра** сўзи мавжуд:

*Ўрик бошида ғўра,*

*Қиз бўлсанг рўмол ўра.*

*Бир жойга борар бўлсанг,*

*Куёвтўрангдан сўра.*

(Фольклор).

Шунингдек, хом сўзидан хомак – хамак сўзи ясалган. Аммо сўнги вақтлардаги луғатларда бу сўзлар ўрнида довучча, сагча сўзларини ишлатишга уриниш бор. Бундай «янги», галати сўзлар кўп маъноли сўзлар сўзнинг бирор маъносини енгиллатиш ёки оти йўқ нарсани ифодалаш учун ишлатилса ўринли бўлар эди. Аммо шу тилда қадимдан кенг маълум бўлган, келиб чиқиши аниқ (таг-тугли) бўлган сўзлар ўрнида қўллашга интилиш ўринсиз ҳисобланади.

Баъзан, айниқса, терминологияни тартибга солиш жараёнида бир-бирига ўхшаш, аммо фарқ қилиниши лозим бўлган тушунчаларни алоҳида терминлар билан аташ учун тилда мавжуд бўлган бир сўзни турли шаклларда ишлатиш, масалан, унга фарқловчи қўшимчалар қўшишга тўғри келади. Масалан, ўзбек тилида илгари русча лотос, кувшинка, кубышка терминларига мос келадиган терминлар мавжуд бўлмаган; бу сув гулларини умумий равишда ифодалайдиган нилуфар сўзигина мавжуд бўлган. Русча терминларни (бу терминлар билан аталадиган сув гулларининг ҳар бир турини) алоҳида номлар билан аташ лозим бўлганидан ўзбек ботаниклари нилуфар сўзини лотос маъносида қолдириб, кувшинка маъносида нилфия, кубышка муқобилида эса нуфар сўзини тавсия қилдилар. Бу нарсани кишиларнинг нарсани ва тушунчаларни бир-биридан фарқлаб аташга, нутқнинг, айниқса, илмий услубнинг аниқ бўлишига интилишларига (тилдаги дифференциация тенденцияларига) мос келгани учун ботаника терминологиясида қабул қилинди<sup>61</sup>. Бундай ҳодиса бошқа тилларда, масалан, рус тилида ҳам учрайди: гага – Somateria, гагара – Usarial, гагарка – Alcatorda<sup>62</sup>.

Бир бадиий асарда фақат катталар эмас, балки ёш болалар ҳам бир сўзнинг турли вариантларини ёки бир маънодаги синонимларни бир-биридан фарқли маъноларда ишлатишга интилишлари акс эттирилган. Масалан: *4 етимни сақлаб ўстирган онаси*

<sup>61</sup> Зокиров Қ.З., Жамолхонова Х.А. Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат. 1 том. Тошкент, 1973.

<sup>62</sup> Золидов Т.З. Зоология энциклопедияси. Қушлар. Тошкент, 1957.

*Покиза ая ҳақида унинг ўғли бундай деди: Хуллас, энамнинг онадан (етимларнинг ўз онасидан дейилмоқчи. Р.Ш.) аъло қилиб ўстирган фарзандлари қаёқда. (Дадахон Нурий. Осмоң устуни. 1979, 45-бет).*

Куйидаги мисолда боланинг «ота ё онасининг онаси» маъносига буви ва ача сўзларини феъл-атвори турлича бўлган кишиларга нисбатан ишлатишга интилиш акс этган: *(Умида қишлоқдаги бувисига:) – Сизни «ача» деб чақирсам, майлими? – Майли, шундай деяқол. (Бола шаҳардаги баджаҳл бувиси Пошшо холани кўз олдига келтириб:) – Энди (сизни) «буви» деб чақирмайман. Бувилар ёмон бўлар экан (Ўша китоб, 193-бет).*

Бундай мисоллар кишиларнинг бир-биридан бирмунча фарқ қиладиган тушунчаларни алоҳида ифодалаш учун сўз вариантларидан ва синонимлардан фойдаланишга интилишлари мавжуд эканлигини яққол кўрсатади. Бундай интилиш кўпинча интилишлигича қолаверса-да, аммо шундан интилиш натижасида кўп маъноли сўзларнинг бирор маъносида ёки шу тилда ҳали номи йўқ тушунчаларни ифодалашда адабий тилдаги сўзнинг бирор вариантыни, кўпинча, диалектал вариантларини ёки синонимларини қўллаш адабий тил нормасига кўтарилиши мумкин: елвизак, копток, шонабарг, кўпмок, нилфия, нуфар, ача каби. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, ёзлик (ёзда кийиладиган ёки ишлатиладиган) сўзи келиб чиқиши жиҳатидан қозоқ ёки қирғизча жазлик сўзидан фарқ қилмайди. Аммо ўзбекча ёзликдан фарқлаб от жабдуғи (отга ёзда ёпиладиган енгил ёпинчок) маъносида ана шу жазлик сўзи қабул қилинган.

Турли нарса ва тушунчаларни фарқлаб аташ учун кишилар фақат диалектал сўзлардан эмас, балки бошқа тил элементларидан, кўпинча, ўзлаштирилган сўзлардан ҳам фойдаланадилар. Масалан, 30-йилларда ўзбек сўзлашув тилида нон заводда тайёрланган нон (бўлка)ни тандирда ёпилган нондан фарқлаб, бўлканон дейиш, ёғ заводда тайёрланган ўсимлик (кўпинча чигит) мойини жувозда чиқарилган ва қозонда эритилган ёғдан фарқлаб маслаёғ дейиш, заводда тортилган урни



мукаун, энг тозасини (аъло навини) синкаун дейиш тарқалган эди. Бундай номлаш ҳозир ҳам учраб туради: - *Келинимга тил текизманг, қизариб қоласиз, келиним сизга ўхшаб: берсанг ейман, урсанг ўламан деб бўлка нондек бўкиб ўтиргани йўк, ишланг!* (С.Аҳмад. Қадрдон далалар. 1959, 184-бет). Кейинги вақтларда, айниқса, Тошкентда кўп квартиралли, кўп қаватли уйларни анъанавий уй-ҳовлидан фарқлаб дом деб аташ ҳам учрайди.

Шу халқда азалдан мавжуд бўлган нарсалардан бирор жиҳатдан фарқ қиладиган янги ва бошқа халқдан ўтган нарсаларни, хизмати-функцияси бўйича бир бўлишига қарамасдан, мавжуд сўзларни фарқлаб аташ ҳодисаси ҳам кенг тарқалган. Масалан, сиёҳга ботириб хат ёзиладиган қурол илгари калта кесилган қамишдан ёки савағичдан қилингани учун қалам деб келинган.

Кейинча перо билан ёзиш расм бўлгач, бу қуролни аввал пўстқалам деб, кейин эса перони сопи билан кўшиб ручка деб аталадиган бўлди. (Қозоқ тилида ручканинг перосиз қисми қаламсап деб аталадики, бу ҳам нарсаларни бир-биридан фарқлаб, аниқроқ аташга интилиш натижаси деб баҳоланмоғи керак.) Бундай интилиш сиёҳга ботириб ёзиладиган қалам ва ручкадан фарқли равишда ўзидан сиёҳ чиқариб ёзадиган қуролни аташ учун рус тилидан авторучка сўзини қабул қилишга олиб келди. Ҳозир қалам сўзи асосан графит билан (сиёҳсиз) ёзадиган қурол русча карандаш маъносига ишлатиладиган бўлиб қолди. Аслида карандаш сўзи графит маъносидаги қоратош сўзидан келиб чиққан.

Хизмати (функцияси)га кўра кўрпа, лаган-мислаган (баркаш) рўзғор буюмларидан фарқ қилмайдиган, аммо муайян жиҳатлари билан фарқ қиладиган янги хил буюмларни аташ учун адёл (одеяло), патнис (поднос) сўзларнинг қабул қилиниши ҳам нарсаларни бир-биридан фарқлаб аташга, нутқнинг аниқ бўлишига хизмат қилади.

Бу мисоллардан нутқнинг аниқ бўлишида, ўзаро фикр алмашувнинг раво бўлишида бошқа тиллардан керакли сўзлар қабул қилиш катта аҳамиятга эга эканлиги ҳам ойдинлашади.

Асли бир хил бўлган баъзи сўзлар гоҳо икки томондан, икки халқдан икки хил шакл ва икки хил маънода қабул қилинади. Масалан, илгари арабча ва форс-тожикча адабиёт орқали ўзбек тилига харита сўзи кириб келди, у XX аср бош-

ларида (то 30-йилларгача) географик термин сифатида кенг қўлланди. Кейинча бу маънода рус тилидан қабул қилинган, айти шу харита сўзининг Ғарбий Европача шакли бўлган карта сўзи қўллана бошлади. Сўнгги сўз ўзбек тилида бир неча маънода кенг қўлланиб, карта шаклида ҳам ишлатила бошланди. Ер юзининг тасвири маъносидаги карта сўзининг ўзбек тилида юзага келган варианты – карта сўзи сўзлашув нутқида бўлган ер (биринчи карта, катта картадаги экинлар) ҳамда ўйналадиган майда қалин ҳол-ҳол қоғозлар маъносида кўп ишлатилади. Бу ҳол, кўп маъноли карта сўзининг айрим маъноларида, айниқса, ўйин қоғози (қоғоз ўйин) маъносида карта варианты қўллашга интилиш мавжудлигини кўрсатади.

Форс-тожик адабиёти таъсирида ўқ маъносидаги тийр сўзи ўзбек бадий адабиётида қўлланиб келинган: *Ва тийрки...* ўқ маъноси биладур (Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, III том). Рус тилидан тир шаклида «отиш машк қилинадиган жой» маъносида қабул қилинган сўз ҳам бор. Бу мисоллар тилда пайдо бўлган нарса ва ҳодисаларни бири-биридан фарқлашда турли тиллар орқали ўтган турлича сўзлардан (асли вариантларидан) фойдаланиш ҳодисаси мавжудлигини кўрсатади.

Нарсаларни фарқлаб аташ учун бир сўзнинг турли шакли – вариантларидан фойдаланиш оғзаки адабиёт (фольклор) намуналарида, маҳаллий шоир ва ёзувчиларнинг ижодларида кўпроқ акс этади. Адабий тилдаги тараф сўзининг тарап шаклида душман маъносида ишлатилишига мисоллар учрайди:

*Ҳозир менга қалмоқ бўлгандир тарап.*

(«Алпомиш» достонидан.)

*Қашшоқларга бойлар кўп тарап бўлди.*

(Ўзбек фольклори. II том, 33-бет.)

Тараф сўзининг тарап шаклида бошқа (ёв) маъносида қўллаш қадимги уруш одати – рақибларнинг икки томонда саф тортиб ўртада жанг қилиши даврига алоқадор бўлса керак.

Камиш агар пўпакласа, эл бўрё қилур деган мисра бор. Бунда пўпак сўзининг ўсимлик учидан чиқадиган тўп гули (русча соцветие) маъносида, умуман, ҳилпираб турадиган гултож ёки безак маъносида ишлатилганлиги кўринадди. Ҳолбуки,

изоҳли луғатда бу сўзнинг бундай маъноси берилмаган. Унда пўпак сўзи диалектал сўз ҳисобланиб, попук I сўзига ҳавола қилинган: Попук II. Нарсаларга безак учун тақиладиган бир боғлам тола, пат, ип ва ш.к. Дўппи попути деб изоҳланган.

Ҳозир ҳазил шаклида, русча шутка маъносида юритиладиган сўзнинг асли шакли бўлмиш ҳазл вариантыни Абдурашид Абдуғофуров «Навойи сатираси» номли асарида юмор сўзи маъносида қўллаган.<sup>63</sup>

Гулчехра Жўраева ўзининг дастлаки шеърларидан бирида бўлишмоқ сўзини бўлашмоқ вариантыни «бошқа билан баҳам кўрмоқ» маъносида ишлатган: Шодлигимни бўлашгин, юракдошим, дилгинам. (газетадан). Бўлишмоқ сўзи изоҳли луғатда 3 омоним шаклида 6 маънода келиши кўрсатилган. Шоира шу кўп маъноли сўзнинг битта маъносини, III омонимнинг II маъносини бошқалардан фарқлаб, алоҳида сўз билан аташга интилган.

Ганс Христиан Андерсоннинг ҳикояларини ўзбек тилига ўгирган таржимон (Сотиболди Йўлдошев) бир суратли қоғозни жангчи-солдат сўзидан фарқлаб саллот деб атаган: «Шоҳлар, мотқалар ва саллотлар» (сарлавҳа). («Олтин бола» тўплами, 315-бет)

Ўзбек тили изоҳли луғатида тараддуд сўзини «бирор иш қилиш учун уриниш, ҳаракат» ҳамда «қатъиятсизлик, иккиланиш» маъноларида келиши, Ўзбекча-русча луғатда (1959) 3 маъноси кўрсатилган. Ўзбек сўзлашув нутқида бу сўзнинг тарадду ва тарадди вариантлари ҳам мавжуд бўлиб, у бирор иш қилиш учун тайёрланиш (приготовление) маъносида ишлатилади. *Кампир уни (Норматни) кузатиш тараддуси билан тун бўйи ухлагани йўқ* (И.Раҳим. «Чин муҳаббат», 1958, 3-бет). *Сап номарддан сарбоз олгин, машқ бериб тарадди қилсин* («Ҳасанхон» достони, 1976, 146-бет).

Хасм I, хасм II омонимлардан бири, яъни, «душман» маъносида камроқ ишлатиладигани фольклорда хасим шаклида келиши қайд этилган.

*Кўнглимда кенг (кўп?) эди менинг ҳавасим, Қариндошинг бўлди бизларга хасим.* («Гўрўғли» достонидан).

Ҳамза Ҳакимзода асарларида ўтган йил маъносида узоқ йил бирикмаси ишлатилган: *Поччамиз узоқ йил судга икки сўм*

<sup>63</sup> Абдуғофуров А. Алишер Навойи сатираси Тошкент: «Фан», 1966. 5-бет.

бериб, закон ўрганиб келди<sup>64</sup>. Сўнги йилларда бу ибора узоқ йили шаклида кўп учрайди: *Тошматов билан узоқ йили ... кўришган эдим. (Ҳаким Назир, Кўктерак, 14-бет)*. Бу мисолда кўпинча масофа маъносида келадиган узоқ сўздан фарқлаб, замон маъносида ўзоқ варианты ишлатилган бўлса керак.

**Озиқ** (овқат) сўзини емиш ва ем-хашак маъносида озиқа ёки озуқа шаклида ишлатиш ҳоллари ҳам тез-тез учрайди.

Бирор жиҳатдан фарқланувчи нарса ё тушунчаларни бири-биридан фарқлашга интилиш ўринли, асосли бўлган ҳолларда асосий сўз билан бирга унинг варианты ҳам алоҳида сўз сифатида ўзлашиб кетади (Бу ҳақда кейинча тўхтаймиз).

Аммо тилда бир нарса ё тушунчани ўринсиз, эҳтиёжсиз, бошқа бир сўз билан ифодалаш ҳодисалари ҳам борки, бунинг натижасида тил (луғат состави) бойимайди, балки кераксиз синонимлар кўпайиб, фикр алмашувни қийинлаштириши, чалғитиши мумкин. Масалан, гилоснинг бир нави тўқ жигарранг бўлади. Шунинг учун бу маънода гилосранг (таққосланг: ҳаворанг), гилосрангли ипак, гилос сатин деб айтса бўлади. Бу ўринда гилос сўзини гўлос (ипак) шаклида (бузиб) ишлатишга эҳтиёж сезилмайди. Бу мисолда янги маъно ифодалангани, янги сўз сўз пайдо бўлгани йўқ. Бу ҳол изоҳли луғатда ҳам акс эттирилган. Бу мисолни мажруҳ сўзининг мажриқ (2 томли РЎЛ) ва майриқ (5 томли РЎЛ) шаклларида ишлатилганлиги билан таққосланса, кейинги мисол асосли эканлиги билинади. Жуда хунук маъносидаги русча урод сўзининг эквивалент сифатда мажруҳ сўзининг юқоридаги вариантлари ишлатилган, чунки, мажруҳ сўзи одатда «яраланган» ва «инвалид, майиб» маъноларида бўлиб, урод маъносида ишлатилмайди.

Бўлажак куёв маъносида қайлиқ сўзининг ишлатилишини ҳам (худди гилос ўрнига гўлос дейилгани каби) ўринли деб бўлмайди: *Ғалаба деб келинлар қайлиқларига зафар тилаб, фронтга узатди.* (Н.Сафаров. оловли излар, 1956, 255-бет). Қайлиқ сўзи келин маъносида ҳам ишлатилади: *Фақат урф-одатни бузмаслик учун куёв билан қайлиқ орасида беш-олти чақиримлик масофа қолдирилиб, икки тўп бўлиб бормокда эдилар.* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар, 1979, 149-бет). Қайлиқ сўзининг варианты қаллиқ (қаллиғ) сўзи ҳам ана шундай аралаш

<sup>64</sup>Ҳамза. Танланган асарлар. 4-том. Тошкент, 1989. 113-бет.



қўлланилади: *Курсларида қизлар оз, йигитлар кўплигидан боши айланиб, келажаги энг умидли кўринган йигитга тегмоқчи бўлиб, уйдагилар билан маслаҳатлашиб, қаллиқ танлаётган киз экан* (П.Кодиров. Уч илдиш, 1958, 139-бет). *Кенжа ботирни зиндонга солдилар. Кенжа ботирнинг қаллиғи жуда хаёфа бўлди.* (Ўзбек халқ эртаклари. Тошкент, 1960, 123-бет).

Ўзбек тилида севишган ёки унаштирилган ёшларни асосан куёв-қаллиқ дейилади. Қаллиқ сўзи қалинлик, яъни қалини бериб (тўлаб), унаштириб «бошини боғлаб» қўйилган деган сўздан келиб чиққан бўлиши мумкин. Қайлиқ сўзи эса ана шу қаллиқ сўзининг бузуқ вариантыдир. Йигитга нисбатан уни ифодаловчи куёв сўзи мавжуд бўлгани ҳолда уни яна қайлиқ ёки қаллиқ деб аташ мутлақо ортиқча: бу чалқашлик русча жених маъносида куёв сўзини ишлатиш мумкинлигини билмаслик оқибатида юз берган бўлиши мумкин.

Ўзбекча-русча луғатда (1959) *чакамуғ* сўзи «лопох, репейник, подморенник цепкий» маъносида берилган. М. Набиев бундан фарқли равишда русча Тургеневия широколистная ўсимлигини *чакамиғ* шаклида, ундан «лопох, репейник» сўзлари маъносидаги *чакамуғ* сўздан фарқлаб, *подмаренник цепкий* маъносида бу сўзнинг *чакамиқ* вариантыни ишлатган<sup>65</sup>.

Бўрон сўзи форс-тожик тилларидаги *ёмғир* маъносидаги *борон* сўзига уйқаш. *Борон* сўзи асл маъносида жуда кам ишлатилади: *Умрингни баҳорида муҳаббатни суғоргил, Кўзмардумининг гияи барони ғанимат* (Ўзбек шоирлари. Тошкент, 1959, 65-бет). *Сочмоқда у борон ила жонбахш зиёлар, ичмоқда бу қона.* (Э.Воҳидов. Шарқий қирғоқ. «Ёш гвардия», 1981 25-бет).

Бу маънони билган кишилар ўзбек тилида «тўзон ва қор-ёмғир аралаш эсан шиддатли шамол» маъносидаги *бўрон* сўздан фарқлаб *кўпичча ўқбўрон, тошбўрон* шаклида ишлатиладиган ибораларни *ўқборон, тошборон* тарзида ишлатишга интиладилар. Ёзувчи С.Сиёев шундай хотирлайди: «Мен унинг «Тошбўрон қилдилар, урдилар мени» иборасини ўқиганимда у (Миртемир) дарҳол тайинлади: - «Тошборон» деб ёз, тошборон дегани тош ёмғирлардай ёғади дегани. Бировлар тошбўрон деб нотўғри ёзади» (Саъдулла Сиёев. Бир шеър тарихи. «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1971 йил, 6 август).

<sup>65</sup> Набиев М. Ботаника атлас – луғати. Тошкент, 1969.

Чиндан ҳам тошбўрон, ўқбўрон, «45 кун» романидаги ноқбурон шаклидаги сўзларнинг сўнгги компонентининг шиддатли шамолга сира алоқаси йўқ. Улар машхур шоир Миртемир тавсияси бўйича юритилса, маъно, бинобарин нутқ аниқроқ ифодаланган бўлади.

Кўп маъноли айнимоқ сўзининг РЎЛдаги 6-маъноси (беҳаё сўзларни ишлатмоқ маъносида) бу сўзнинг айнамоқ вариантыни ишлатиш, айнимоқ феълидан ясалган айнима, айнимачи сўзларини айнама, айнамачи тарзида ишлатиш ҳам маъноларни фарқлаб ифодалашга уриниш деб баҳоланиши керак.

Учига, пишиқ каби сўзлардаги ч, ш каби товушларни жуфтлаб учига чиққан бахил, у ўз ишига жуда пишиқ тарзида талаффуз қилиш ҳам маънони таъкидлаб, бошқа сўзлардан фарқлаб, тингловчига аниқроқ етказишга уруниш туфайли юз беради.

Сўзларни бундай ижобий, яъни ўринли ва асосли фарқлашга уриниш билан бир қаторда, сўзларнинг маъносида сира фарқ бўлмаган ҳолда, ёки шу маънода қадимдан муайян сўзлар бор бўлган ҳолда бошқа шаклларда ишлатишга уриниш ҳоллари ҳам кўплаб учрайди. Масалан, русча олово маъносида қадимдан қалай (шундан қалайламоқ) сўзи ишлатилиб келинади. Шундай эканлиги 5 томли русча-ўзбекча луғатда «олово - қалай» мисолида тўғри кўрсатилган. Кейинги вақтларда луғатларда бу сўзни қанақа, қандай маъносидаги қалай сўзидан фарқлаб қалайи шаклида ишлатиш ҳоллари учрайди. Бунда қалай бир томондан қандай маънодаги қалайдан фарқланса ҳам, иккинчи томондан у эгалик аффиксини олган қалай сўзига ўхшаб қолади. Тилда бундай сўз йўқлиги ҳамма луғатларда паять маъносида қалайламоқ шаклида берилганидан кўриниб туради.

Агар олово ўзбек тилида қалайи дейилганда, ундан ясалган сўз қалайиламоқ бўлар эди. Лекин ҳеч ким бундай талаффуз қилмайди.

РЎЛда идишнинг қалайи кўчибди мисоли берилган. Бунда охирги и нинг эгалик қўшимчаси эканлиги ҳам кўриниб туради. Агар бу и шу отнинг таркибий қисми бўлганда эди, у идишнинг қалайиси тарзида келар эди (Салиманинг ойиси ўрнига Салиманинг ойи деб бўлмаганидек).

Агар қалайи шакли қалай отидан ясалган сифат маъносида қўлланганда ҳам уни асослаш мумкин бўлар эди: Ироқ –

ироқи совун, араб – араби от каби. Аммо қалайи шаклида сифат ҳам йўқ. Демак, қалай I, қалай II омонимларини шаклан фарклашга интилиш натижа бермайди.

Ўзбек тилида майиз (қуритилган) узумлар, мағиз (данак, бодом, ёнғоқ кабиларнинг ичида) сўзлари мавжуд, аммо баъзи асарларда улардан фарқли равишда мағиз сўзини ишлатиш ҳоллари учрайди. Бу ҳол маънони фарклаш, нутқнинг аниқ бўлиши учун эмас, балки ноаниқ бўлишига сабаб бўлади. Масалан, 2 кило мағиз олдим гапидан нимани тушуниш мумкин: майиз олдимми? мағиз олдимми? Майиз ва мағиздан фаркланадиган шу хилдаги учинчи бир нарса тушунча йўқ.

Ўзбек классик адабиётида афсонавий бир отнинг номи сифатида **буроқ** – **бирок** вариантлари ишлатилган. Бу сўз фольклорда **пироқ** шаклида энг чопқир (учар) от маъносида ишлатилади: *Асли зотинг сенинг пироқ ... Келгин юганга сен тезроқ* («Нигор ва Замон» достони). *Эшон чоптириб пироқ отти, Кун тушлиқда Майманаққа етти...* (Ислом шоир. «Зулфизар билан Авазхон» достони).

Шунингдек, қирғий русча ястреб маъносида қийғир, кемирмоқ сўзига алоқали кемик ўрнида бузук шакли кўмик, манзил сўзини мазгил шаклида қўллаш ўзбек тилида қадимдан мавжуд сўзларни ўз ўрнида ишлатмаслик оқибатидадир: *Мазгилларни, енгиб ўтади, Паровознинг пўлат нафаси, Уни энди кутиб олади, Қизилтепа станцияси.* (М.Шайхзода. Чорак аср девони, 1958, 25-бет). Терламоқдан ясалган терчиламоқ сўзи ўрнида терчирамоқ сўзини қўллаш ҳам шундай: *Мирвосилнинг ... пешонаси кечки салқинга қарамасдан, терчираб турар эди* (Ҳаким Назир. Одамнинг қадри. Баҳор нафаси. 1958, 51-бет).

1959 йилги Ўзбекча-русча луғатда қовға ситник, кўға – пуга (сухой камыш) дейилган. Биринчи қарашда ўзбек тилида қадимдан мавжуд бўлган кўға сўзини икки шаклда икки ўхшаш нарсаларни фарклаш учун ишлатилгандек кўринади. Аслида эса бунинг акси-тушунчалари қориштирилган. Кўға қамиш эмас. Қамишнинг ҳўли ҳам, қуруғи ҳам қамиш дейилади. Қамиш бўғим-бўғим бўлиб тик ўсади. Кўға пояси қамишникидек қаттиқ ва бўғим-бўғим бўлмайди, унинг поя остидан ўсиб чиққан қалин, ғовак узун барглари бўлиб, етилганда қайрилиброқ туради. Барглар ўртасидан бир дона бўғимсиз

қамишсимон поя ўсиб чиқиб, учи қамишникидек пўпак (тунгул) ҳосил бўлади. Унинг узун, қалин, пишиқ барглари кўпинча қирқма қовунларни боғлаб осиб қўйиш учун ишлатилади. У русча ситник сўзига тўғри келади: «травянистое растения с метельчатым или кистевидным соцветием».

Демак, қовға сўзининг ситник деб айтилиши хато. Иккинчидан, қовға сўзи пақирсимон катта ёғоч челақ маъносида ишлатилади: *Қудуқнинг фарғарасига ўралган йўғон арқоннинг бир учига боғланган икки маша (мешкоб) сув сиғадиган қовға ва иккинчи учига боғланган ... туя бу қудуқнинг насоси саналар эди.* (С.Айний. Қуллар. 1952, 6-бет). Демак, бу уриниш ҳам ўзи азалдан фарқланиб келган нарсаларни (уларни билмаслик, суриштирмаслик оқибатида) қориштиришдан бошқа нарса эмас.

Баъзан бир маънони фарқлаш учун мавжуд сўзнинг вариантыни қўллаш шу тилда мавжуд бўлган бошқа сўз билан омоним ҳосил қилади. Масалан, бир асарда озод (свободный) сўзининг жонли тилдаги варианты азот сўзини «бирдан, даст, шартта» каби маънода азот кўтарди каби ибораларда ишлатиш маъқуллиги қайд этилган.<sup>66</sup> Бир жиҳатдан озод сўзидан фарқлангани яхши, аммо энди кимёвий термин азот сўзи билан омоним бўлиб, яна фикрнинг аниқлигини таъминлай олмайди: азот кўтарди: қопланган азотни кўтардим ёки бирор нарсани даст кўтардим. Модомики тилда бу маънони ифодалаш учун даст, шартта каби сўзлар бор экан, бу маънода яна озод сўзининг бузуқ шаклини қўллашга эҳтиёж йўқ.

Янги туққан сигирнинг сути Тошкент томонларда оғиз, Фарғона томонларда увиз сўзи билан омоним ҳосил қилади. Шунинг учун бундай сўзлардан қай бири маъқуллиги ҳақида ҳукм чиқариб бўлмайди. Улардан қайси бири кенг тарқалган, кўп ишлатилган бўлса, ўша биринчи соғилган сут маъносида қўлланиладиган асосий (норматив) сўз ҳисобланаверади.

Аммо кўпгина адабиётларда ва вақтли матбуотларда тарихан дифференциацияланиб келинган сўзлар фарқланмайди. Масалан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1985 йил, 1 февраль сониди (8-бет)

*Сандал очинг, кони фойда*

*Белу оёқ, роҳатланур бундай жойда.*

<sup>66</sup> Маъруфов А. Паронимлар луғати. Тошкент, 1972. 12-бет.



деган мисралар бор. Ота-боболаримиз сандал дарахтнинг бир тури эканлигини билар эдилар. Кишда исиниш учун фойдаланиладиган, авваллари сандал дарахтидан тайёрланган (танча) маъносида сандали сўзи қўлланиб келинган.

*Дўстлар тан роҳати, ороми жондир сандали,  
Барчага марғиби дил, руҳи равондир сандали,*  
(Фурқат, Танланган асарлар, I том, Тошкент, 1960.118-бет)

*Кўчадан келсанг, олур кўйнига, титраб-қалтираб,  
Отау мушфиқ анодин меҳрибондур сандали,*  
(Муқимий, Тошбосма баёз, 95-бет  
Кўқон ўлкани ўрганиш музейи фонди. инв. №2613)

Сўз вариантларининг янги маъноларини фарқлашга интилиш туфайли кўшлаб сўзлар юзага келади ва тан олинади (луғатларга киритилади). Аммо ҳали тан олинмаган, луғатларга кирмаган жуда кўп фарқланиши лозим бўлган сўзлар бор: курт – қурут, тобланмоқ – товланмоқ, сузмоқ – юзмоқ, илик – илк, асил – асл каби.

Кишиларнинг турли (фарқли) маъноларни ифодалаш учун сўз вариантларидан фойдаланишга интилишлари туфайли кўшлаб сўз вариантлари алоҳида сўзларга айланиб кетган ва бу ҳол норматив луғатларда қайд этилиши билан тан олинган. Масалан, озарбайжон тилида (сўзлашув тилида) географик термин харита маъносидаги атлас сўзидан фарқли равишда ипакдан тўқилган мато атлаз деб талаффуз қилинса ҳам, у 50-йилларгача тан олинмас эди, шунинг учун ҳам 1940 йилда Бокуда нашр этилган русча-озарбайжонча луғатда улар фақат бир шаклда (атлас шаклида) омоним қилиб берилган – омонимлик белгиси сифатида 1-атлас бош бўғинида, 2-атлас сўнги бўғинида урғу белгиси берилган. Лекин, 1975 йили босилган имло луғатида улар икки шаклда – талаффузидаги фарқи асосида атлаз (парча) – атлас (харита) деб қайд этилган. Ўзбек тилида бу сўзлар талаффузи урғу билан фарқ қилинади деб фараз қилинади, баъзи луғатларда (масалан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида) бу фарқ мато маъносидаги сўзнинг охириги бўғинига, харита маъносидаги сўзнинг биринчи бўғи-

нига урғу белгисини кўйиш билан кўрсатилган. Амалда эса (сўзлашув тилида) улар одатда фарқ қилинмайди. Шунинг учун ҳам 1976 йилги имло лугатида бирор фарқсиз атлас – атлас шаклидаги омоним тарзида берилган.

Татар тили лугатларида (масалан, татарча-русча лугатда. М., 1966) ўзбекча ҳозир сўзининг татарча хазер шакли русча «сейчас» маъносида, бу сўзнинг азер ва «готовый» маъносида қўлланилиши қайд этилган. С. Н. Муратов бошқирд тилида ўзбекча ҳисоб сўзининг бошқирдча шакли хисап «учёт», исап варианты эса «счет» маъносида қўлланишини кўрсатган<sup>67</sup>.

Турлича талаффуз қилинадиган сўз вариантларининг бири-биридан фарқли турли маънолардаги алоҳида сўзларга айланиб кетишига мисоллар рус тилида кўплаб учрайди. Масалан: **ступень** – зина, нарвон кабиларнинг ҳар бир поғонаси, пояси ёки босқичи; **босқич** – **ступень** – даража; **свет** – ёруғлик, дунё; **цвет** – гул, ранг; **голова** – бош, **глава** – бошлик, боб; немисча Kopf – бош, haupf – бошлик, боб; **колесо** – гилдирак; **кольцо** – ҳалқа, узук.

Сўз вариантларини фарқлашда кўпинча кенг ва тор унлилардан фойдаланиш (храпеть – хуррак отмоқ, хрипеть – хирилламоқ каби) ёки сўз охиридаги юмшатиш белгисини тушириб (қаттиқроқ) талаффуз қилиш ҳоллари кўзга ташланади: **цепь** – занжир, кишан, **цеп** – занжирли тўқмоқ (қўлда бугдэй янчишда ишлатиладиган асбоб).

Бу масалада асосий вариантни белгилаш, яъни рус тилида қайси сўз қайси сўздан келиб чиққанини аниқлаш бизнинг вазифамизга кирмайди. Шундай бўлса-да, кузатиш «деҳқон» маъносидаги «**критьянин** сўзи «христиан динидаги киши» маъносидаги **христианин**, **голова** сўзи **глава** сўзидан келиб чиққанини, **чунки**, **глава** сўзи қадимийроқ эканини кўрсатади. Шунингдек, **овладать** сўзи **владеть** сўзидан келиб чиққан.

**Подваль** сўзи **подполье** сўзидан келиб чиққан, яъни **глава**, **владеть**, **подполье** сўзлари асосий вариант бўлган деб айтиш мумкин. «Уй остига қурилган ертўласимон хона» маъносидаги **подвал** сўзидан олдин бу маънода **подполье** сўзи қўл-

<sup>67</sup> Журн. «Русская речь». М., 1970, №2. С.117.

ланилганига қуйидаги мисол далил бўла олади: *Дочка, спрыгни в подполье, подбери картошки, да хрушкой, некогда с мелкой возиться*<sup>68</sup>.

Русча луғатларга қараб «чўпон» ва «ибодат раҳбарӣ – руҳоний» маъносидаги **пастыр** сўзини немис тилига лотин тилидан ўтган **пастор** сўздан келиб чиққан деб билиш мумкин. **Пастыр** сўзининг русча **пастух** ва **пасты** сўзларига алоқадорлигини ҳисобга олганда, **пастор** сўзи **пастыр** сўздан келиб чиққан деб ўйлаш ҳам мумкин. **Роль** ва **руль** сўзлари бир сўзнинг икки варианты бўлса-да, улар кейинча рус тилида фарқ қила бошлаганини, яъни **роль** сўзи асосан артист ижро этадиган **роль** ҳамда «роль ўйнамоқ – муайян аҳамиятга эга бўлмоқ» маъносидаги **играть роль** каби ибораларда, **руль** сўзи эса фақат **бошқариш** рули маъносида ишлатиладиган бўлиб қолганини кўриш мумкин.

Асли Ҳиндистондан келиб чиққан, аммо ундан узокда, масалан, Америкада яшаб тили, турмуш тарзи ўзгариб кетган халқни русча **индийцы** (бирлиги **индиец**) сўздан фарқлаб, **индейцы** (**идеец**) дейилиши ёки Ҳиндистоннинг индуизм динидаги халқини бошқалардан фарқлаб, **индусы** дейилиши ҳам рус тилида сўз вариантлари алоҳида сўзларга айланиб кетганлигига мисол бўлади.

Бир сўзнинг турли вариантлардан келиб чиқиб, алоҳида сўзларга айланиб кетган кўпгина лексик birlikлар ёки бундай сўзларда юз берган лексик-семантик дифференциация рус тилида эмас, балки улар рус тилига қабул қилинганча бошқа тилларда, асосан, Ғарбий Европа тилларида юз берган бўлиши мумкин. Бундай сўзлардан кўплаб мисол келтирса бўлади. Масалан, **кампания\*** – сайлов кампанияси, ўрим-йиғим кампанияси – **компания** ширкат, шерикчилик; **кафе** – қаҳвахона (кичкина ресторан) – **кофе** қаҳва; **комплекс** (ҳодисалар ёки хусусиятлар йиғиндиси – **комплект** бут, даста,

<sup>68</sup> Муратов С.Н. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. М., 1961. С. 72.

\* *Изоҳлар 1956 йилда А. Абдураҳмонов таҳрири остида Москвада нашр қилинган русча-ўзбекча луғатдан олинди.*

тўшлам, тўда, тўп; папирус (тропик қамиш); папирус рус. ко-  
гоз – папирота папирот; регистр (ёзув машинкасидаги ҳарф ва  
клавишлар қатори) – реестр рўйхат; ферма жамоа сутчилик  
фермаси – фирма (савдо ёки саноат корхонаси); сталагмит  
(ғор ичининг тагида бўлган сумалаксимон оҳак) – сталактит  
(ғор шипидан осилиб тушган сумалаксимон оҳак); негр занжи  
– Нигер (дарё) «Прочертив руслом чetyрех африканских госу-  
дарств (двум из них: Республике Нигер и Нигерии река дала  
своё имя), Нигер широкой дельтой не утомимо поит океан»<sup>69</sup>.

Рус тилида фақат сўзларнинг туб вариантларигина эмас,  
балки аффиксал вариантларини ҳам фарқлаб, алоҳида лексик  
маъноларни ифодалаш ҳодисасига ҳам бир мунча мисоллар  
учрайди. Масалан, рус тилининг 60-йилларгача тузилган лу-  
гатларида, чунончи, 4 томли изоҳли лугатида рекордист ва  
рекордсмен сўзлари фарқ қилинмас эди, яъни «рекордсмен то  
же, что рекордист» дейилар эди. Бу сўзларда лексик диффе-  
ренциация юз берганлиги дастлаб С. И. Ожеговнинг 1973  
йилда босилган лугатида қайд этилди: Рекордист – Домашнее  
животное, которое в отношении каких-нибудь своих качеств  
обладает рекордными показателями. Рекордсмен – Спортсмен,  
установивший рекорд.

Кишиларнинг турли нарсаларни, кўпинча, янги тушунча-  
ни эскирдан фарқлаб аташда сўз вариантларидан фойдала-  
нишлари туфайли ўзбек тилида янги сўзларнинг пайдо бўлиш  
жараёнини куйида батафсилроқ кўриб чиқишга ҳаракат қила-  
миз. Кузатиш кўрсатадики, сўзларнинг турлича вариантлари,  
яъни туб сўз вариантлари, аффиксал сўз вариантлари, ҳатто  
мураккаб сўз, айниқса, кўшма сўз вариантлари ҳам фақат  
шаклан эмас, балки маъно жиҳатдан ҳам аста-секин ўзгара  
бориб, алоҳида сўзларга айланиб кетиши мумкин.

<sup>69</sup> Газета «Известия» от 14 марта 1972 г. стр. 4.



## ТУБ СЎЗ ВАРИАНТЛАРИНИНГ АЛОҲИДА СЎЗЛАРГА АЙЛАНИШИ

(Туб сўз вариантларида юз берадиган  
лексик дифференциация)

Ўзбек тили изоҳли луғатида (1981) илик сўзининг «болдир суяги» маъноси қайд этилган. «Қадимий туркий тил луғати»да эса бу сўз *ilīq* шаклида берилиб, «билак» (кисть руки) маъносида ишлатилганлиги кўрсатилган.<sup>70</sup> Кейинги маъно ўзбекчарусча луғат (1959) да ҳам акс этган: илик II поэт. рука. ДТСда болдир ва билак (кўл-оёқ) суяги маъносидаги *ilīq* сўздан ташқари, худди болдир-билак суяги ичидаги ёғли модда маъносида *ilīq* – *ilīk* (илик) сўз мавжудлиги ҳам қайд этилган.

Демак, қадимий туркий тилдаёқ бир сўзнинг икки варианты икки маънода кўллаш ҳоллари мавжуд бўлган. Тикувчилик терминларини тадқиқ этган М. Асомиддинова Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» (ДЛТ)\* асарида кэдук сўзи «ёпинчиқ ва терлик» (от абзали), кэзук «ёмғирда кийиладиган устки кийим» (ДЛТ, 1-том, 371-бет), кэзут сўзи «уйланиш тўйида куёв ва қелиннинг яқинларига бериладиган кийим» (ДЛТ, 1-том, 51-бет) маъносида ишлатилганлигини келтириб, бундай дейди: «Кўрамызки, ўша даврда кид//каз ўзакларидан ясалган сўзлар маънода дифференциация қилинган»<sup>71</sup>.

ДТСнинг гувоҳлик беришича, қадимий туркий тилда «охир, охирги қисми, орқа», русча «конец, зад» маъносида кет сўзи ишлатилган. Кузатиш ҳозирги шу ДТСда кўрсатилган ва ҳайвонларнинг нажас чиқариш органи маъносида ишлатилган кот сўзи аслида ана шу кет сўзининг бир морфологик варианты бўлган. Кет сўздан ясалган ва ҳозир фақат биринкетин сўзининг охирги компоненти сифатида ишлатиладиган сўз ҳам фонетик жиҳатдан ҳозирги оёқ ва «тугади» маъносидаги одоқ (одоқ бўлди) – адо (адо бўлди «тугади, битди», «ўлди») қадимий туркий тилга оид асарларда, жумладан, ДТС ва ДЛТда русча нога маъносида қайд этилган адақ-абақ

<sup>70</sup> Древнетюркский словарь. Л., 1969. Бундан кейин ДТС деб юртамиз.

\* «Девону луғатит турк» асарини бундан кейин ДЛТ деб юртамиз.

<sup>71</sup> Асомиддинова М. Ўзбек тилида кийим-кечек номлари. Тошкент, 1970. 39-бет.

– абақ) шаклидаги сўздан фонетик ва семантик ўзгаришлар туфайли келиб чиққани кўрсатилади.

Қадимий туркий тилдаги *д, m* говушлари кейинча й говушига айлангани ҳақидаги фактлар *адақ > айақ > оёқ* шаклига ўтиши табиий эканини билдиради. Одоқ – *адоқ* сўзлари фольклорда, бадий адабиётда ҳам кўп ишлатилади. Масалан: *Мазир (маъзур) тутинг, ўртоқжон, Кўшиғим одоқ бўлди* (Фольклор). *Кўл қадоғи бору иш адоғи йўқ. Бизлар ишляап-миз. Бу меҳнат, холос.* (Эркин Воҳидов. «Тирик сайёралар», 15-бет).

Ўзбек классик адабиётида *доғи* – *дағи* сўзи ишлатиб келинган. *Доғи алар яхшию, бизлар ёмон, Эл тамизидин ҳазар эт алъамон* (Муқимий. «Танобчилар»). Бу сўз ҳозир тагин шаклида ишлатилади. Шу билан бирга у озарбайжонча «яна», «ҳам» маъноларидаги «*daña*» ва татарча да сўзлари ҳам фонетик ўзгаришлар туфайли *дағи* тарзидаги сўздан чиқишига асос бўлса керак. Таққосланг: *доғи > дағи > дахи > даха > даҳо* ёки *доғи > дағи > дағ > да* каби.

Ведро маъносидаги *пақир* сўзи мис маъносидаги *бақир* сўзидан келиб чиққан, чунки, биринчи *пақир* ана шу металдан ясалган. *Бақир* сўзининг мис маъносида келиши ўзбек тилининг имло лугати (1976) да қайд этилган.

Кузатиш *туя* сўзи *тепа* ва унинг диалектал варианты *дева* сўзига алоқадорлигини кўрсатади. Масалан, *Дилшод завод саҳнида девалаб (тепа қилиб) ташланган тахталар ... харсангтошлар орасида адашиб қолишдан кўрққандек, бир чеккада анграйиб турарди.* (М.Исмоилий. «Фарғона тонг отгунча»). *Туя* сўзининг келиб чиқиши фикримизга қуйидагича: *тепа-дева > тева > туя*. Ўзбек адабиётида йигирманчи йилларгача, ҳатто, ундан кейин ҳам *туя* сўзи *тева* шаклида ишлатилган. *Қатор теваларнинг сепини ортиб, Мардликнинг юртига етук киз келди* (Ғ. Ғулом).

Баъзан бир сўзнинг турли вариантларидан бир неча сўз юзага келади. Фикримизча, *бой* «боғач», *бек* «князь» озарбайжонча *бей-бай* ва «қабилла бошлиғи» маъносидаги ўзбекча *бий* (таққосланг: «*Бийк Жаргаль*», В.Гюго асари), яна таққосланг: американча *бийк* пут «узун оёқли» (қабилла одамлари) аслида *бийик буюк* сўзидан келиб чиққан кўринади: *бийик > бийк > бий > бей* (озар.) *бай > бэж* (уйғурча) > *бек*.

> бийк > бий > бей (озар.) бай > бэк (уйгурча) > бек. Ўзбекча бой сўзи бей вариантдан ўсиб чиққан бўлиши мумкин.

Хозир чинни шаклида юритиладиган чини (чини коса, чини пиёла) сўзи аслида «Чин (Хитой) мамлакатига хос, Чиндан келтирилган» каби маънолардаги чинни сўзидан, шойи сўзи эса «Шоҳларга (подшоҳларга) хос мато» маъносидаги шохий сўзидан. Яқингача ҳам «5 тийинли пул» маъносида ишлатилган мири (бир мири – 5 тийин, уч мири – 15 тийин) сўзи дастлаб «амирга хос, амир (Бухоро амири) чиқарган» каби маънолардаги мирий сўзининг варианты сифатида майдонга келган. *Ялқовликнинг, анқовликнинг бўлдинг сен пири, Томдан ташлаб югурасан бўлса бир мири. Ялқовликдан, анқовликдан тўнғак айлансин, Савлатингдан ит ғажиган сўнғак айлансин* (Кўкондаги Ҳамза театрининг 30-йиллардаги репертуаридан).

Котиб маъносидаги мирза сўзи «амирнинг ўғли» маъносидаги амирзода > мирзода сўзларидан келиб чиққан мирзо сўзидан шаклан ҳам, маъно жиҳатдан ҳам фарқ қиладиган алоҳида сўзга айланган.

Айрим сифатлар шаклан ва маъно жиҳатдан ўзгариб, от туркумига хос сўзларга айланиб, ҳетиши мумкин. Ивтилган, сут, русча простокваша маъносидан қатик сўзи қаттиг шаклида юритиладиган сифатга алоқадорлиги Қозоқвой Маҳмудов мақоласида акс эттирилган<sup>72</sup>. Ўрта сўзининг орда шаклида «ўрталикдаги «марказдаги» шаҳар, марказ, пойтахт» каби маъноларда қўлланилганлиги ҳам бунга мисол бўла олади: Олтин Орда. Буни аксича, баъзи отлар фонетик ва семантик ўзгаришлар туфайли сифатлашади, сифатга айланади. Масалан, «ҳеч нарса йўк» маъносидаги «шип-шийдам» сўзи гиёҳ унмаган тақир чўл Шайдон (дашти) сўзидан ҳосил бўлган бўлиши мумкин. *Бетларим Шайдонни(нг) даштидек гияҳ йўк яп-яланг...* (Муқимий. «Кўсаман» шеъридан). Шу ғазал таъсирида бўлса керак, кишилар ҳеч нарса қолмаган жой ё уй ҳақида «Шайдоннинг ўзи-ку» маъносида шайдам > шийдам > шип-шийдам бўлиб қолибди-ку» деб айтадиган бўлиб қолганлар. Шийдам сўзи кейинча гулсиз, сидирга тўқима (газмол)га нисбатан бу сўзни сийдам шаклида ишлатадиган бўлишган: сийдам < (шип) шийдам < шайдон каби.

<sup>72</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 1974, 6-сон. 67-бет.

Сувсарлар оиласига мансуб, семиз кўринишли йиртқич хайвонларнинг номи бўлмиш бўрсик (барсук) сўзи пўрсик шаклида семиз одам ва семиз сифати маъносида қўлланилади.

Сўз вариантларининг алоҳида сўзларга айланиш ҳодисаси юқоридаги мисоллардан кўринганидек, кўпроқ от туркумига хос сўзларда юз беради. Яна мисоллар: Ўзбекча-русча луғат (1959) да русча *тень* маъносидаги кўланка сўзидан фарқлик равишда унинг кўлага варианты *арвоҳ* (призрак) маъносида қўлланилиши кўрсатилган. Шу луғатда бир сўзнинг 2 варианты бўлмиш *сувоқ* – *шувоқ* шаклларида биринчиси *штукатурка*, иккинчиси *бир алаф* – *попынь* маъносида қўлланилиши қайд этилган.

5 томлик Русча-ўзбекча луғатда *паук* маъносидаги ўргимчак сўзидан фарқлаб, бирор хунарни эндиgina ўрганаётган (ученический) маъносида *ўргамчик* сўзи берилган. Бу ҳол имло луғатда ҳам акс этган.

Бу ҳодиса сифат туркумига хос сўзларда ҳам талайгина учрайди. Кам тайёрланадиган, суюмли таомга нисбатан (русча *деликатес* маъносида) ишлатиладиган *тансиқ* (таом) сўзи аслида ундан қадимийроқ, етишмайдиган, русча *дефицитный* маъносида ишлатиладиган *тансиқ* сўзидан келиб чиққан бўлиши мумкин.

Қардош сўзи асосий вариант қариндош сўзидан фарқли равишда *биродар*, *дўст* каби маъноларда ишлатилиши (қардош халқлар, қардош республикалар каби), шунингдек, *қумалоқ* сўзининг юмалоқ нарса маъносидан фарқли равишда *тор маънода* – фақат кўй-эчки тезаги маъносида ишлатилиши ҳам шу гуруҳга хосдир.

Алоҳида лексик бирликка айланиш ҳодисаси аффиксал сифатлар ўзагида ҳам юз беради. Масалан, маъно сўзидан ясалган маъновий сифати билан унинг варианты маънавий сифатида юз берган ўзгариш мисол бўла олади. Ҳозир асосий вариант – маъновий сўзининг лексик маъноларга оид белгини билдиради, «бу сўзларда маъновий ўзгариш содир бўлган» дейилгани каби. Маънавий сўзи эса бундан фарқли равишда кишининг ички руҳи ҳаётига ёки ҳолатига оид белгини билдиради: Маънавий эҳтиёжлар. Маънавий ёрдам; кишининг маънавий қиёфаси каби.



Маъно сўзидан аслида, биринчи навбатда, маъновий сўзи ясалса ҳам, аммо у ва бу сўзни юқорида кўрсатилган маъноси (маъновий фарқлар – маънодаги фарқлар) ҳали бирор луғатда қайд этилмаган.

Шунингдек, грамматик термин – атоқли (от) сўзидан фарқли равишда 50-йилларда «бирор кимсага аталган» маъносидаги сифатни атоқли шаклида юритишга уринишлар бўлган. Аммо бу ҳол луғатларда ҳам тан олинмади.

Сонларда бу ҳодиса учрамайди.

Олмошлардан мен – ман, сен – сан вариантлари 1930 йилларгача аралаш ишлатилар эди. Ўттизинчи йилдан кейинги дарслик ва грамматикаларда улардан мен ва сен шакллари мустақил сўз олмош тарзида юритиш, - ман, - сан шакллари сўз турловчи (шахс, сон билдирувчи) кўшимча сифатида фарқлаш жорий қилинди. Шундан бери ёзма нутқда бу қоидага амал қилинади.

Сўз вариантларининг алоҳида сўзларга айланиб кетиш ҳодисаси феълларда ҳам кўплаб содир бўлади. Бу ҳодиса тобланмоқ ва унинг фонетик варианты товланмоқ сўзлари мисолида яққолроқ кўзга ташланади. Бу сўзлар шаклида юз берган фонетик ўзгариш (б нинг в га айланиши) иккинчи вариантнинг янги маъно (закалятьдан фарқли равишда переливаться разными цветами маъносини) касб этган янги сўзга айланишига имкон яратган. Илгари бир сўзнинг икки варианты ҳисобланган бу сўзлар ҳозир иккита алоҳида сўз сифатида тан олинган ва луғатларда қайд этилган.

Шунингдек, индамоқ сўзи ундамоқ сўзининг фонетик варианты бўлиб, кейинча улар алоҳида сўзларга айланиб кетган. Бунда фонетик ўзгаришдан (у > и) ташқари мураккаб маъновий (сўзнинг лексик маъносига оид) ўзгаришлар юз берган. Ундамоқ сўзи аслида товуш маъносидаги ун сўзидан ясалган бўлиб, ун ёки товуш (овоз) чиқармоқ, гапирмоқ маъносида ишлатилган. У кейинча «гапириб бирор ишга ё ҳаракатга даъват – тарғиб қилмоқ» (яъни ҳозирги ундамоқ) маъносида ишлатилган. Бу сўзнинг фонетик варианты сифатида юзага келган индамоқ сўзи асосий вариант ундамоқ сўзининг кейинги маъносида эмас, балки, унинг энг биринчи қадимий маъносида ишлатиладиган, ундамоқнинг ўзи эса кейинги (иккинчи) кўчма маънода (бирор нарсага даъват қилмоқ маъносида) ишлатиладиган бўлиб қолди.

Кўп маъноли ёзмоқ сўзи битта маъносида ёймоқ (кир ёймоқ, таққос: дастурхон ёзмоқ) феълини ишлатиш одат тусига кирганлиги бу сўзларнинг вариантларида уни алоҳида сўзларга айлантирувчи фонетик ва семантик ўзгариш юз берганлигини билдиради. Бежамоқ сўзи, асосий вариант бежамоқдан фарқли равишда «чиройли қилмоқ, келиштириш; дабдабали қилмоқ» маънолари қўлланиладиган алоҳида бир сўзга айланишида ҳам худди шундай ўзгаришлар роль ўйнаган.

Ўзбек тилида фақат асли туркий сўзларгина эмас, балки бошқа тиллардан, айниқса, форс-тожик, араб ва рус тилларидан қабул қилинган кўпгина сўзларда ҳам лексик ўзгаришлар юз беришини кўрсатади.

От туркумига мансуб форсча-тожикча оина сўзи ўзбек тилида аввал аслига яқин ойна шаклида қўлланган: *Ойнан жаҳон*.

*Сини-саломат йўлининг зинаси,  
Балки саодат юзи ойинаси.*

(А. Навоий. Ҳайратул-аброр. 4-II).

*Гўзал Нурхон, боқиб ойинага ўздан уёлдингму?  
(Ҳамза).*

Кейинча бу сўз ойна, ойнак шаклларига кириб, лексик маъно жиҳатидан ҳам фарқлана бошлаган. Кўп маъноли ойна сўзини фақат битта (зеркало) маъносида кўпинча ойнак сўзи ишлатилади:

*Хонзода: - Сен ниманга бино қўясан? Хуснингами?  
Ойнакка қара.*

(Ҳамза. Бой ила хизматчи).

Тўғри, ойнак сўзи ҳам дераза кўзига солинадиган ясси шиша маъносида ҳам (эсланг: *ойнак тузатаман!*), дераза маъносида ҳам ишлатилган:

*Ёрни ойнакдан қаранглар, ноз уйқуда ётганмикан,  
Ёки қилган нолишим уйқудан уйғотганмикан?*

(Ғиёс Соатий).

Бирок, сўнги маънода дераза сўзини кенг қўлланиши туфайли ойнак сўзи бу маънода қўлланмайдиган бўлиб қолди.

Подшо (царь) сўзининг сўзлашув тилидаги варианты **пoшшo** сўзи (таққосланг: «Дод, **пoшшo**, ўғри тутдим!» - ўйин номи) ҳозир **пoшшo** шаклида, кўпинча, хотин-қизларга ҳурмат билан мурожаат ёки эркалатиш ифодаси маъносида ишлатилади: **Қиз пoшшa. Келин пoшшa. Нодира пoшшa** каби. **Унинг** (Кумушнинг) «қоматига» хотиннинг қўллари зўрға етди-да, «Эсонмисиз, омонмисиз, **пoшшa қиз**», - деб сўрашди (А. Қодирий. «Ўтган кунлар»).

Форс-тожик тилларида **кафш** шаклида ишлатиладиган сўз ўзбек тилида кейинча **кавуш** > **ковуш** шаклига кирган. Сўзнинг **ковш** варианты эксковаторнинг тупроқ қазиб оладиган чўмичи маъносида келадики, бу ҳол **кафш-кавуш** вариантыни шаклан ва маъно жиҳатдан ўзгариб янги сўзга айланганини кўрсатади.

Оёқ маъносидаги тожикча по сўзининг пой варианты ўзбек тилида ҳам баъзан ана шу маънода ишлатилади: **Интилганингни топганингда нега пойига бош қўйиб, арзидил этмайсан?** (М.Исмоилий. «Фарғона тонг отгунча»). Пой сўзининг пай варианты ўзбек тилида «из» (русча след), «мақсад» (цель), «ният, ҳаракат» маъноларидаги алоҳида сўзга айланган: - **Милиция пайимизга тушганга ўхшайди, - деди шофёр орқага аланглаб** (Ё.Шукуров. «Уч савол»).

Ҳимоя қилиш қобилиятига эга, ҳомий маъносидаги **паноҳ** сўзи ўзбек тилида пана шаклида ҳам қўлланиб, «бирор нарсадан сақлайдиган ёки биров кўрмайдиган жой» маъносида қўлланадиган алоҳида сўзга айланган: **ёмғирдан пана изламоқ. Панада турмоқ. Лаъли шу зулмат кучоғига кирганда, ўзини бир дарахт панасига олиб, орқасига қаради** (Ғ.Ғулом. Машъал). Русча мастер маъносидаги уста сўзининг форсча-тожикча тилидаги «учитель, наставник» маъносидаги **устод** - **устоз** сўзларига алоқадорлиги сезилиб туради. Форс-тожик тилларида **мастер** маъносидаги **устo** сўзи мавжудлиги уларда, форс-тожик тилларининг ўзида, фонетик-лексик дифференциация юз берганини, улар ўзбек тилига алоҳида сўз сифатида кириб келганини кўрсатади.

Форс-тожик тилларидан ўтган баъзи сифатларнинг вариантларида ҳам фонетик-лексик дифференциация юз беришини кўриш мумкин. Русча «один, единственный» (битта, ёлғиз, якка) маъноларидаги ягона сўзи ўзбек тилида ҳам ана шу маъноларда қўлланади. Унинг сўзлашув тилига оид ягана варианты «экин тупларини сийраклаштиш, ортиқчасини юлиб ташлаш» маъносида ишлатиладиган алоҳида сўзга айланиб кетган. Ғўза қаторларини ягана қилмоқ каби. Бу сўздан яганалаш (сийраклаштиш) сўзи ҳам ясалганки, бу маънода ягона сўзидан янги сўз ясаб бўлмайди.

Русча «целый, полный, совершенный» маъноларидаги тожикча расо сифати ўзбек тилида роса шаклида дастлаб расо варианты сифатида қўлланган: *(Алишернинг) кетганига бугун расо бир ой бўлди. Нега бунча ҳаяллади экан?* (Уйғун ва И.Султон. «Навоий»). Масалан, ақли расо маъносида ҳам ишлатилган: *ақли (эси-ҳуши) роса (жойида) жойида ҳам дейилган* (Дилбар). *Уйғотаймикан? Йўқ, пича ухлаб ором олсин, роса бир ой бўлдики, от устидан тушмайди* (Яшин, Тор-мор). Аммо расо сўзининг бу варианты кейинча «ниҳоят даражада, ниҳоятда, жуда» маъноларидаги равишга айланган: *Роса чарчадим*. Бу сўз «тўйгунча мириқиб» каби маъноларда ҳам кенг қўлланадиган бўлди: *Мавлон мингбоши ... тасодифан лойга сирғаниб йиқилди. Кишилар роса кулишди* (Т.Обидов. Юсуф-жон қизик).

Араб тилидан ўтган кўпгина сўзларда ҳам фонетик-лексик дифференциация ҳодисаси кўзга ташланади. Аввало шунини айтиш лозимки, араб тилида от туркумига хос бир сўзнинг бирлик ва кўплик формалари ўзбек тилида кўпинча худди сўз вариантларига ўхшаб, бир-бирларидан фарқли лексик маънолар касб этган ва алоҳида сўзларга айланиб кетган. Масалан, время маъносидаги вақт сўзининг кўплик формаси бўлмиш авқот (вақтлар) сўзи ўзбек тилида овқат шаклига кириб, «емиш, таом, ейиладиган нарсалар» маъносидаги вақт сўзига сира алоқаси бўлмаган алоҳида сўз сифатида ишлатилади. Авқот сўзи дастлабки қабул қилинган пайтида албатта «емиш» маъносида бўлмаган. У ўзбек тилида узоқ замонлар



ишлатилиши ва бундан турлича маъноларда қўлланиши туфайли «семиш» маъносида ишлатиладиган бўлиб қолган.

Сабаб сўзининг кўплиги асбоб сўзи ўзбек тилида, гарчи, шаклан деярли ўзгармаган бўлса-да, аммо унинг лексик маъносида худди **авқот-овқат** сўзидаги каби мураккаб ўзгаришлар юз берган. Асбоб сўзи «сабаблар» маъносидан кейинги ўзбек тилида «бирор нарсанинг содир бўлиши, амалга ошиши учун сабаб ёки восита бўладиган нарса» - «восита» каби маънолар юзага келган. Буни эски ўзбек адабиётида:

*Турарга тоқатим тоқ ўлди, йўлга йўқ асбоб,  
Кулунгга сен карам эт, ё муфаттуҳал абвоб*

тарзидаги ибораларнинг мавжудлиги ҳам тасдиқлайди (бу ерда йўлга асбоб йўқ ибораси) восита, яъни маблағ, пул йўқ» маъносида муфаттуҳал абвоб эса «эшикларни очувчи, йўл берувчи» маъносида). Бу сўз А. Навоий асарларидаёқ, юқорида айтилган «восита» маъносида, ундан ташқари, «асбоб-ускуна, жиҳозлар, анжомлар, керакли нарсалар маъносида ҳам ишлатилган:

*Айлаб аркони давлат ишга шитаб,  
Бўлди омода не керак асбоб.*

(А. Навоий. Сабаби сайёр, 73)<sup>73</sup>.

«Память, ум, мысль» маъносидаги хотир, сўзнинг кўплиги хавотир сўзида ҳам шу каби ўзгариш юз берган, у (хавотир), «хотиралар, ўй-хаёллар, фикрлар; ақллар» маъносида эмас, балки «бирор кимса ёки нарса ҳақида ташвишлианиш, нотинчлик, ташвиш», кейинча «ҳадиксираш, хавфсираш, хавф, кўрқув» каби маъноларда қўлланиладиган бўлиб қолган: *Қоронғу қуюқлаша борган сари унинг хавотири орта борди* (Х. Фулом. Машғал). *У чап ёнида индамай ўтирган, ёмонроқ кийинган йигитдан хавотир олиб кетаётган эди.* (А. Мухтор. «Туғилиш»).

<sup>73</sup> Алишёр Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1-том. Тошкент, 1983. 122-бет.

Бир унли ва икки ундошдан иборат адл, асл, аҳл каби сўзлар ўзбек тилида икки хил, яъни аслича ва охирига икки ундош орасига и қўшиб талаффуз қилиш оқибатида, унинг икки варианты юзага келган: адл – адил, асл – асил, аҳл – аҳил каби. Бу вариантлар узоқ вақт давомида бир маънода қўлланиб келинган. Кейинча бу сўзларнинг лексик маъноларида фарқланиш – дифференциация юз берган. Энди адл, асл, аҳл асосий вариантлар сифатида ёки унга яқин маънода араб тилида ишлатилади. Масалан:

- адл. Адолат, одиллик, ҳаққонийлик, тўғрилиқ. Адл турмоқ.

- адил. Тўғри, тўппа-тўғри, эгилмаган, букилмаган, тик, тикка;

- асл. Ҳақиқий нусха, оригинал (қўлёзма; ҳужжат ва ш.к.лар тўғрисида);

- асил. Аъло сифатли, энг яхши; тоза, соф (қалбаки, паст эмас). Асил мол. Асил шойи.

- аҳл. Бир соҳа, касб ёки доира одамлари. Аҳли илм. Аҳли зако. Дехқон аҳли.

- аҳил. Бир ёқадан бош чиқарган, бир жон-бир тан, тотув, иттифок, иноқ. Аҳил оила.

Тил маданиятининг ўсиши, тил бирликларини тартибга солиш, жумладан, ўхшаш сўзларни фарқлашга интилиш туфайли, «если» маъносидаги сўз охир шаклида ёзиладиган бўлди. Арабча охир сўзи ҳам ўзбек тилида ахир шаклида ҳам ишлатила бошлади. Охир – ахир. Бора-бора шунги вариант охир сўздан фарқлик равишда таъкид юклагаси ведъ, ну каби маънода ишлатиладиган бўлди.

Охир сўздан келиб чиққан ахир сўзида ҳам фонетик-лексик дифференциация содир бўлиб, у ахири – ахийри шаклида «пировардида» русча **наконец** маъносида қўлланиладиган бўлди ва бу ҳол ўзбек тилида филологик луғатларда ўз аксини топди, тан олинди.

Садақа сўзи аслида «гадо ва муҳтожларга ҳамда покланиш учун худо йўлига бериладиган эҳсон» маъносида қўлланилади. Бу сўз ҳам ўзбек тилида **садқа** – **сатқа** шаклларига кириб, баъзи бирикмалар таркибида «арзимаиди, ҳайф» каби маъноларда ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу ҳол **садқай** (сатқайи) кўз ёшинг, **садқай** (сатқай) одам каби иборалар изоҳида

яққолрок намоён бўлади. Улар фарқлангани учун энди ҳеч ким садақа бериш маъносида садқа (сатқа) беринг демайди.

Араб ва форс тилларда сутун шаклидаги сўз ўзбек тилида асосан устун - устум (с.т. столб) шаклида ишлатилади, сутун шакли эса устун варианты сифатида кам қўлланади. Матбаа ва полиграфия-типография терминологиясида русча столбец ёки графа маъносида ана шу сутун сўзидан фойдаланиш жорий қилинди. 50-йилларгача сўнги маъноларда ҳам устун сўзи ишлатилар эди (русча-ўзбекча 1 томлик лугатнинг (М., 1954) графа ва столбец сўзларига қаралсин).

Арабча сайр ва унинг сўзлашув тилидаги варианты сайл – сайил сўзлари ҳам кўп вақт фарқсиз, фақат сайр маъносида қўлланиб келинди. Сўнги вақтларда барҳаво табиат, айниқса, маданият ва дам олиш боғларида ўйин-кулги, томоша йиғинларини ўтказиш кенг кўлам олгач, бу икки сўзни фарқлашга эҳтиёж кўчайди: **Сайр.** Хордиқ чиқариш, томоша қилиш учун бирор жойда айланиш, кезиш. **Боғ сайри.** **Шаҳар сайри.** *Ёшлар электр чироқлари нурига чўмган катта кўчаларни сайр қилиб кетдилар* (П. Турсун. Ўқитувчи).

**Сайил.** 1. Баҳорда ўтказиладиган катта халқ сайр-томошалари, сайр-томоша. *Айни баҳор кулган чоғ эди, Сайил жойи сўлим боғ эди* (Э. Воҳидов). 2. Умуман катта ва тантанали сайр-томошалар. Фестиваль-ёшлик сайли. *Водокачканинг очилиш маросими катта тўйга, каттакон сайилга айланиб кетди* (А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари).

Тожикча-русча лугатда мартаба сўзининг даража (ўзбек тилида обрў, эътибор, нуфуз ) ҳамда амал, мансаб билдариши, бундан ташқари дафъа, қарра, бор (русча раз) маъносида қўлланиши кўрсатилган. Ана шу III маънода ҳозир мартаба сўзининг ўзбек сўзлашув тилидаги варианты марта сўзи қўлланади. – *Гадойликдан ўлим яхши, минг марта яхши, - йиғлаб деди Шоқосим* (Ойбек. «Қутлуғ қон»). *Қушбеги мактубни иккинчи марта ўқиб чиқиб, хотинга қаради.* (А. Қодирий. Ўтган кунлар).

Арабча табақ сўзи ўзбек тилида одатдагидан бошқача ўзгаришларга дуч келди. Бу сўз араб ва форс (тожик) тилларида асосан тарелка, блюдо маъносида қўлланади. Ушбу маънода ўзбек тилида шу сўзнинг фонетик варианты товоқ сўзи ишлатилади. Асосий вариант саналмиш табақ сўзига эса асосан «нашр этилган босма текстни ўлчаш бирлиги, босма лист» маъносини ифодалаш юкланган.

Табақа сўзи эса, аксинча, араб-форс тилларидаги (сословие, слой) маъносида қолиб, унинг фонетик варианты тавақа сўзи асосан арабча-русча луғатда (1958) акс этмаган маънода, яъни русча стверка маъносида қўлланади: Дарвозанинг бир тавақаси очиқ.

«Мусулмон феодал олий ҳукмронининг унвони ва шу унвонга эга бўлган руҳоний шахс» маъносидаги ҳалифа сўзи ўзбек тилида ҳалфа ва ҳалпа шаклида «шариат ақидаларини яхши биладиган одам; ўқимишли одам; уста» маъносида ишлатилиши, газмол, газлама маъносида матоъ – мато сўзининг варианты матоҳ сўзининг фақат газмол эмас, умуман ҳар қандай мол, буюм маъносида қўлланиши ҳам бу сўзларнинг ўзбек тилида янги маънолар, уларга мос ҳолда алоҳида шакллар касб этади, янги сўзларга айланганини, бундай жараён ўзбек тили луғат составини бойитишнинг алоҳида бир манбаи ёки йўли сифатида хизмат қилишини кўрсатади.

Отдан бошқа туркумларга хос арабча сўзларнинг ўзбек тилида вариантдор бўлиши ва янги сўзларга айланишига мисоллар жуда оз учрайди. Бу ҳол бошқа тиллардан асосан от туркумига хос сўзлар қабул қилиниши билан боғлиқ бўлса керак. Русча «избавленный, освобожденный» (қ. Тожикча-русча луғат) маъноларидаги ҳалос сўзи ўзбекча сўзлашув тилида ҳолос тарзида ҳам айтилади. Ҳалос сўзининг варианты бўлмиш ҳолос сўзи ўзбек тилида «бори-йўғи», «фақат, фақатгина» маъносидаги юкламага ҳам айланган: *Билганинг шу ҳолосми? Бригадамизда 11 киши қолди ҳолос* (А. Қаҳҳор. Кўшчинор чироклари).

Асли арабча сўзлардан ясалган феъл ўзақларида ҳам фонетик-лексик дифференциация кўзга ташланади. Баҳшлашмоқ феълининг ўзаги «мунозара: тортишув, диспут» маъноларида бўлади. Шундай эканлиги филологик луғатларда акс этган. Бирок, бу феъл сўзлашув тилида баслашмоқ шаклида ҳам



қўлланади. Илгари баҳслашмоқ ва баслашмоқ бир феълнинг икки варианты сифатида қўлланган бўлса, 30-йиллар охирида улар бир-бирларидан фаркланувчи икки мустақил сўз сифатида қайд этилди: баслашмоқ разг., спорить; биться об заклад, держать пары, баҳслашмоқ 1) спорить, дебатировать, диспутировать; 2) книж. держать пары<sup>74</sup>.

Ўзбекча-русча луғат (1959) да, икки томли ўзбек тилининг изоҳли луғати (1981)да ҳам асосан шу ҳол кўрсатилган. Кузатиш баслашмоқ сўзи бундан (яъни «гаров ўйнамоқ» маъносидан) ташқари, «ким ўзар ўйнамоқ, куч синашмоқ, беллашмоқ» маъноларида ҳам ишлатилишини кўрсатади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «хушбўй, оқ тўп гулли декоратив бута» деб тасвирланган ёсуман сўзи кейинги русча-ўзбекча луғатларида ясмин шаклида бериладиган бўлди. (5 томли ва 2 томли русча-ўзбекча луғатларнинг жасмин мақоласига қаралсин). Фикримизча, бу ҳол хушбўй гулни саҳналаштирилган «Фарҳод ва Ширин» асаридagi Ёсумон номли қотил жодугар кампирдан фарқлашга интилиш сабаб бўлса керак. Бу ўсимлик Навоий асарларида ҳам ёсмин шаклида учрайди<sup>75</sup>. Бироқ, кейинги йилларда ёсуман тарзида ишлатилади: *Сандий боғда ёсуман гуллари, хурмо ва апельсин дарахглари ўстирди* (А. Қаҳҳор. Сароб).

Шоир Фафур Фулом омбор ва тегирмонларда дон солинадиган катта ёғоч ё цементдан қилинган — хампа деб аталадиган идишлардан фарқлаб хамир қориладиган катта идишни ханфа деб атаган ва бундай дефференциация тан олиниб, изоҳли луғатда акс этган. *Юз тоннали ханфаларда хамирлар гупиради* (Ф.Фулом).

Таҳлил этилган мисоллар кишиларнинг бир-биридан фарқли предмет ва тушунчаларни фарқли сўзлар билан ифодалашга интилишларини, бунинг учун тилдаги турли имкониятлардан, айниқса, сўзларнинг фонетик ва морфологик вариантларидан тобора кўпроқ фойдаланишларини ва бундай жараён оқибатида тил кўплаб янги сўзлар билан узлуксиз бойиб боришини кўрсатади.

<sup>74</sup> Ўзбекча-русча луғат. Профессор Т.Н.Қори-Ниёзий ва А.К.Боровковларнинг умумий таҳрири остида. Тошкент, 1941.

<sup>75</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1-том. Тошкент, 1983. 542-бет.

## АФФИКСАЛ ВАРИАНТЛАРДА ЮЗ БЕРАДИГАН ЛЕКСИК ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ

Юқорида айтилганидек, фақат туб сўз вариантларида (ўзакларда) эмас, балки сўз вариантларининг аффиксларида (асосан, суффиксларда) юз берадиган фонетик ўзгаришлар туфайли ҳам янги сўзлар юзага келади. Баъзи сўз вариантлари суффиксларда юз берадиган бундай ўзгариш туфайли фақат шу вариантларга оид бўлса, баъзи аффиксларда юз берадиган ўзгариш туфайли жуда кўп сўз вариантларидан бир хил тузилишдаги янги сўзлар пайдо бўлади. Мунтазам янги сўз ясовчи аффикслардан биринчи навбатда *-ли* ва *-лик* ҳамда *-лиқ* суффиксларини кўрсатиш мумкин. Бу аффикслар қадимда фарқ қилинмаган, сингармонизм таъсирида *-лик*, *-лук*, *-лик*, *лук*, *-лиғ*, *луғ* шаклларида ишлатилса ҳам, улар воситасида ясалган сўзлар лексик жиҳатдан фарқ қилинмаган, балки бир сўзнинг турли вариантлари сифатида аралаш қўлланаверган. Масалан, XIV асрда яшаган Рабғузийнинг «Қиссаул анбиё» китоби бошида бундай сўзлар ишлатилган: *оз озуклуғ*, *кўб ёзуғлуғ*, *отлиғ*, *ариғ зотлиғ*, *яхши қилиғлиғ*, *мўғул синлиғ*, *мусулмон динлиғ*, *ўқимоққа кераклик*, *ўқранмакка яроқлиғ*, *ярлиғ*, *чоғлиқ*, *қайғулуқ*, *кеча-кундузлик*, *бир турлуқ*<sup>76</sup> ва ш.к.

Бу мисолдан қадимда сифат ясовчи *-ли* қўшимча бўлмаганлиги, *-лиғ*, *-луғ*, *лик*, *-лук*, *-лик*, *-лук* элементлари эса сифат ясовчи, ҳам «расмий хужжат, фармон» маъносига ярилиғ (Изоҳли луғатда ёрлик) каби от ясовчи қўшимча сифатида аралаш қўлланилганини кўриш мумкин.

Навой асарларида ҳам айни шу ҳолни кўрамыз. *Атгорлик*, *оёқчилик* (қосағуллик), *аждаҳолик*, *андижонлик* каби от ҳамда *асолик* (қассали), *тўрт аёқлик* (тўрт оёқли), *солин атворлик* (солик атворли, яъни сўфийларга хос феъл-атворли) каби сифат туркумига хос сўзлар мавжуд, улар ёзувда фарқланмаган, отлар ҳам сифатлар ҳам бир хил *-лик*, *-лиғ*, *-лик* қўшимчалари билан ясалган. Кейинги юз йил ичида бу қўшимчаларнинг фонетик варианты ўзбек тилида *-ли* қўшимчаси ҳам ишлатила бошланди. У ҳам дастлабки даврларда сифат ва от ясовчи қўшимча сифатида аралаш ишлатилган.

<sup>76</sup> Малоз С.Е. Памятники древнетюркский письменности. М., Л., 1951. С. 233-225.

Иосиф Гигановнинг ёзишича, Сибирь татарлари тилида –ли аффикси бундан 200 йил олдин ҳам асосан оқ юзли, қора қошли каби сифатларни ясашда ишлатилган<sup>77</sup>.

Ўзбек тилида асосан от ясовчи –лик (-лик, – лиғ) кўшимчаларидан фарқли равишда –ли кўшимчаси сифат ясашда қўлланиши 1930 йилгача ва ундан кейин нашр этилган дарслик ва қўлланмаларда қайд этилди.

Бу русча от ва сифатларни ҳам ўзбек тилидаги таржима-сида фарқлаб ишлатиш имкониятини берди. Бу ҳол 5 томлик русча-ўзбекча луғатда тўғри акс эттирилган: **восьмигранник** (от) саккизёқлик (от) – **восьмигранный** (сифат), **саккиз қиррали** (сифат), **треугольник** учбурчаклик – **треугольный** учбурчакли, **пятигранник** бешёқлик ёки бешқирра – **пятигранный** бешёқли, бешқиррали каби.

От ва сифатларни –лик ва –ли аффикслари воситасида фарқлаш кейинги (1983-84) русча-ўзбекча луғатларда ҳам бирмунча давом эттирилди: **двухтомник** – **иккитомлик**, **двухтомный** – **иккитомли**; **пятитомник** – **бештомлик**, **пятитомный** – **бештомли**; **трехрублевка** – **учсўмлик**, **трехрублевый** – **учсўмли** каби. Бироқ бу асосли қоидага амал қилмаслик ҳоллари кўп учрайди. Масалан, юқоридаги луғатнинг ўзидаёқ русча от ва сифатларни ўзбек тилида фарқламасдан, фақат –ли билан (**девятиугольник** – **тўққиз бурчакли**, **девятиугольный** – **тўққиз бурчакли** каби) ёки фақат –лик билан ифодалаш ҳоллари учрайди: **двадцатилетне** (от) – **йигирма ёшлик**, **двадцатилетный** (сифат) – **йигирма йиллик** каби. Русча-ўзбекча луғатлардан бошқа луғатларда эса саккизёқли – саккизёқлик, беш томли (луғат) – бештомлик, учсўмли (буюм) – уч сўмлик (қоғоз пул) типига сифат ва отлар фарқланмаган, ҳатто луғат сўзлигига ҳам киритилмаган; ҳолбуки бундай сўзлар ўзбек тилида мингларча мавжуд бўлиб, лексик бойлик сифатида луғатларда акс эттирилиши лозим эди.

<sup>77</sup> Иосиф Гиганов. *Грамматика татарского языка...* СПб., 1801. С. 161. Бу ҳақда қаранг: Муратов С.Н. *Устойчивые словосочетания в тюркских языках.* М., 1961.

Илгари аралаш қўлланган юқоридаги қўшимчаларнинг бир вариантини (-лик) от ясовчига, бошқа вариантини (-ли) сифат ясовчига ажратиш билан уларни фарқлаш жараёни тугамади, балки -лик аффиксининг варианты бўлмиш -лиқ шаклини ҳам фарқли тушунчаларни ифодалаш учун фойдаланишга интилиш давом этди. Натижада мавҳум тушунча белги оти ясовчи -лик дан фарқли равишда -лиқ конкрет маъноли от ясашда қўлланадиган бўлиб қолди: **бойлик:** бой сўзидан белги оти -**бойлик:** дунё, давлат, мол-мулк, **айрилик:** айри сўзидан белги оти; **айрибоп,** айри (тирагич) қилса бўладиган - **айрилик:** жудолик, фирок, ҳижрон, **борлик:** бор сўзидан белги оти, бор бўлиш, мавжудлик - **борлик:** олам, дунё; **бошлик:** пойафзалнинг бошига, панжанинг тепасига тикиладиган қисм - **бошлик:** «начальник». Шунингдек, белги отлари бўлмиш **суюқлик, оқлик, бўшлиқ** сўзларидан фарқли равишда - **лиқ** билан ясалган сўзлар конкрет бир предмет - нарса маъносида қўлланади, Масалан, **суюқлик** (жидкость), **оқлик:** қатик увитишда - томизғи қатик; умуман **сут-қатик;** совға қилинадиган **оқ рангли кийимлик;** (бўш) фазо «пустота», **оралик:** орадаги масофа «промежуток» (РИСИЛ: терция) каби.

Қадимги -лиғ, -лик, -лик, -луғ, -лук, -лик каби вариантларни фақат уч формада (-ли, -лик, -лиқ шаклида) уч функцияда қўллаш туфайли илгари бир сўз ҳисоблаб келинган кўпгина ясама сўзларнинг ҳар бири утадан лексик бирлик сифатида фарқланадиган бўлди, масалан: **боғли** (боғи, ипи бор) - **боғлик** боғ сўзидан белги оти; **боғлаш** учун ярқли (**боғбон**) нарса - **боғлиқ** (зависим, шароитга **боғлиқ** каби); **жонли** (жони бор) - **жонлик** жон сўзидан белги оти - **жонлиқ** (бирор нарсага аталган, қурбон қилинадиган ҳайвон); **отали** (отаси бор) - **оталиқ** (ота сўзидан белги оти; бот. **тычинка**) - **оталиқ** (шефство); **отли** (оти бор) - **отлик** (от сўзидан белги оти) - **отлиқ** (суворий, всадник), **ошли** (оши бор) - **ошлиқ** (ош сўзидан белги оти; **ошбоп** масаллик) - **ошлиқ** (эск. **озик-овқат** маъносида); **оғали** (оғаси бор) - **оғалиқ** (оға сўзидан белги оти; **акалик, меҳрибон киши**) - **оғалиқ** (эски мансаб номи); **сувли** (суви бор) - **сувлиқ** (сув сўзидан белги оти) -



сувлиқ (>сувлук; юганнинг от оғзига солинадиган металл қисми) ва ш.к.

Феълларга кўшилиб, иш-ҳаракатнинг тугалланмаганлигини, давомийлигини ифодаловчи —ла кўшимчаси ҳам бир-икки феъл билан чекланмайдиган, бир неча феълларга кўшилиб, шу маънони ифодалайдиган элементдир. У кувмоқ, ишқамоқ, савамоқ, чўқимоқ каби феълларнинг ўзақларига кўшилиб, давомийлик, тугалланмаганлик маъноларини билдиради: кувламоқ, ишқаламоқ, саваламоқ, чўқиламоқ каби. Бироқ, —ла кўшимчасини олган феъллар фақат давомийликни билдириб қолмасдан, бундай вариантлардан қай бири қайси ўринларда, кимга, нимага нисбатан ишлатилишига қараб ҳам фарқ қилади. Масалан, савамоқ сўзи одатда пахта, жун кабиларни ишлашга оид тушунчани, саваламоқ эса бирор кимсани кўп уриш маъносини ифодалашда ишлатилади. Бирор кимсага нисбатан «қаттиқ гапирмоқ, уни уришиб бермоқ» маъносида чўқиламоқ формаси эмас, чўқимоқ сўзи ишлатилади: *Мен сенга икки чўқиганинда қочадиган қизлардан эмасман, фронтчи йигитман.* (И.Раҳим, Чин муҳаббат).

Титқиламоқ, туртқиламоқ, тортқиламоқ, эзқиламоқ, чўзқиламоқ сўзларида ҳам титмоқ, туртмоқ, чўзмоқ феълларига нисбатан иш-ҳаракатининг давомийлиги ифодаланади. Бироқ ажратиб кўрсатилган аффикслардан ҳар бири кўлланиш даражаси —ла аффиксига нисбатан анча тор бўлиб, улардан ҳар бири икки- уч феългагина кўшила олади.

Баъзи феълларнинг ўрта қисмида (одатда ўзақ билан ясовчи кўшилган оралиғида) а элементи ишлатилиб, давомийлик билдирилади. *Отга солсанг, беда сол, қисир-қисир чайнасин. Қизинг бўлса ёшга бер, қувалашиб ўйнасин* (Фольклор).

Шу а товуши ағнамоқ феълининг ҳам ўрта қисмида пайдо бўлади: ағнамоқ каби. Аммо бунда, маънодаги ўзгариш, фарқ юзага келмайди. Бу ҳол изоҳли лугатда уни ағнамоққа ҳавола қилиш йўли билан тўғри кўрсатилган.

Худди шунингдек, феълларнинг чаймоқ-чайқамоқ, очмоқ-очқамоқ вариантлари орасида давомийлик нуқтаи назаридан фарқ бордай қуринса-да, аслида фарқ йўқ. *Чайқамоқ* сўзи чаймоқнинг барча маъноларида фарқсиз ишлатилса-да, ундан ташқари «бошни уён-буёнга тебратмоқ» маъносида ҳам ишлатилади: *Погодин бу сўзларни эшитиб, норозилик*

маъносида бошини чайқади (Ш. Рашидов. Бўрондан кучли). Бу маънода чаймоқ сўзи ишлатилмайди. Чаймоқ сўзининг изоҳли луғатда учинчи маъно қилиб берилган «чўмилтирмоқ (чорза молларини)». Отни чаймоқ маънолари ғайри одатийдир. Бу ҳол чаймоқ сўзига нисбатан чайқамоқ сўзининг кўпроқ маънода, кенгроқ кўлланишини кўрсатади. Демак, у асосий вариант ҳисобланади, шунинг учун луғатда чайқамоқ сўзининг барча маънолари билан тўла изоҳлаш, чаймоқ сўзини эса қайси маъноларда ишлатилишини кўрсатган ҳолда, чайқамоқ сўзига ҳавола қилиш ўринли бўлар эди.

Бу фактлар, ўзбек тилида мунтазам давомийлик, тугалланмаганлик билдирувчи суффикслар йўқлигини, шунинг учун феълларни русча совершенный вид, несовершенный видларга бўлиш ўринсиз эканини кўрсатади.

Аслида сурмоқ сўзининг аффиксал вариантлари бўлмиш суртмоқ ва суркамоқ сўзлари кейинча юз берган семантик дифференциация туфайли асосий вариантдан кескин фарқ қилувчи алоҳида сўзларга айланиб кетган. Сурмоқ феълнинг асосий маъноси «итариб бир жойдан бошқа жойга кўчирмоқ, жилдирмоқ» бўлса, суркамоқ ва суртмоқ сўзларининг асосий маъноси «баданга ёки бирор нарса сиртига юқадиган, сингадиган моддани тегизиб бирор нарса билан ёпмоқ», масалан, ярага дори суркамоқ (суртмоқ), этикка мой суркамоқ (суртмоқ), тахтага бўёқ суркамоқ (суртмоқ) каби. Сўнгги вариантлар ишқамоқ маъносида ҳам келади, лекин бу уларнинг иккинчи маъносидир. «Икки нарсани бир-бирига суркамоқ» эса ишқамоқ сўзини асосий маъносидир. Ишқаламоқ эса, юқорида айтилганидек, ишқамоқ феълнинг давомийлик билдирувчи вариантыдир.

Феълларда лексик дифференциацияни мунтазам юзага чиқарувчи аффиксал вариантларнинг катта бир гуруҳи сифатида феълларда нисбат ифодаловчи кўшимчаларни кўздан кечириш мумкин.

Ҳозир бош даража кел, бил, ўки каби феъл ўзақлари ҳамда ишла, оқла, сана, тинчи каби феъл бўлмаган сўзлардан ясалган феълнинг ясама негизлари билан ифодаланади. Ўзлик даража асосан –(и) н, камроқ –(и) л кўшимчаси, мажхул даража асосан – (и) л, камроқ – (и) н кўшимчаси, биргалик даражаси –(и) ш кўшимчаси воситасида ифодаланади. Орттирма даражада эса –дир // -тир, газ// -каз // -қаз // -ғаз ҳамда – гиз

// - киз // - қиз // -ғиз каби аффиксал вариантлар воситасида ифодаланади.

Ўзлик нисбатини ифодалашдаги асосий восита – (и) н аффиксининг – (и) л дан кейинги бир варианты сифатида –(н) ш қўшимчаси ҳам ишлатилади: жойла+н - жойла+ш каби.

Бу мисолда шу нарса диққатга сазоворки, -н ва -ш аффикслари келиб чиқиш жиҳатидан турлича бўлиб, улар том маънода бир аффиксининг икки варианты эмас, аммо улар бир хил феълга қўшилиб, шу феълнинг ўзлик даражадаги икки вариантини юзага келтиргани учун кенг маънода уларни (-н ва -ш қўшимчалари) ўзлик даража ясовчи аффикс вариантлари дейиш мумкин.

Бундай ҳол бошқа даражаларда ҳам бор. Масалан, -дир // -тир билан –ғиз// -қиз қўшимчалари баъзан битта феъл ўзагига қўшилиб, орттирма даражадаги феъл вариантларини юзага келтириши мумкин: (овқатни) едир – еғиз, (этикни) кийдир – кийғиз, (эшикни) очтир - очқиз каби. Бу жиҳатдан битта феълга қўшила оладиган бундай қўшимчалар ҳам кенг маънода орттирма даража ясовчи аффикс вариантлари бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, бундай аффикс вариантлари воситасида шаклланган сўзлар сўзнинг аффиксал вариантлари дейилади.

Баъзан бир сўзга қўшилиб, унинг аффиксал вариантларини юзага келтирувчи аффикс вариантлари, муайян шароитда бир-биридан фарқ қилувчи, бошқа-бошқа сўзлар ҳосил қилувчи алоҳида (мустақил) аффиксларга айланиб кетиши мумкин. Масалан, -каз ва қаз (баъзан –қиз ва қиз) қўшимчалари битта феълга қўшилиб орттирма нисбатдаги феъл вариантларини ҳосил қилишига мисоллар учраб туради. Масалан: Элакдан ўтказмоқ – ўтказмоқ (ўтқизмоқ), кўприқдан ўтказмоқ - ўтказмоқ (ўтқизмоқ) каби бир хил маънода ишлатилар эди. Кейинги ярим аср давомида улар фарқланадиган, яъни ўтказмоқ асосан русча «проводит, помочь, или заставляют пройти, пропускать, дать дорогу, перевести» каби маъноларда, ўтказмоқ

эса асосан «усаживать, сажать, посадить (растений), поселять» каби маъноларда қўлланадиган бўлиб қолди. Бу ҳол ўзбек тили филологик лугатларида тўғри акс эттирилган.

**Яроқли** – **яроқсиз** ва **яроғли** – **яроғсиз** сўзлари келиб чиқиши ва ясалиши жиҳатидан бир хилдир, яъни улар **ярамоқ** феъли ўзагига **қ**, кейинча **-ли ёки -сиз** қўшиш билан юзага келган. Аммо **ярайдиган** (нарсა) маъносида **яроқ** сўзи ишлатилмайди, у **яроғ** шаклида «ярайдиган нарсa, асбоб қурол» маъносида мустақил қўлланади. **Яроқ** сўзидан **-ли** воситасида ясалган **яроқли** сўзи русча «годный» маъносида қўлланади. Ундан фарқли равишда «яроғи бор» маъносида **яроғли** сўзи ишлатилади. **Яроқсиз** ва **яроғсиз** сўзлари эса **-ли** билан ясалган сўзларнинг инкор формасидир. Бу факт сўз вариантларининг (**яроқ –яроғ, яроқли – яроғли, яроқсиз – яроғсиз**) маъносида юз берган фарқларини алоҳида шаклдаги сўзлар билан ифодалашга интилиш туфайли янги сўзлар пайдо бўлишини кўрсатувчи ёрқин мисолдир.

Кишиларнинг турлича нарсa ва тушунчаларни фарқли тил воситалари билан ифодалашга интилиши ва бу интилишга мувофиқ узоқ давом этган тил тараққиёти туфайли юзага келган бундай нутқ аниқлигидан тўғри фойдаланмаслик, масалан, ўзлик ва мажхул нисбатларни ифодаловчи аффиксларларни фарқламаслик, уларни қориштириш ҳодисаси учраб туради: *Зоғлақўз қоронғида ҳассасини босишга жой тополмай, туртиниб бир дўнг ерга қоқилиб кетди* (П.Турсун. Ўқитувчи). *Менинг чурук кавушим ўлгур баъзан чўшларга илиниб, қоқилиб кетаман* (Ойдин. Садағанг бўлай, командир).

Бу мисолларда мажхул нисбатидаги **қоқилмоқ** феъли ўзлик маъносида ишлатилган, чунки ўзлик нисбати ҳаракат субъектининг ўзи томонидан бажарилганини билдиради: **ювинди** - ўзини ўзи ювди; **кийинди** - бу феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатни субъектнинг ўзи бажаради, **қоқинди** сўзидан ҳам шу феълдан англашилган ҳаракат субъектнинг



ўзи томонидан юзага чиқарилгани ифодаланган. —ил кўшим-часи билан ясалган мажхул феъллар эса иш ё ҳаракат кўзда тутилган предмет ё субъект томонидан эмас, балки кимдир — бошқа кимса томонидан қилинганини билдиради: хат ўқилди, иш бажарилди, мих қоқилди каби.

Ўзбек тилида феъл нисбатларини фарқлаб кўрсатувчи форматларнинг тараққий этганлиги русча-ўзбекча лугатларда опыление, кристаллизация каби бир неча маънони умумий равишда билдирувчи ҳаракат номларининг ҳар бир маъносини алоҳида ифодалаб кўрсатишга имкон беради: Масалан:

Опыление 1 чангланиш; 2 чанглаш.

Кристаллизация 1 кристаллга айланиш;

2 кристаллга айлантириш каби.

Ана шу имкониятдан фойдаланмаслик туфайли айрим китобларда ёки айрим таржимонлар естественное опыление иборасини ўзбек тилига табиий (равишда) чангланиш, искусственное опыление каби ибораларни сунъий (равишда) чанг-ланиш тарзида таржима қиладилар.

Ҳолбуки, чангланиш < чангланмоқ феъли ўзлик даража бўлиб, иш-ҳаракат биров томонидан эмас, балки ўз-ўзидан (ёки ўсимликнинг ўзи томонидан) рўёбга чиққанини билдира-ди, шунинг учун бу ерда табиий (равишда) сўзи муглақо ортиқча; чанглаш чангламоқ феъли бош нисбатда бўлиб, ун-даги иш ҳаракат албатта бирор субъект — киши томонидан амалга оширилиши (ёзмоқ, ишламоқ каби) ўз-ўзидан англа-шилади, шунинг учун бунда сунъий (равишда) деб айтишга ҳам эҳтиёж йўқ.

Эркаламоқ феъли, кўпинча, «суймоқ, силаб-сийпаламоқ (эркалатмоқ) маъносида ҳамда «бировга эркалик қилмоқ (эр-каланмоқ)» маъносида қўлланади: - *Ухла, ухла, айланай гол-вон боладан!* — эркалаб боланинг бошини силади Йўлчи. (Ой-бек. Кутлуғ қон). *Қалбим гурс-гурс уради, ширин орзу вужу-дим эркалаб ўтади* (Шухрат. Шинелли йиллар); *Канизак стол-*

да турган каттакон бир китобни варақлар экан, эркаланган товуш билан: - Рауф ака, шунақа китобларга қачон тишим ўтадиган бўламан? – деди. (А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироклари). Эркаламоқ сўзининг юқоридаги маъноларидан ташқари «кўнглига қараб, эрка ўстирмақ; эрка, тантиқ қилиб юбормоқ» маъносида ҳам ишлатилиши кўрсатилган.

Ўзбек тилида эркаламоқ сўзининг юқоридаги икки маъносини бир-биридан фарқлаб айтиш учун махсус форматлар юзага келган., яъни феълнинг биринчи маъноси эркалатмоқ феъли орқали ифодаланади: *Усмонжон ... баҳор ёмғиридан очилган гулдек гўзаллашган бу жасоратли пари қизни эркалатиб, сочларини силаб юпатгиси келди.* (С. Зуннунова. Гулхан). Иккинчи маъноси эса эркаланмоқ феъли воситасида ифодаланади: *Нури ... онасини ёлғиз қолдириб учратиб, уни ийдириш учун эркаланиб, секингина мақсадини айтди* (Ойбек. Қутлуг қон).

Демак, тил фактларини бир-биридан фарқлаб ифодалаш тенденциясига (принципига) мувофиқ эркаланмоқ // эркаламоқ // эркалатмоқ // эркаламоқ вариантларидан биринчилари асосий вариант бўлиб, луғатда ана шулар асосий бош сўз сифатида берилиши, эркаламоқ 1. айнан эркаланмоқ; 2. айнан эркалатмоқ тарзида асосий вариантларга ҳавола қилиниши лозим эди.

Баъзи нисбат кўшимчалари фонетик жиҳатдан бир мунча ўзгариб, алоҳида (мустақил) сўз ясовчи аффиксларга айланиб кетади. Масалан, ўрамоқ сўзининг мажҳул формаси бўлмиш ўралмоқдан унинг биргалик нисбатда ўралишмоқ юзага келган. У ўрамоқ (намативать, закутывать каби), ўралмоқ (наматываться, укутываться каби) феъл маъноларига боғлиқ ҳолда «вместе закутываться» болалар кўрпага (ё кўрпаларга) ўралашиб (кўпроқ ўранишиб) олишди ёки кўйлар арқонларга ўралашиб қолишди ибораларида ишлатилади. Аммо ундан ўралашмоқ феъли ўсиб чиқиб, русча «околачиваться, путаться, вертяться (около кого-либо)» каби маъноларда ишлатилади. *Гажак*

қўйган келинчаклар, ғижим рўмол ўраган қизлар фотография олдида ўралашиб қолишди. (С. Аҳмад. Уфқ). Бундан ташқари, ўралашмоқ сўзи «бирор иш билан банд бўлмоқ, овора бўлмоқ; куймаланмоқ» маъносида ҳам ишлатилади. *У ўн болани ўстираман деб, уйда ўралашиб қолди.*

Биргалик нисбати ясовчи *-и/ш* аффиксининг фонетик варианты сифатида пайдо бўлган *-ла/ш* кўшимча воситасида ясалган ўралашмоқ сўзи ўралишмоқ сўзининг аффиксал вариантдан алоҳида (мустақил) сўзга айланган дейиш мумкин.

Бундай ҳолни оғмоқ (наклоняться) феълининг ортгирма нисбати бўлмиш оғдирмоқ феълидан, ундан шаклан ва маъно жиҳатдан фаркланувчи оғдармоқ (опракинуть) феълининг ўсиб чиқишида ҳам кўриш мумкин.<sup>78</sup> *Оқсой мағрур дарахтларни оғдариб, арзимаган хасдай оқизади.* (С. Анорбоев. Оқсой).

Бундай ҳодисалар ўзбек тилида талай учрайди. Узмоқ феълининг ўзлик нисбати узилмоқ «вафот қилмоқ» маъносида ҳам ишлатилади: *Бемор яна кўзини юмди, шу юмганича қайтиб очмади, саҳарга бориб узилди.* (А. Қаҳҳор. Бемор). Аммо ўз ўзагидан нисбат ясовчи *-ик* аффикси йўқ. Амалда «ғоят чарчамоқ» (умориться) маъносида узикмоқ сўзи ишлатилади: *Бугун иш қаттиқ бўлди, жуда узукдим. У узилмоқ сўзининг варианты сифатида юзага келган, аммо семантик ўзгариш туфайли ундан узоклашган алоҳида лексик бирлик сифатида баҳоланмоғи лозим. Чунки, бу маънода алоҳида бир сўз йўқ деб келингани учун ҳозиргача умориться сўзи «қолдан тоймоқ, қаттиқ чарчамоқ» каби сўз бирикмалари билан таржима қилинади. Узикмоқ сўзи умориться сўзининг ўзбек тилидаги муқобилидир.*

<sup>78</sup>Раҳматуллаев Ш. *Ўзбек тилининг этимологик луғати. Тошкент: «Университет» нашриёти, 2000. 36,264-бетлар.*

Тингламоқ (эшитмоқ, эшитиб турмоқ)дан фарқли равишда тингламоқ (эшитиш, илғаб олиш учун диққат билан кулоқ тутмоқ), умуман ичиш мумкин бўлган нарса маъносидаги ичимликдан фарқли равишда «ароқ, вино» маъносидаги ичкилик сўзининг ишлатилиши, «улаб, боғлаб, кўшиб, бирлаштирмоқ» маъносидаги бириктирмоқдан фарқли равишда «бирга ишлаш, ёрдам бериш учун тайинламоқ, кўшиб кўймоқ» маъносида бириктирмоқ (прикреплять), кочевник маъносидаги кўчманчидан фарқлаб, поселенец маъносида (желгинди қолипиди) кўчкинди сўзини қўллаш каби юзлаб мисоллар ҳам бириридан фарқли тушунчаларни алоҳида сўзлар билан ифодалашда кишилар илгаридан мавжуд кўшимчаларнинг турли вариантларидан фойдаландилар, баъзан мавжуд кўшимчаларни бошқачароқ шаклга киритиш ҳам учрайди.

Асли бир хил бўлиб, кейинча шаклан фарқланиб, деярли барча феълга кўшилиб, мунтазам равишда фарқли маънолар англатувчи кўшимчалардан яна ҳозирги сифатдош ясовчи -вчи ва от ясовчи -гич / -кич, -ғич, -қич/ кўшимчаларини кўрсатиш мумкин. Қадимий туркий ёдгорликларида булар учрамайди, уларда -ғучи, -жучи, -қучи аффиксларини учратиш мумкин. Масалан, ДТС (М., 1969) да *berguvchi* (бергувчи) «дающий, взаимоотнош» каби. XIV аср ёдгорликларида алғучи «покупатель», битигучи «пищуший // писец» йаратғучи «созидатель» (Э.И.Фозылов. Староузбекский язык. Т. 1973) каби. А. Навоий асарларида ҳам айнан шу ҳолни кўриш мумкин.

Фикримизча, улар туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг узоқ давом этган тарихий тараққиёти давомида сифат ясовчи -гич, -кич каби от ясовчи кўшимчалар ажралган. Қадимий -гучи, -ғучи кўшимчалари, то уларда шаклан ва маъно жиҳатдан фарқланиш юзага келгунча от ва сифатдош маъноларда аралаш қўлланганлигини кўриш мумкин: алғучи киши, йаратғучи тангри каби.

Асли бир бўлган бу кўшимча ҳозир сифатдош ва от ясовчи кўшимча сифатида қатъий фарқ қилинган ва бу ҳол ўзбек тилшунослигида қуйидагича қайд этилган. З. Маъруфов -гич, -кич, -қич, -ғич аффикслари феъл негизларидан от, қурол-



асбоб номлари ясабини кўп мисоллар билан кўрсатган: сузгич, кўрсаткич, қисқич, кирғич<sup>79</sup> каби. «Ўзбек тили грамматикаси» нинг 1-томида (Тошкент, 1975. 514-бет) –вчи аффикси сифат ясовчи қўшимча эканлиги таъкидланган ишла > ишловчи, ўки > ўқувчи каби мисоллар берилган: *Элмурод бу ерга келувчи меҳмонларнинг ҳаммасини таниб олди.* (П. Турсун. «Ўқитувчи»).

Бу сифатдош худди сифатларга ўхшаб, от функциясида қўллана олишини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. *Бу мактабда мингта ўқувчи, элликта ўқитувчи бор* каби.

Фикримизча, қишлоқ, ўқув, ёзув сўзларидаги –у (в) аффикси ҳам қадимий –қ (ғ) қўшимчасининг тараққиёти натижасида юзага келган бўлса керак. Чунки, ДТСда ва эски ўзбек тилида йамағ «залата», алдағ «обман», асрағ «приют» каби сўзлар мавжуд бўлса-да, аммо улар ямов, алдов, асров, қишлоқ каби сўзларда учрамайди. Бу ҳол бундай сўзлар, ҳозирдаги қ ундошининг кучсизланиш (редукция ҳодисаси), о ундошининг эса чўзикроқ (кучлироқ) талаффуз қилиниши туфайли қ ўрнида в товуши ҳосил бўлган бўлса керак.

Мен // ман, сен // сан вариантларида биринчиларни оломош сифатида қолдириб, уларнинг –ман, –сан формаларини шахс, сон формаларини билдирувчи аффикс сифатида ишлатилиши ҳам мунтазам фарқланган аффикслар қаторига кирди. Яъни, –ман, –сан элементлари фақат бир-икки сўзни фарқлаш билан чегараланмасдан, жуда кўп феъл ва отларга қўшилиб бир хил маънони, яъни шахс ва сон тушунчасини ифодалайверади: келаман, келасан, ёзганман, ёзгансан, студентман, студентсан, ўқувчиман, ўқувчисан каби. Бундан ташқари, шахс-сон билдирувчи –ман қўшимчасидан фарқли равишда илгари ерман, ичарман, биларман, устабузарман тарзида қўлланган сўзлардаги сўнги қўшимча сўнги йилларда –мон шаклида ишлатиладиган бўлди: билармон, устабузармон каби.

<sup>79</sup> Ўзбекча-русча луғат. М., 1959. 718-726-бетлар.

Феъл нисбати ясовчи қўшимчалардаги и товуши у тарзида ишлатиш билан феълдан унга боғлиқ отлар ясалади: **курит** «суши» - «сувсизлантир» - **курут**: куритилган қатик, **сургин** «суриб юбор» - **сургун** «ссылқа» - жазо тариқасида узоқ жойга юбориш керак. **Уриш** сўзидаги - (и) ш элементи ҳаракат номи ясовчи қўшимча бўлиши мумкин: **сўкиш**, **ёзиш**, **суғориш**, **боқиш** каби. Шу билан бирга у феълнинг биргалик нисбатини ясашда ҳам ишлатилади: **уришмоқ** **урмоқ** феъли, биргалик нисбати: болалар **уришди** - **уришиб** қолишди каби. Феълнинг ана шу формасидаги и ни у шаклида ишлатиш билан **война** маъносидаги **уруш** сўзи, **буришди** сўздан эса «буришган жой, тириш» маъносидаги **буруш** сўзи юзага келган.

**Баъзан** -иш қўшимчасидаги ш ундошини ч ёки инч шаклида қўллаш билан ҳам отлар ясалган: **ўпиш**, **ўпмоқ** феълдан ҳаракат оти -**ўпич** «поцелуй» маъносидаги, **тиқилинч** эса **тиқилиш** иш отидан фарқли равишда русча «давно, теснота» каби маъноларда ишлатиладиган отлардир.

**Аффиксдаги** и унлисини у тарзида ишлатиш билан фақат отлар ясалавермасдан **баъзан** феъллар ҳам пайдо бўлади. Масалан: **уринмоқ** сўзи (урилмоқ каби) **урмоқ** феълнинг ўзлик нисбатидир. Ундан ўсиб чиққан **урунмоқ** феъли **уринмоқдан** маъно жиҳатдан кескин фарқ қилади: **уринмоқ** (урилмоқ каби) «бирор нарсага ўзини уриб олмоқ» маъносида бўлса, **урунмоқ** асосан «бир ишга тутунмоқ, бирор иш билан маъсалан, бирор нарса тайёрлаш билан овора бўлмоқ» каби маъноларда ишлатилади.

Феъл нисбатлари маъносини фарқлаш зарурияти туфайли уларда **баъзан** шу қадар мураккаб фонетик ҳодиса рўй берадики, унинг натижасида фақат аффикс эмас, балки ўзак ҳам ўзгариб кетади. **Ўринлатмоқ** (ўринламоқ феълнинг орттирма нисбати) нинг **ўрнатмоқ** шаклига ўтиши бунга мисол бўла олади<sup>80</sup>.

<sup>80</sup> Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган луғат. 447-бет.

Ҳозир «яхши бажармоқ, қойил қилмоқ» маъноларидаги ўринлатмоқ сўзидан фарқли равишда ўрнатмоқ «ўрнига мослаб қўймоқ, жойламоқ», «ясамоқ, курмоқ», «юзага келтирмоқ, жорий қилмоқ», «иш, ўқишга киритмоқ, жойламоқ» каби маъноларда ишлатилади: *Йўлчи шамни қизнинг тепасидаги тоқчага ўрнатди* (Ойбек, Қутлуғ қон). *Майдон ўртасига монумент ўрнатмоқ. Фуломжон дастлабки кундан тортиб мактабда қаттиқ тартиб ўрнатди.* (М. Исмоилий, Фарғона тонг отгунча).

Бундай мураккаб ҳодиса, яъни бир сўз семантик фарқланиши жараёнида ҳам ўзакда, ҳам қўшимчада юз берадиган фонетик ўзгариш ҳақида (кейинги бетларда) алоҳида фикр юритилади.

Янги тушунчаларни ифодалашда кишилар инфинитив формасини ясовчи –моқ қўшимчаси, қадимий варианты –мақ (таққос: Навоийда):

*Не қилмоққа пир амридин ҳосилим,*

*Не кечмакга бу фикрдин журъатим.*

(«Соқийнома» дан)

шаклидан ҳам фойдаланганлар. «Айтмоқ, гапирмоқ» маъносидаги демоқ сўзидан фарқли равишда «бас, бинобарин» (русча значит) маъносидаги демақ сўзи, «чертиб берадиган зарб» ҳамда қушни чақирадиган овоз, чақиринишга мослашган ов асбоби маъноларида ишлатиладиган чертмақ сўзи шу йўл билан юзага келган. Шунингдек, егулик, дегулик сўзлари қолипидаги қилгулик (бирор иш қилишга арзийдиган ёки ярайдиган маъносида) сўзидан «ёмон иш-ҳаракат, жиноят» маъноларида қилғилик сўзи, ишлатилиши *қилғиликни ўзи қилиб қўйиб, бировга тўнкайди-я!* каби.

- *Ҳой ўғлим! Қилғиликни қилиб қўйиб, тагин нега тилингни бир қарич қиласан.* (Ҳ.Назир, Бир тўп ғўза.)

Илгари от ва сифатлардан янги сўз ясашда аралаш қўланиб келган –ин ва –им қўшимчаларида ҳам кейинги вақт-

ларда лексик-семантик дифференциация юз беради. Ўзбек тили изоҳли луғатининг гувоҳлик беришича, **оқин** сўзи «тўхтамай оқиб турадиган» ибора маъносида, яъни сифат бўлиб, ишлатилади: *Шоҳиста ... оқин сувдай шарақлаб кулиб кириб келди* (А. Мухтор. Опа-сингиллар). *Пахта майдони, боғу бўстондир. Ватаннинг бойлиги, бўлмагай бу бойлик, аммо то оқин сув бўлмаса.* (Ҳабибий). Ундан фарқли равишда оқим сўзи асосан от туркумига хос сўз сифатида «маълум бир томонга оқётган нарса» маъносида (масалан: **сув оқими, газ оқими**). *Рашид қайиқни оқим ихтиёрига қўйиб юборди* (Шухрат. Шинелли йиллар). *Майдон атрофидаги кўчаларда халқ оқими тошар, чайқалар эди* (Ойбек. Нур қидириб).

Феъллардан отлар ўзбек тилида асосан –им кўшимчаси билан ясалади: бўлим, босим, тилим, кесим, билим каби. Бу кўшимчанинг –инга қараганда фаоллиги ҳисобга олинса, бўғмоқ феъли билан боғланган конкрет от одатдагидек бўғим шаклида юритилиши лозим бўлади. Демак, **бўғим // бўғин** вариантларидан биринчиси актив ва асосий бўлиб, у русча узел, междоузлия, сустав, слог каби маъноларда кенг қўлланади. Бундай маънолар бир-бирига ғоят боғлиқ бўлиб, уларни бир хил юритиш мантиқан ҳам тўғри келади. Булардан авлод, насл маъноси **бўғмоқ** сўзи билан бевосита боғланмаган. Шунинг учун бу маъно **бўғин** сўзи билан ифодаланади.

Тутатки (исирик ва шу каби тутатиб юбориладиган нарса) –тутатқи (тутантирик маъносида) каби сўзларнинг аффиксларида ҳам фонетик ва лексик ўзгариш юз берганлигини кўриш мумкин.

Илгари бир хил бўлган сўзлар маъносидаги фарқни ифодалаш уларга бирор товуш ёки шу сўзга ёлғиз кўшила олмайдиган аффикс кўшиб ишлатиш ҳоллари ҳам кўзга ташланади. Масалан, «эртага бўладиган» ибораси маъносида эртаги сўзи ишлатиб келинади: *Эртаги машғулотлари ёдига тушиб, «Ётиш керак!» - деди* (Шухрат. Шинелли йиллар). Ундан фарқли равишда «бошқалардан эртароқ етиладиган, эрта пишар» маъносида бу сўз эртанги шаклида, яъни бир н кўшиш билан ифодаланади: «**Эртанги роза**» «ранная роз» (картошка нави) каби.



«Бошқа одамдан» маъносидаги бошқадан сўзининг янги «қайта бошдан, янгидан, қайтадан» деган маъноси унга бир т кўшиш билан бошқатдан шаклида талаффуз қилинади: *Бўта дўпписини олиб, бошқатдан кийди* (С. Ахмад. Хукм). – *Яхши, ўртоқ Мавлонов, «эртага мажлисни бошқатдан қиламиз», - деди Абдурашул ака* (П. Турсун. Ўқитувчи).

Қишилар истеъмол қиладиган озиқ-овқатдан фарқлаб, емашак ва ўғит маъносида озуқа сўзини ишлатиш ҳам а воситасида янги сўз ясашга интилишнинг бир кўринишидир. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида озуқа сўзи озиқ сўзининг фонетик варианты сифатида берилиб, айн. озиқ дейилган бўлса-да, амалда фақат емашак ва ўсимлик ўғити маъносида кўп қўлланади: *Ғўза шоналаш ва гуллаш даврида озуқани кўп талаб қилади. Озиқ сўзи гоҳо озуқа маъносида аралаш ишлатилса-да, аммо озуқа сўзини кишилар истеъмол қиладиган озиқ-овқат маъносида ишлатиши деярли учрамайди. Бу ҳол улар икки мустақил сўз сифатида шаклланаётганини кўрсатади. Такқосланг: зарб – зарба. Йирик (кўпол) занжирдан фарқлаб, зийнат буюми майда занжир занжирга дейилади* (С.Иброҳимовдан).

-**Лик** билан ясалган кўп маъноли сўзнинг бирор маъносини бошқа сўзлар билан ифодалашга эҳтиёж туғилган жойларда яхлит бир мураккаб кўшимча саналадиган –**чилик** аффиксидан ҳам фойдаланилади. Масалан: улфат сўзидан –лик аффикси воситасида бирор кимса билан улфат, ўртоқ дўст эканликни билдирувчи улфатлик сўзи ясалади. У ясалиш жиҳатидан дўстлик, ўртоқлик сўзларидан фарқ қилмайди: *Сен билан ўртоқлигим, улфатлигим ҳам дўстлигим топди барҳам, минг пушаймон этди барҳам кўрслигим*. Бундан «улфатлар йиғини, зиёфати, улфатлар давраси» тарзидаги маънони фарқлаб ифодалаш учун яхлит бир мураккаб кўшимча саналувчи –**чилик** аффикси воситасида улфатчилик сўзи ясалган. Бу кўшимчанинг –чи қисми ёлғиз ҳолда улфат, оғайни, қийин, меҳрибон каби сўзларга кўшила олмагани, фақат –чилик ҳолида янги сўз ясалгани учун у яхлит бир мураккаб кўшимча ҳисобланади. Бизга маълум бўлган қадимий туркий ва эски ўзбек тилига оид луғатларда меҳрибончилик, улфатчилик, қассобчилик каби сўзлар учрамагани

учун бундай сўзлар –лик билан ясалган белги отлари ва касб отларидан фаркли равишда кейинги юз йил ичида пайдо бўлган деб ўйлашга олиб келади. (Бу ўринда кейинги 300-400 йиллик адабий меросимиз тилига оид бирор мукамал луғат яратилмаганини, бу ҳол ўзбек лексикаси тараққиётини кузатишга тўсқинлик қилаётганини таассуф билан қайд этишга тўғри келади.)

Фактлар кўрсатадики, лексик дифференциация, асосан юз берадиган от ва сифат туркумига хос сўзларнинг туб вариантларида (ўзакларда) содир бўлса, аффиксал вариантлардаги бундай дифференциация, асосан феъл ва от туркумига хос сўзларда юз беради.

Урмоқ феълидан унинг ўзлик нисбати уринмоқ сўзи, уринмоқ (бирор нарсага урилиб кетмоқ) сўзининг фонетик вариантдан эса бирор ишга тутинмоқ, бирор иш билан банд бўлмоқ маъносигаги урунмоқ сўзи пайдо бўлгани юқорида айтилган. Ана шу урунмоқ сўзи ҳам сўзлашув тилида урунамоқ шаклига, ундан эса уннамоқ формасига киради. Бунда ўзак ур > ун, кўшимча –ун+а эса на шаклини олади. (Тилда уринмоқ – урунмоқ феълларининг урунамоқ варианты ҳам бўлганини кўрсатувчи мисоллар бор: *Сайдий – жўн студент, ёзувчиликка урнаб ҳамиша муваффақиятсизликка учраб юрган бир йигит* (А. Қаҳҳор. Сароб). Бундай мисоллар урунамоқ – урунамоқ варианты ҳам бўлганига далолат қилади). Урунмоқ сўзи уринмоқдан у – и унлилари билан фарқ қилса-да, аммо талаффузда бу фарқ кўпинча аниқ бўлмагани туфайли, урунмоқ ифодалаган маъноларни уринмоқ сўзидан кескин фарқлаб ифодалашга бўлган эҳтиёж уннамоқ сўзини юзага келтиради дейиш мумкин. Демак, уннамоқ сўзи уринмоқ феълидан фаркли равишда асосан «бирор ишга тутинмоқ, бирор нарса тайёрлаш ё бирор ишни рўёбга чиқариш учун тиришмоқ» маъноларида қўлланади.

Ўзбек тилида ун-овоз билан боғлиқ сўзлардан феъл ясашда асосан –ла аффикси ишлатилади: додла, йиғла, ҳайҳайла, войвойла каби. Демак, асли унламоқ шаклида юзага чиққан (ёки ясаладиган) феълнинг унда шаклида пайдо бўлиши бу сўз қўшимчасида фонетик ўзгариш рўй берганини кўрсатади.

Бундай ўзгариш қозоқ, қирғиз тиллари таъсирида юз бериши мумкин. Таққосланг: ўзбекча қўл+ла – қозоқча қолда – қирғизча қолдо, ўзбекча сўзла – қозоқча ундеу – қирғизча сездо каби.

### СЎЗ ВАРИАНТЛАРИНИНГ АЛОҲИДА СЎЗЛАРГА АЙЛАНИБ КЕТИШ ҲОДИСАСИНИ ҚЎШМА СЎЗЛАРДА СОДИР БЎЛИШИ

Бунда фонетик ўзгаришлар қўшма сўзнинг I ёки II, баъзан ҳар икки компонентида юзага келади. Қўшма сўзнинг I компонентида содир бўлган ўзгаришларни кўздан кечирамиз. Масалан: ўзбек тилида бузоқбош сўзи билан унинг диалектал варианты бузовбош сўзлари мавжуд бўлиб, улардан асосан вариантлари бузоқбош ва бузоқбоши шаклларида «тиллақўнғиз курти» (ЎТИЛ) ёки русча личинка майского жука (ЎРЛ, 1959) маъносида қўлланади.

«Фожиали равишда ўлмоқ» маъносидаги ҳалок бўлмоқ сўзидан фарқли равишда «овора-сарсон бўлиб қийналмоқ, толиқмоқ, азоб чекмоқ» каби маъноларда ҳалок бўлмоқ сўзининг ишлатилиши қўшма сўз вариантларининг I компонентида юз берган ўзгаришлар туфайли алоҳида сўзларга ажралиб кетишга мисол бўлади: *Бирови айтди: ... жам бўладиган ернинг тайинини билмасак, кўчиб ҳалок бўлмайлик.* (Ғ. Ғулом. Ёдгор). Ҳалок қилмоқ (ҳалок этмоқ, ҳалок айламоқ) қўшма феълидан биринчи компонентдаги о унлиси а га айланиши туфайли семантик ўзгариш юз бериб, янги сўз ҳалок қилмоқ

сўзи пайдо бўлганки, бу ҳол изоҳли луғатда ҳам акс эттирилган. *Излаб кеп (келиб) топмадим эмикдошимни, ҳалак қилдим мен қирқта йўлдошимни.* (Ширин билан Шакар).

Бундай ўзгариш аслида ҳалок сўзининг ўзида, унинг ҳалак шаклида, кейинча аслидан фарқли маънода қўлланиши туфайли юз берган: - *Кунимиз курсин, Жумагул, «Сен ҳам ҳалак, мен ҳам, - деди чол нурсиз кўзларидан оққан ёшларини артиб.* (Ж. Шарипов. Хоразм). Бу сўзлардан ясалган феълларда бундай ўзгариш I компонентда содир бўлгандек бўлиб кўринади.

Асли «суриштирмак, текширмак, аниқламак» маъносидаги таҳқир қилмоқ (этмоқ, айламоқ) сўзининг «ман қилмоқ» (русча запрещать) маъносида тақиқ қилмоқ шаклида қўлланиши ҳам қўшма сўзнинг I компонентидаги ўзгариш қаторида саналиши мумкин. Таққосланг: тақиқ қилмоқ – тақиқ қилмоқ. Тақиқ қилмоқ. Тақиқ қилинган адабиёт.

Баъзан мураккаб сўзлар маъносида юз берган ўзгариш I компонентдан бир товушни тушириб қолдириш йўли билан амалга оширилади. Масалан, «Юқори мартабали киши» маъносидаги олий жаноб (таққосланг: жаноби олийлари) иборасидан фарқлаб «юқори даражада одобли, виждонли, ҳимматли, пок, мард» (русча благородный) маъносида олижаноб сўзи й сиз ишлатилади.

«Бирор айби (гуноҳи) учун кишиларга кўринолмайдиган, юзи шувит» (юзи ёруғнинг антоними сифатида) юзи қора тожикча сиёҳрў /й/ бирикмаси ишлатилади: *Шунақа, холанг ўргилсин, юзи қора бойларнинг жадига бош болам шўрлик шундай кўмилди.* (Ғ. Расул. Тўнғич ўғил). Ана шу ибора узқора (Андижонда) ёки узқора шаклида «алдамчи, фирибгар, маккор» маъносида ҳам учрайди: *Бу – севгимиз, жоним – сен, - деди хаёлимни олди узқора. Шумлигини беркитган экан, у юзаки «иссиқ ситора».* (Султон Жўра).



Бундай мисолларда семантик дифференциация кўшма сўзнинг I компонентидаги фонетик ўзгаришлар воситасида содир бўлгани кўриниб туради.

Олдин ўзбек тилида араб алфавитидаги I ҳарфининг номи «алиф» (а) ҳамда II ҳарф (б) нинг номи «бе» сўзларидан тузилган алифбе кўшма сўзи 2 маънода (I) русча алфавит, азбука ҳамда (2) букварь, яъни алифбе китоби маъносида ишлатилар эди. Шундайлиги 1941 йили нашр этилган ўзбекча-русча луғатда кўрсатилган. Аммо 1950-55 йиллари чоп этилган беш томлик русча-ўзбекча луғатда ўзбек тилининг алифбе сўзининг алифбо варианты ҳам мавжудлиги, кейинги сўз, алфавит маъносида, алифбе сўзининг эса русча букварь (алифбе китоби) маъносида қўлланиши кўрсатиб берилди. Бу ҳол 1983 йили босилган русча-ўзбекча луғатнинг I томида ҳам тўғри акс этирилди, яъни русча букварь алифбе (китоби), алфавит алифбо деб таржима қилинди.

Ўзбек тилининг 2 томли изоҳли луғатида эса (М.,1981) алифбе сўзи 1941 йилги ўзбекча-русча луғатдагидек «алфавит» ҳамда «бошланғич савод китоби», яъни букварь маъносида қўлланиши кўрсатилди. Алифбо сўзи эса алифбе сўзининг семантик жиҳатдан фарқланмаган фонетик варианты сифатида алифбе сўзига ҳавола қилинди.

Бу факт шуни кўрсатадики, кейинги русча-ўзбекча луғатнинг а ва б бўлимини тузган мутахассислар, 5 томли русча-ўзбекча луғатдан изоҳли луғатнинг а ва б бўлимини тузган мутахассислар эса фақат ўзбекча-русча луғатлардан фойдаланиши билан чекланган, русча-ўзбекча луғатлардан фойдаланмаган. Бу фактдан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар қандай луғатни яратишда, сўзларнинг шакллари ва лексик маъноларини аниқлашда фақат шу тузилаётган луғатга бевосита оид бўлган луғатлар билан чекланмасдан, изоҳланаётган сўзлар ишлатилган ҳар қандай луғатлардан, жумладан, ўзбекча-русча, русча-ўзбекча, ўзбек, рус ва бошқа тиллардаги изоҳли луғатлар, ан-

тонимлар, синонимлари луғатлари, фразеологик ва терминологик луғатлардан жуда синчковлик билан фойдаланиш лозим бўлади.

Ўзбек тилида тожикча амакбача, тағобача сўзлари зами-нида пайдо бўлган сўзлар асосан II компонентни вачча шаклида қўллаш билан амакивачча, тоғавачча, холавачча шаклида қўлланади. Аммо 1976 йили чоп этилган ўзбек тили-нинг имло луғатида бундай сўзлар ўзбек тилида амакибачча, тоғабачча шаклида ҳам қўлланиши кўрсатилган ҳамда бу ва-риантлардан кейингилари асосий вариантлар эканлиги уларни амакибачча ва амакивачча; аммабачча ва аммавачча шаклида келтириш билан ифодаланган. Шуни айтиш лозимки, бундай сўзларнинг сўнгги компоненти ўзбек тилида фонетик ва лек-сик дифференциацияга учраган, яъни шаклан ва маъно жиҳат-дан фарқ қилинган. Улардан бачча шакли ўзбек тилида асосан «акабаччани ихтиёрида хушрўй ўйинчи ўғил бола» маъносида қўлланади: *Ўртада 16-17 яшар бачча ўйнайди.* (Ойбек. Кутлуг қон). Ана шу бачча сўзидан фарқли равишда қариндош бил-дирувчи қўшма сўзларнинг II компоненти ўзбек тилида –вачча шаклида юритилади: амакивачча (ака-укаларнинг фарзандлари ёки ўғил-қизлари бир-бирига нисбатан); холавачча (опа-сингилларнинг фарзандлари бир-бирига нисбатан), аммавачча, тоғавачча каби. Бундай қўшма сўзлар ўзбек тилида амакибач-ча, холабачча тарзида юритилмайди, бундай сўзлар тожик ти-лида ҳам сўзлашувчи ёки тожик билан аралаш ёки яқин жой-да яшаган ўзбеклар нутқида гоҳо учраши ҳам мумкин.

Қўшма сўзнинг II компонентида юз берган фонетик ўзга-риш натижасида маънодаги фарқни ҳам фарқлашга «гулни ту-тиб турувчи новдага» русча цветоножка маъносида гулбанд сўзини, «пичоқнинг тиғи билан дастаси бириккан жойга ўрна-тилган махсус металл халқа» гулбанд сўзининг гулвант вари-антини ишлатиш ҳам мисол бўла олади. Бу икки сўз луғат-ларда фарқланмасдан, фақат гулбанд шаклида (омоним тарзи-

да) берилган. Аммо амалда улар фарқ қилинади. Касб-хунар лексикасини махсус ўрганган профессор С. И. Иброхимов сўнги маънода пичоқсоз усталар нутқида ва умуман сўзлашув тилида гулвант шаклида юритилишини аниқлаган. Бу олим мазкур сўз тожикча «гулбезак сифатида ўрнатилган халқасимон банд» маъносидаги гулбанд сўздан келиб чиққанлигини, шу билан бирга пичоқчилик терминологиясида гулвантчўп – гулвантқолип каби терминлар мавжудлигини ҳам кўрсатган<sup>81</sup>.

А. К. Боровков бошбоғ сўзи эски ўзбек тилида бошбоқ (башбақ) шаклида бош кийим (русча головной убор, тюрбан) маъносида қўлланганини қайд қилган<sup>82</sup>. Бу сўз бошвағ шаклида сўнги имло лугатида ҳам киритилган (1976). Бу сўздан фаркли равишда унинг варианти бошвоқ сўзи ҳозир асосан «чорва моллари бошига боғланадиган оппоқ пахта» маъносида ишлатиладики, бу ҳам II компонентдаги ўзгариш туфайли янги сўз ясалганига мисол бўла олади: *Девор тагида катта сигир бошвоғини ерга ёйиб, бемалол кавиш қайтариб ётади* (Ойбек. Кутлуг қон).

Сўнги имло лугатида қайд этилган қоқбош сўзи сўзлашув тилида жўхори, бугдой, узум каби дон битмаган, пуч бош, донсиз бош, мевасиз бош маъноларида ишлатилади. Бундай бўлиши табиий. Чунки, қоқ сўзи «ҳеч нарсаи йўқ» маъносида ишлатилади: *(Йўлчи) – Мен чиққанимда уй қоқ эди, на бир сиқим ун, на бир қошиқ мой* (Ойбек. Кутлуг қон). Бундан фаркли равишда унинг қоқвош варианти, яъни «миясида ҳеч нарса ёки ақл йўқ, миясиз, ақлсиз», бундан ташқари, «ўзи тушунмай гапираверадиган қуруқ маҳмадона» маъносида ҳам ишлатилади: *(Жамилга) – Оббо, қоқвош-ей, сен белингни боқлагунингча, Шокирвой пахтасини ундириб, териб ҳам олади.*

<sup>81</sup> Иброхимов С. Фарғона шевасининг касб-хунар лексикаси. II-III. Тошкент, 1959. 247-бет.

<sup>82</sup> Боровков А. К. Лексика Среднеазиатского тифсира. XII-XIII вв. М.: изд-во Восточной литературы. М., 1963. С.93.

(Ж. Абдуллахонов. Тўйга келинлар). *Маҳкам аканинг ўғли жуда қоқвош чиқибди-да! Бу қоқвош «шу ишингиз нотўғри» дейиши билан-ку, Хожининг қорнига қозик қоққандек бўлган эди, яна «хўрайманг» дегани нимази.* (А. Қаҳҳор. Йиллар).

«Қилганоқ» маъносидаги қилтиқ (қилтиғ) сўздан фарқли равишда «орик, заиф» маъносида унинг қилтириқ варианты ишлатилади.

